Етар мақсадга ҳар ким, бўлса ул бедорроқ!

Бобур ва дунё

Маънавий-маърифий, илмий, тарихий, бадиий журнал

№4(21) 2021 йил. Декабрь

Янги Ўзбекистон ғояси эл-юртимизнинг улкан интилиш ва иродаси билан умумхалқ ҳаракатига айланмоқда. Барчамиз ана шу улуғ мақсад йўлида янада жипслашиб, ғайрат-шижоат ва масъулият билан фидокорона меҳнат қилсак, кўзлаган юксак марраларимизга албатта етамиз.

Ишончим комил, орадан йиллар, асрлар ўтади, лекин ғоят қийин ва мураккаб, оғир синовли йилларда Янги Ўзбекистонни бунёд этишга муносиб ҳисса қўшган инсонларни келгуси авлодлар миннатдорлик билан эслайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат МИРЗИЁЕВнинг
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
қабул қилинганининг
29 йиллиги муносабати билан
байрам табригидан.

МУНДАРИЖА

4. Йил сарҳисоби

Зокиржон МАШРАБОВ,
Холида ШАМСИЕВА
Асрлардан ошган хазина

10. Янгича талқин

Ҳаким САТТОРИЙ
“Навоий Андижонийдурур!?”



17. Қиёсий таҳлил

Тўлқин САЙДАЛИЕВ
Мирзо Бобур шеърияти: аслият ва таржималар




22. Тадқиқот

Буробия РАЖАБОВА
“Мажолис ун-Нафоис”да маданий муҳит тасвири




28. Бобуршунослик

Исроил СУЛАЙМОНОВ
Бобур шахсияти ва бадиий талқин



37. Манбашунослик

Сарвар САИДОВ
Адаб илмига оид муҳим асар



42. Тилшунослик


Ғулом ИСМОИЛОВ
Туркий тилларнинг қадим жилолари

47. Адабий жараён

Сайёра РАИМОВА
Улуғ ўзанларга қайтиб...

53. Қадр

Мухлиса ҲАФИЗОВА
Устоз-шогирд анъанаси:
Ғафур Ғулом ва Эркин Воҳидов



59. Адабиётшунослик

Зебунисо АМИРҚУЛОВА
Ҳикояда тарихий шахслар талқини



64. Жамият ва адиб

Зулфия МЎМИНОВА
Тафаккур карвонининг қўнғироғи дунёни уйғотар

67. Ҳикоялар

Қурбон ЭШМАТ
Онам хаёлидаги ихтиро



73. Кўнгил сарҳадларида

Асқар МАҲКАМ
Эй покиза хилқат, хуш келдинг...

77. Дилкаш учрашувлар

Шермат ХЎЖА
Ижод тонгидаги омад



Ўтган давр мобайнида Бобур номидаги халқаро жамоат фонди кўҳна тарихимизни тиклаш, маънавиятимизни янада юксалтириш, заминимиздан етишиб чиққан буюк аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, улар қолдирган бой илмий-маданий меросларини излаб топиб, Ватанга олиб келиш ва илмий истеъмолга киритиш борасида қатор хайрли ишларни амалга оширди.

АСРЛАРДАН ОШГАН ХАЗИНА

Бобур номидаги халқаро жамоат фондининг 2021 йил давомид2и фаолиятига назар

Зокиржон МАШРАБОВ, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Холида ШАМСИЕВА, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди котибият мудири.



Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 538 йиллиги муносабати билан 2021 йил 14 февраль куни Бобур номидаги халқаро жамоат фонди томонидан фонднинг Васийлик ва Бошқарув кенгаши аъзолари, вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вакиллари, хорижлик меҳмонлар, бобуршунос олимлар, Фарғона водийсидаги университетлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирокида ZOOM платформасида онлайн тарзда халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Бобур номидаги халқаро жамоат фонди томонидан сўнгги йилларда буюк аждодларимиз илмий меросини ўрганиш, ҳозирги ёш авлодга тарғиб-ташвиқ қилиш борасида олиб борилаётган ишлар, экспедиция сафарлари ҳақида, нашр қилинаётган янги китоблар, яратилган фильмлар, республикамизнинг нуфузли нашрларида эълон қилинаётган мақолалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Барчага маълумки, мамлакатимизда илк бор жаҳон тарихидаги буюк сиймолардан бири, ўзбек халқининг буюк фарзанди Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсига бағишланган “Бобур энциклопедияси” икки маротаба нашр қилиниб, жаҳон шарқшунос олимлари ва зиёлилари томонидан улкан илмий ютуқ ва оламшумул воқеа сифатида қабул қилинди.

Ҳозирда “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси”нинг учинчи тўлдирилган нашрини ҳамда инглиз ва рус тилларидаги нусхаларини 2021-2022 йилларда нашрдан чиқариш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Энциклопедиянинг учинчи нашрини тайёрлаш ишлари ўзига яраша кўп меҳнат талаб қилади, аввалги нашрлардаги йўл қўйилган камчиликларни баҳоли қудрат бартараф этиш, янги нашр учун мақолаларни тўплаш, уларнинг таржимаси, таҳрир ва таҳлил ишлари, олим ва мутахассисларни жалб қилиш ва бошқа кўплаб вазифаларни бир меъёрда ташкил этиш мақсадида қомуснинг аввалги нашрлари тажрибасидан келиб чиқиб, китобларни нашрга тайёрлаш ишчи гуруҳи тузилиб, бир гуруҳ таржимонлар, мутахассислар фонд қошида ишламоқдалар. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедиясининг учинчи тўлдирилган нашрини ҳамда унинг инглиз ва рус тилларидаги нусхаларини 2021-2022 йилларда нашрдан чиқариш бўйича Андижон Давлат Университетининг бир гуруҳ таржимон ва мутахассислари билан ҳамкорликда қатор илмий-амалий ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳазрати Бобур Мирзо асарлари тўпламининг тарихимизда ҳали бирор марта бир бутун шаклда чоп этилмаган бўлиб, илк

тажриба сифатида фонд ташаббуси ва ҳомийлигидаги “Бобур куллиёти”нинг янги нашри ҳам Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, шоир ва адиб Мирзо Кенжабек томонидан нашрга тайёрланмоқда. Бобур Мирзо “Куллиёт”и, яъни тўлиқ асарлар тўплами олти жилд ҳолида нашр этилиши маданий-маърифий ҳаётимиздаги улкан янгилик бўлади.

Шу ўринда энциклопедиянинг инглиз тилидаги нашрига филология фанлари доктори, профессор Шуҳрат Сирожиддинов, ўзбек тилидаги тўлдирилган янги 3-нашрига филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев, унинг рус тилидаги вариантига филология фанлари номзоди Ваҳоб Раҳмоновлар масъул муҳаррирлик қилмоқдалар.

Иккинчи ва учинчи нашрлар ҳақида сўз бораркан, 2021 йил давомида фонд ҳамда экспедиция раҳбари ва унинг фаолияти ҳақида қизиқарли маълумотларни ўз ичига олувчи “Бобурийлардан бири” китобининг тўлдирилган иккинчи нашри, шунингдек, фонд ҳомийлигидаги “Халқаро Бобур фонди ҳақидаги битиклар”, “Боғи Бобур” ва “Андижоним – қалб гавҳарим” каби асарлар ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола этилганлигини қайд этиш лозим.

Жорий йилда фонд раиси Зокиржон Машрабовнинг олиб бораётган қатор эзгу хайрли ишлари яна бир бор ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, муҳтарам президентимиз Ш.Мирзиёевнинг қарорларига кўра Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан мукофотланди. Шунингдек, фонд раисининг олиб бораётган фаолияти, ибратли ҳаёт йўли ҳақида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан “Ибратга йўғрилган умр”, Андижон вилояти телевидениеси орқали эса мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан фонд раиси фаолиятини тарғиб этувчи яна бир ҳужжатли фильм тайёрланиб, телетомошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Ўзбекистон Республикаси “Жамоат фондлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, Бобур номли жамоат фондининг юридик мақомга эга бўлмаган Қирғизистон, Афғонистон, Озарбайжон, Туркия, Россия, Ҳиндистон, Япония, Германия, Швеция ва бошқа хорижий давлатларда бўлимлари мавжуд бўлиб, улар билан илмий-маданий алоқалар олиб борилмоқда. Илмий-маънавий ишларнинг амалга ошишида фонднинг хорижий давлатлардаги бўлимларининг хизмати беқиёсдир. Улар кўмагида фонд тасарруфидаги “Бобур ва жаҳон маданияти” китоб музейи фонди бойимоқда.

Фонд фаолиятини янада кенгайтириш, хориждаги илмий-маданий муассасалар билан алоқаларни узвий боғлаш, шунингдек, фонднинг Қирғизистон бўлими ишларини янада жадаллаштириш мақсадида жорий йил Бобур номидаги халқаро жамоат фондининг Қирғизистон бўлими раҳбари лавозимига Қирғизистон ҳукумати ҳузуридаги Маҳаллий бошқарув ва миллий муносабатлар бўйича Давлат агентлиги директори маслаҳатчиси, Қирғизистон ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Бегижон Аҳмедов Қирғизистон бўлими раҳбари этиб тайинланди. Айни пайтда фонднинг Қирғизистон бўлими билан ҳар томонлама илмий-маданий алоқалари давом эттирилмоқда.

Жорий йилнинг 13 июнь куни Эрон давлатининг Теҳрондаги Форс тили ва адабиёти Академиясининг раис ўринбосари, тарихчи олим, профессор Муҳаммад Ризо Носирий Ўзбекистон давлатига уюштирган сафари давомида Ҳиндистон маданият марказининг директори Чандра Шекхар ва марказнинг таржимон мутахассиси Баёт Раҳматов ҳамроҳлигида Андижон шаҳридаги Бобур номидаги халқаро жамоат фондига ташриф буюрди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов муносабати билан халқаро кузатувчи сифатида юртимизга ташриф буюрган Покистон давлатининг Исломободдаги Бобур Форуми директори Муҳаммад Рамзан шу йилнинг 26 октябрь куни Бобур номли халқаро жамоат фонди раиси Зокиржон Машрабов билан шахсан учрашиш, фонд фаолияти билан яқиндан танишиш ва тажриба алмашиш мақсадида Андижон вилояти ҳокимлигининг вакиллари: АДУнинг филология факультети декани Баҳодир Раҳмонов ва таржимон мутахассис Олимжон Қодировлар ҳамроҳлигида Андижон шаҳридаги Бобур номидаги халқаро жамоат фондига ташриф буюриб, фонд бошқарув кенгаши аъзолари ҳамда бир гуруҳ маҳаллий бобуршунослар билан учрашдилар.

Эрон ва Покистон давлатларининг бевосита мамлакатимиз тарихига алоқадор жиҳатлари кўп. Эрон бутун дунёга машҳур алломалар юрти ҳисобланади. Масалан, Тус шаҳрида Фирдавсий, Ҳамадон шаҳрида Абу Али ибн Сино, Шерозда Саъдий Шерозий ва Ҳофиз Шерозий, Нишопурда Умар Хайём, Фаридиддин Аттор каби фозил шахслар камол топиб вояга етган. Бобур номидаги халқаро жамоат фонди тасарруфидаги Бобур номли халқаро илмий экспедиция Эрон давлати бўйлаб сафарларда бўлганида уларнинг қабр-мақбаралари зиёрат қилинди. Зокиржон Машрабов раҳбарлигидаги сафарлар давомида Машҳад шаҳрининг Имом Ризо мажмуасидаги Ар-Ризо кутубхонасида Бобур Мирзо томонидан ихтиро қилинган Хати Бобурийда битилган “Қуръони Карим” ва Теҳрон шаҳридаги Бобур Мирзо “Куллиёт”идан нусха олишга мушарраф бўлинди.

Замонавий Покистон ҳудудида Бобурийлар томонидан қурилган 10 дан ортиқ машҳур иншоотлар сақланиб қолган. Жумладан, Шоҳжаҳон даврида қурилган Акбар саройи, Аврангзеб ҳукмронлиги даврида Лаҳорда қад кўтарган Бадшохи масжиди Бобурийлар салоҳиятидан дарак беради. Хусусан, 1673 йилда қурилган Бадшохи масжиди катталиги жиҳатидан 1986 йилга қадар дунёда биринчи ўринда турган эди. Бобурийлар сулоласининг буюк намояндаларидан Акбаршоҳ даври обидаларидан бири – Лаҳор қалъасидир. У 1566 йилда барпо этилган. Жаҳонгир ҳукмронлиги даврида қурилган “Хирон-минор”, Жаҳонгир мақбараси, Шоҳжаҳон ҳукмронлик йиллари барпо этилган Шоҳжаҳон масжиди ва Шалимар боғлари жаҳон меъморчилигининг нодир дурдоналаридан ҳисобланади. Шалимар боғлари 1981 йили ЮНЭСКО рўйхатига киритилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Покистон

ҳудудида Бобурийлар томонидан бунёд этилган иншоотларнинг катта қисми Лаҳор шаҳрида жойлашган. Бундан кўриниб турибдики, ушбу шаҳар ўз даврида Бобурийларнинг йирик ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий марказларидан ҳисобланган.

Даставвал меҳмонлар Бобур номидаги халқаро жамоат фонди тасарруфидаги Бобур номли миллий истироҳат боғига ташриф буюриб, у ердаги "Бобур ва жаҳон маданияти", шунингдек, "Андижон шаҳарсозлик маданияти тарихи" музейларидаги ноёб экспонатлар ва халқаро экспедициялар натижасида қўлга киритилган 1000 дан зиёд қўлёзма ва китоблар ҳамда Бобур Мирзо даврига оид археологик ёдгорликлар билан яқиндан танишдилар.

Хорижлик меҳмон жаноб Носирий билан фонд биносида ташкил этилган учрашувдаги мулоқот давомида Бобур Мирзо ва бобурийлар ҳаёти-фаолиятига оид масалалар юзасидан қизғин суҳбат бўлиб ўтди. Эронлик олим ўзининг Бобур Мирзо фаолиятига бўлган қизиқиши, шоир ижодига оид нашр этилган асарлари, жумладан, тўрт жилдлик "Тарихи Фаришта" китоби ҳақида ҳам йиғилиш қатнашчиларига кўплаб маълумотлар берди. Шунингдек, экспедиция сафарлари давомида қўлга киритилиб, фонд ҳомийлигида она тилимизга таржима қилиниб, чоп этилган эронлик олим Ирож Аминийнинг "Қўҳинур – Бобурнинг олмоси" номли асари билан ҳам танишди.

Учрашув давомида эронлик олим буюк мутафаккир олим Алишер Навоийнинг туғилган жойи билан боғлиқ масала юзасида фикрлари билан ўртоқлашиб, бу ҳақда Эрондаги адабиётларда ҳеч қандай маълумот учрамаслиги, агар алломанинг Сова шаҳрида таваллуд топганлигига оид маълумотлар мавжуд бўлганда, аллақачон эронлик олимлар бутун оламга эълон қилиб бўлардилар, деган фикрни билдириб ўтди. Хорижлик меҳмон "Бобур ва жаҳон маданияти" китоб музейи учун ўзи нашрга тайёрлаган "Тарихи Фаришта" асарларини тақдим этди.

Покистонлик олим ўзининг Бобур Мирзо фаолиятига бўлган қизиқишлари, у раҳбарлик қилаётган форум фаолиятига оид янгиликлар ҳақида йиғилиш қатнашчиларига кўплаб маълумотлар берди. Шунингдек, меҳмон келгусида фонд билан мустаҳкам илмий алоқалар ўрнатиш истагида эканлигини билдириб, Бобур Мирзо ва бобурийлар фаолиятига алоқадор номзодлик диссертацияларини ёқламоқчи бўлган талабгор талабаларни Покистон давлатида ўқитиш таклифини билдириб, бунинг учун етарли имкониятлар мавжудлиги ҳақида гапирди.

Мулоқот якунида фонд билан Эрон ва Покистон давлатлари вакиллари ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Бобур номидаги халқаро жамоат фондининг Эрон бўлими раҳбари лавозимига Теҳрондаги Форс тили ва адабиёти Академиясининг раис ўринбосари, тарихчи олим профессор Муҳаммад Носирий, Покистон бўлими раҳбари лавозимига эса Бобур форуми директори жаноб Муҳаммад Рамзан тайинланди. Жамоатчилик асосида ташкил этилган фоднинг Покистон ва Эрон бўлимлари келгусида мустаҳкам илмий-маданий алоқалар ривожланишига ҳамда ҳар иккала давлатлар ўртасида илмий ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамланишида кўприк бўлади.

Умуман олганда, фонд дунёнинг яна бошқа кўплаб хорижий давлатларида ҳам ўз бўлимларини очишни ва бу билан бобуршунослик фани ривожига муносиб ҳисса қўшишни режалаштирган. Айни пайтда Канада давлатининг Ванкаувер шаҳридаги British Columbia университетининг фалсафа фанлари номзоди Дилсора Комил-Бўрли билан фоднинг Канада бўлимини ташкил этиш юзасидан қизғин музокаралар олиб борилмоқда.

Фоднинг жамоатчилик асосида ташкил этилган бўлимлари фаолияти ҳақида гап борар экан, унинг Туркия бўлими ҳақида алоҳида тўхталишни лозим деб биламиз. Фоднинг Туркия бўлимига Измит шаҳрида жойлашган Кожаэли Университетининг турк тили ва адабиёти бўлими раҳбари, анча йиллардан буён туркиялик талабаларга "Бобурнома" матни, "Бобур девони" каби мавзулардан дарс бериб келадиган профессор олима Муневвер Текжан хоним хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқдир. Кейинги 15 йил ичида бобуршунослик фани Туркияда алоҳида фан сифатида ривож топди. Бобур Мирзо ва бобурийлар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ва уни Туркияда кенг оммага тавсия қилиш борасида анчагина ижобий натижаларга эришилди. Текжан хонимнинг Бобур Мирзо фаолиятига бўлган қизиқишлари, унинг ижодига оид нашр эттирган янгидан-янги асарлари, жумладан, айни пайтда Текжан хоним ва яна икки нафар турк олимлари томонидан турк тилига ўгирилган Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедиясининг 2-нашри таржимаси ҳам фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Текжан хонимнинг ташаббуси ва беминнат хизматлари туфайли келгуси йили туркиялик бобурсеварлар ҳам Бобур энциклопедиясидан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, "Эл-юрт ҳурмати", "Меҳнат шуҳрати", "Фидокорона хизматлари учун" ва бошқа бир қатор кўкрак нишонлари соҳиби, Бобур номли халқаро жамоат фондининг асосчиси ва раиси, таниқли бобуршунос ва геолог олим Зокиржон Машрабовнинг шу йили муборак 88 ёшга тўлиши муносабати билан нашр этилган "Проф.Др Зокиржон Машрабовга армуғон: Бобур изида ўтган бир умр" номли китобининг яратилиши ҳам туркиялик олимамиз Муневвер Текжан хонимнинг ташаббуслари ва лойиҳалари туфайлидир.

Китоб Истанбулда нашр этилган бўлиб, ихчам ва сермазмун. Замонавий тарзда қадоқланган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан асар тақдимоти ўтказилди. Китобга Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Миромоновичнинг фонд раиси Зокиржон Машрабов билан тушган сурати ҳам илова қилинган. 182 саҳифадан иборат бўлиб, Текжан хоним сўзбошиси билан бошланади. Буюк мутафаккир файласуф олим Мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратларининг қуйидаги фикрлари асарнинг бошига кириш сўз сифатида олинган: "Агар бир олимга минг йил умр берилган тақдирда ҳам у изланишдан тўхтамаган бўлар эди, чунки олим илмга қониқмайди", шунингдек, "Зокиржон Машрабов:

самарали ва ибратли ҳаёт йўли" сарлавҳаси остида фонд раисининг автобиографияси ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган.

Китоб Бобур халқаро илмий экспедициясининг сафарлари ҳақидаги туркум мақолалари билан машҳур бўлган Қамчибек Кенжанинг "Геолог-Арбоб-Бобуршунос" номли мақоласи билан бошланиб, таниқли ёзувчи ва бобуршунос Хайриддин Султоновнинг "Бобурийлардан бири", тарих фанлари доктори профессор Абдумажид Мадраимовнинг "Фидоий инсон Зокиржон Машрабов ҳақида", Бобур номидаги ҳалқаро жамоат фондининг Қирғизистон бўлими раҳбари Бегижон Аҳмедовнинг "Эзгуликка йўғрилган умр", филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоевнинг "Бобуршоҳнинг вориси", Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, бобуршунос ва навоийшунос олим Ваҳоб Раҳмоннинг "Бобурпараст", ЎзФАнинг аъзоси, академик Абдулла Аъзамовнинг "Бобур дастхати билан битилган рубоий", Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган Ёшлар мураббийси, таниқли ёзувчи ва шоир Мирзо Кенжабекларнинг "Бобур Мирзонинг фиққий ва тасаввуфий фазилатлари" номли ўзбек тилидаги мақолалари билан давом этибгина қолмай, балки заҳматкаш олима Муневвер Текжаннинг беминнат хизматлари туфайли сўнгги изланишлари маҳсули бўлган "Бобурнома" асарининг танқидий нашрини тайёрлаган Япония Академияси профессори, бобуршунос олим Эйжи Манонинг "XV-XVI асрларда Марказий Осиёда подшоҳ ва унга тобелар муносабатлари масалалари", Нью Деҳлидаги Алигарх Университетининг марҳума профессори, забардаст олима Мансура Ҳайдарнинг "Бобурга ретроспект қараш – янгича ёндашув", венгриялик профессор Бенедикт Перининг "Бобурнинг ғазал шеърияти ва ғазалларининг замонавий нашрлари", тузувчи ва муҳаррир Муневвер Текжаннинг "Бобур биографияси: Танлов", Туркманистон ФАнинг профессори Рахиммеммет Қуреновнинг "Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг янги топилган қўлёзмаси" каби инглиз тилидаги, Туркия давлатининг Жумҳурият университети профессори, "Бобур девони" нашри муаллифи Билол Ожелнинг турк ҳамда Озарбайжоннинг Боку Давлат университети профессори Рамиз Аскернинг рус тилларидаги мақолалари билан ҳам бойитилган.

Текжан хоним китоб яратилиш тарихи ва тафсилотлари билан фонд бошқарув кенгаши аъзолари билан бўлган мулоқот чоғида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтди: "Биз, туркиялик олимлар, Зокиржон Машрабовнинг Бобур Мирзо ва бобурийлар ҳаёти ва ижодини ўрганиш соҳасидаги кўп қиррали фаолиятидан ҳайратланамиз. Шу сабабдан ҳам бу киши – фидоий инсон сифатида кўз ўнгимизда гавдаланади. 28 маротаба Бобур изидан номли экспедициялар уюштириб хорижга сафар қилган, 1000 га яқин нодир қўлёзма ва асарларни, жумладан, миниатюра альбомларини Андижондаги "Бобур ва жаҳон маданияти" китоб музейида мужассамлаштира олган. Уюштирилган илмий сафарлари натижасида 25 га яқин видеофильмлар яратилди, фонд ҳомийлигида 60 дан зиёд китоблар рус, инглиз, немис, уйғур, урду, ва ҳинд тилларидан таржима қилиниб, ўзбекистонлик ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди, илмий истеъмолга киритилди".

Дарҳақиқат, кейинги пайтларда Бобур Мирзо ижоди ва фаолиятини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Фонд томонидан ўтказилган халқаро ва республика миқёсидаги анжуманлар ҳамда ана шу анжуманлар натижасида чоп этилган қатор илмий-оммабоп мақолалар тўпламларида бу жараён ўз аксини топмоқда. "Festschrift" услубидаги тўплам ҳам шулар жумласидан бўлди, десак муболаға бўлмайди. Ҳаёти ва фаолияти акс эттирилган заҳматкаш инсон Зокиржон Машрабовнинг ҳаёт йўли самарали ва ибратомуздир. Бобур номидаги халқаро жамоат фонди фаолияти ва фонд раиси Зокиржон Машрабовнинг бобуршунослик ривожи йўлида олиб бораётган ишлари нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам кенг жамоатчиликка яхши маълум. Ушбу китоб Туркия ва ўзбекистонлик олимларнинг дўстлиги рамзи сифатида яратилган бўлиб, тўпламдан нафақат ҳар иккала давлатнинг таниқли бобуршунослари мақолаларигина эмас, балки жаҳоннинг машҳур бобуршунослари мақолалари ҳам ўрин олган. Ўзбекистон ва Туркия давлатлари ўртасида Текжан хоним томонидан бунёд этилган дўстлик кўприги ҳар иккала давлатларнинг ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ривожига улкан ҳисса қўшади.

Йиллар давомида Бобур номли халқаро жамоат фонди ўз тасарруфидаги Бобур боғини ҳар томонлама обод қилиш учун бор имкониятини ишга солиб келмоқда. Натижада, бутун мамлакатга бу маскан "Боғи Бобур" номи билан танилди. Охирги 30 йил давомида халқаро ва ички туризмни ривожлантириш, боғдаги шарт-шароитларни яхшилаш, зиёратчиларга янада қулайликлар яратиш мақсадида боғда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилиб, фонд томонидан киритилган инвестициялар ҳисобидан қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб келинмоқда. Бугунга келиб, ушбу маскан республикамиз ва Фарғона водийси аҳолисининг энг севимли, кўркам дам олиш масканларидан бири бўлиб, республикамизга ташриф буюрадиган нуфузли хорижлик меҳмонлар учун ҳам зиёратгоҳга айланган. Боғ ҳудудида шарқона услубда қурилган Арк - дарвоза, Бобур Мирзо ҳайкали, шоирнинг рамзий мақбараси, янгитдан бунёд этилган намозхона – масжид, "Бобур ва жаҳон маданияти", "Андижон шаҳарсозлик маданияти тарихи" музейлари, обсерватория, кутубхона, спорт майдонлари ва бошқа мажмуалар маънавият маркази сифатида фаолият олиб бормоқда.

Боғнинг марказий хиёбонидаги "Бобур ва жаҳон маданияти" музейи эса буюк аждодларимиз изидан бориб, халқаро илмий экспедициянинг сафарлари натижасида олиб келинган ва илмий истеъмолга киритилиб келинаётган ноёб қўлёзма асарлар, нодир китоблар ва турли тарихий ашёлар билан бойитилиб келинмоқда. Музей экспонатлари сони 1000 дан зиёд. Музейга келувчилар ноёб экспонатлар билан танишиб, Бобур ва бобурийлар ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

Бобур номидаги халқаро жамоат фондининг фаолият кенг қамровлидир. Шу маънода Андижон шаҳрининг ёшини аниқлаш бўйича ҳам Ўзбекистон ФА Археология институти билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Таниқли тарихчи Боқижон Матбобоев билан биргаликда Андижоннинг миллий давлатчилигимизга бевосита дахлдор бўлган кўплаб тарихий ёдгорликлари ўрганилиб, янги манбалар қўлга киритилди. Ва бунинг натижасида фонд тасарруфидаги иккинчи мозийгоҳ – Бобур маданият ва истироҳат боғи қошида "Андижон шаҳарсозлик маданияти тарихи" музейи ташкил қилинди. Бу жой нафақат музей, балки ёшларимиз учун тарихимиз ҳақидаги жонли дарсхона, хориждан келувчилар учун эса Андижоннинг ўтмишидан сўзловчи ноёб топилмалар масканидир. Музейда Бобур номли халқаро жамоат фонди ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология институти билан ҳамкорликда Андижон шаҳрининг ёшини аниқлаш борасида олиб борилган илмий-тадқиқот ва археологик қазишмалар натижасида топилган асори-атиқалар мавжуд. Ушбу топилмалар Андижон шаҳрининг 2500 йиллик шаҳарсозлик маданияти тарихига эга эканлигига асос бўла олади. Ушбу музей водийда шаҳарсозлик маданияти тарихини ўрганиш ва уни тарғибот қилишга бағишланган. Шу билан бирга асосий эътибор Андижон шаҳрини археологик ўрганишга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаментининг рухсати билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология институти ва Бобур номидаги халқаро жамоат фонди билан шартнома асосида жорий йил май ва июнь ойларида Андижон вилояти Жалалқудуқ туманида жойлашган "Қутайба ибн Муслим" зиёратгоҳида олиб борилган қазув ва текширув ишлари давомида аниқланган бир қанча археологик топилмалар музей фондига топширилди.

Бундан ташқари, Бобур боғида янги ташкил қилинган кўнгилочар жойлар, 40 турга яқин замонавий аттракционлар, болалар майдонлари, музқаймоқ кафелари, ресторан ва ошхоналар меҳмонларга сифатли хизмат қилиб келмоқда.

Биз сўз билан айтганда, Бобур боғи Андижонимизнинг ташриф қоғозига айланган десак, асло муболаға бўлмайди. Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиш баёни қарори билан Андижон вилоятидан фақатгина Бобур боғи халқаро туризм маршрутига киритилган.

Боғ ҳудудининг катта қисми адирликлардан иборат эканлиги боис бу майдонларда сувсизликка чидамли мевали ва манзарали дарахтларни кўпайтириш мақсадида фонд қошида "Писта, зайтун, коврак ва бошқа субтропик ўсимликларни етиштириш илмий маркази" ташкил қилинган бўлиб, марказ ходимлари томонидан хориждан олиб келинган ноёб декоратив дарахт ва гул кўчатларини маҳаллий иқлимга мослаштириш йўлида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Изланишлар натижасида сувсизликка чидамли писта, бодом, зайтун, коврак, заъфарон, ёнғоқ каби мевали дарахтлар кўпайтирилиб, пистазор, зайтунзор, ковракзор ва ёнғоқзорлар барпо қилинди. 2018 йилдан бошлаб, фармацевтика соҳасида кенг қўлланилиб келинаётган, экспортбоп маҳсулот ҳисобланган коврак ўсимлигини етиштириш борасида боғнинг 1,0 гектар майдонида тажрибавий ишлар олиб борилган бўлиб, бу ишларнинг самараси ўлароқ, ҳозирда 100 гектар майдонга коврак ўсимлиги экилиб, шифобахш заъфарон ўсимлигини ҳам етиштириш режалаштирилган эди. Бу соҳада амалий ишлар бошланиб, жорий йилда Бобур боғининг энг юқори адирлик қисмига Туркия давлатидан келтирилган уруғлар экилиб, ўн гектарга яқин майдонда парвариш қилинмоқда.

Мамлакатимизда маънавият, жумладан, адабиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқимиз ҳаёти ва тарихида ёрқин из қолдирган атоқли сўз усталари хотирасини абадийлаштириш, ёшларнинг маданий-маърифий савиясини юксалтиришга қаратилган қатор ташаббуслар ватандошлар дунёқарашини, эзгу ва ёрқин ғояларни тарбиялайди, онгини мустаҳкамлайди.

Шу мақсадда сўнгги йилларда миллий адабиётни ривожлантиришга, мумтоз ва замонавий адабиётимиз дурдоналарини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилишга, адабиётнинг таъсирчан кучидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, Бобур номли халқаро жамоат фонди келгуси 2022 йилда ўз тасарруфидаги З.М.Бобур номли миллий истироҳат боғини бутун халқимиз, айниқса, ёшлар учун том маънода адабиёт, маънавият ва тарбия масканига айлантириш мақсадида марказий хиёбони атрофига Бобур Мирзо ҳайкалини бунёд этиш, шоир ҳайкали атрофига эса ўндан зиёд атоқли шоир ва адибларнинг ҳайкалларини ўрнатиш: ҳазрат Навоий, Чўлпон, Нодирабегим, Машраб сиймолари қаторида Аббос Бакиров, Муҳаммад Юсуф, Турсуной Содиқова, Тўлан Низом, Соиб Хўжаев, Лутфихоним Саримсоқова, Фаттоҳхон Мамадалиев, Нуриддин Ҳамрақулов каби эл-юрт ривожи учун катта ҳисса қўшган буюк аллома ва адиблар хотирасини абадийлаштириш, яхлит меъморий ансамблини бунёд этишни режалаштирмоқда.

Китоб бебаҳо неъмат экани барчамизга маълум. Давлатимиз раҳбари томонидан уни қадрият даражасига кўтариш мамлакатимиз равнақи йўлида амалга оширилаётган эзгу ишнинг яна бир кўринишидир. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари ёзганидек, "китоб – беминнат устоз, билим ва маънавий юксалишга эришишнинг энг асосий манбаи". Боғи Бобурда ўрнатилиши режалаштирилаётган яна бир лойиҳа – Китоб монументи мамлакатимиз бўйлаб ёшларни китобхонликка жалб этиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг мантиқий давоми бўлади.

Ушбу монументда акс эттирилиш режалаштирилаётган энг нодир асарлар тўпламида ўзига хос рамзий маъно мужассам. Бу ерда Алишер Навоий, Абу Али Ибн Сино, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Орипов, Шароф Рашидов, Эркин Воҳидов каби аллома ва мутафаккирлар билан бир қаторда жаҳон адабиётининг етакчи намояндалари номлари, энг юқори қисмига эса Ислом динимизнинг муқаддас китоби ҳам киритилади.

Ўзбек адабиётида ҳам шундай буюк ижодкорлар ва уларнинг асрларга татигулик асарлари борки, улар дунё тамаддунига таъсир ўтказа оладиган даражада кучли. Рамзий маънода улар

ҳурматига нисбатан ўрнатилаётган монумент нафақат китобхонликка даъват қилади, балки ҳар дақиқада ўзбек адабиётининг боқий эканлигини эслатиб туради.

Ноёб кутубхона ресурсларига эга Бобур халқаро жамғармаси 1992 йилдан буён Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодий мероси бўйича илмий, изланиш, тадқиқот ва маърифий фаолият билан шуғулланиб келади. Андижон давлат университети билан биргаликда шоҳ, шоир, мутафаккир олим, буюк саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ОИРС, мактаблар, кўчалар ҳамда Андижон шаҳрида туғилиб, унинг номи Андижон давлат университетига берилиши муносабати билан "З.М.Бобур илмий-ижодий меросини ўрганиш маркази"ни очиш режаси ишлаб чиқилди.

"Бобурнома" – ўзбек адабиёти, тарихи, фанида (тахминан 1518/19-1530 йиллар) Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистонда содир бўлган тарихий-сиёсий воқеаларнинг 1494-1529 йиллар бўйича биринчи мемуар насрий, тарихий ва илмий асар. Нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиётида тарихий бадиий асар сифатида муҳим ўрин тутган асар туркий халқлар насрининг ёрқин намуналаридан бири сифатида нафақат тарихий, балки фаннинг турли соҳалари камраб олган қомусий манба ҳамдир.

Император ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарининг пайдо бўлиши ўрта асрлар туркий тарихини, асосан, темурийлар ва бобурийлар сулолалари тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Унда Ўрта Осиёнинг сиёсий ҳаёти, ўша даврда содир бўлган ички низолар ҳақида кўпроқ холис маълумотлар берилган. Муаллиф ўз сулоласининг шаклланиш ва асос солиши тарихи билан бир қаторда ўз асарида муайян ҳудуд географияси, адабиёт ривожи, сиёсий ва ҳарбий ишлари, Ўрта Осиё халқлари ва қабилаларининг маросим ва урф-одатлари ҳақидаги ҳикояларини ҳам ўз ичига олади.

Бобур хотиралари ижтимоий-тарихий йўналишга эга. Шу тариқа "З.М.Бобур илмий-адабий меросини ўрганиш маркази"ни ташкил этиш ғояси вужудга келди, унинг доирасида ҳаёт фаолияти ва ижодини ўрганиш, унинг асарларини ёшлар ўртасида оммалаштириш, ижодий архивни тизимлаштириш билан боғлиқ барча ишлар амалга оширилади, нашриёт фаолиятини амалга ошириш, шу каби марказлар билан ҳамкорлик қилиш, ижодкор ёшлар алмашинуви ва ҳ.к. Марказни яратиш ва уни ривожлантириш ғояси З.М.Бобурнинг илмий-ижодий меросини оммалаштириш долзарблиги, улуғ аждодимиз бўлган ватандошимиз Бобурнинг ижодий меросига оид билимларини тўлдириш, дунёқарашини кенгайтиришга ҳисса қўшади ва ўз ечимини талаб қилади. Фонднинг саъй-ҳаракатлари билан тадқиқотчилар орасида шоирнинг буюк ижодий меросини билувчи ва ихлосмандларидан иборат, бу ғояни амалга оширишга қодир ижодий жамоа жамланиб, марказга бобуршунос олим Ваҳоб Раҳмоновнинг илмий раҳбар сифатида сайланиши, ишонамизки, марказ фаолиятининг ҳам илмий, ҳам бадиий жиҳатдан маҳсулдорлигини таъминлайди.

Марказни ташкил этишнинг долзарблиги икки омил билан боғлиқ. Ижодий меросни ўрганиш, тадқиқ этиш ёшидан қатъи назар ҳар бир инсон учун зарур, авлодлар маданий давомийлигига хизмат қилади. Унинг алоҳида қадрияти шундаки, у ёш авлоднинг Ўрта Осиё, туркий халқ адиблари, мутафаккирлари ва умуман шоирларининг адабий анъаналари ҳақидаги билимларини кенгайтиради ва бойитади, адабиёт, маданият ва ҳаёт ўртасидаги боғлиқликни англаш имконини беради.

Бу шоир ижодий лабораториясига кириб бориш, Бобур ижодини китобхоннинг адабиёт, география, насл-насаб ҳақидаги ҳаётий таассуротлари билан солиштиришга имкон беради.

З.М. Бобур дунёдаги энг ёрқин ижодкор шахслар қаторида ноёб серқирра истеъдоди билан ажралиб туради. Марказ унинг ижодидан келиб чиқиб, ижодий меросини ўрганиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш имконини беради.

"З.М.Бобур илмий-ижодий меросини ўрганиш маркази" ташкил этилишининг мақсад ва вазифалари қуйидаги компонентларда ўз аксини топган:

• марказга келиб тушган З.М.Бобур ҳаёти ва фаолиятига оид мавжуд материалларни илмий-техникавий қайта ишлаш ва молиялаштиришни амалга ошириш; илмий-маълумотнома фондини яратиш;

• илмий-тадқиқот фаолиятида фонд ҳужжатларидан фойдаланиш; материалларни тўплаш ва маълумотлар базасини тўлдириб бориш;

• тўпланган материалдан ишнинг турли шаклларида (китобхонлик конференциялари, давра суҳбатлари, муҳокамалар ва ҳ.к.) фойдаланиш.


• марказ фаолиятини ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқиш, АДУ қошида шоирнинг мини-музейини очиш.

• марказ доирасида ноширлик фаолиятини амалга ошириш.

• З.М.Бобурнинг биографик материаллари, нашр этилган асарлари ва қўлёзмаларини рақамлаштиришни амалга ошириш.

• Ҳар йили изланувчи ёшлар билан "Бобур изидан" номли саёҳатлар, марафонлар ташкил этиш.

Ўтган йиллар давомида амалга оширган ишларни сарҳисоб қила туриб, Бобур Мирзо асарлари етиб борган, аммо биз етиб боролмаган манзиллар ҳали борлигига амин бўлмоқдамиз", дейди Бобур номли халқаро жамоат фонди раиси З.Машрабов. Бу улуғ зотнинг қолдирган ижодий меросини ўрганиш борасида анча ишлар қилишимиз керак. У "Бобурнома" асарини 12 ёшидан бошлаб умрининг охиригача ёзган бўлса-да, асарда 18 йиллик воқеалар акс этган саҳифалар йўқолган бўлиб, улар ҳанузгача бизга маълум эмас. Шунингдек, "Ҳарб иши", "Мусиқа сирлари", "Қофия" асарлари, Гулбаданбегим томонидан ёзилган "Ҳумоюннома" асарининг бир қисми топилмаган. Балки бу ноёб қўлёзмалар ўша биз етиб боролмаган манзилларда, қайсидир музей ёки кутубхонада, шахсий коллекцияларда сақланаётгандир. Бу нодир маънавий бойликни топиб, "Бобур ва жаҳон маданияти" музейига олиб келиш энг муҳим вазифамиз бўлиб қолмоқда.



"НАВОИЙ АНДИЖОНИЙДУРУР!?"

Ҳаким САТТОРИЙ

Айни пайтда илмий давраларда Алишер Навоий ҳазратларининг дунёга келган манзиллари ҳақида мунозаралар кетмоқда. Қайд этилишича, Алишербекнинг Ҳиротда туғилгани бирор манбада аниқ кўрсатилмаган экан, фақат мутафаккирнинг асосий фаолияти шу шаҳарда кечганлиги учун шундай нисбат берилган эмиш. Ҳолбуки, буюк шоирнинг болалигида Тафтда бўлганлиги (шу шаҳарда улуғ олим Шарафиддин Али Яздий билан учрашганлиги кўп таъкидланади), Машҳадда таҳсил олганлиги ҳам эътироф этилади. "Ҳиротда туғилган" деган фикрга муқобил тарзда Алишербек Андижон (вилояти)да дунёга келган, деган фараз илгари сурилмоқдаки, бу шунчаки тахмин ёки таваккалчилик эмас, балки бу гапда чуқур илмий-мантиқий фараз мавжуд.

Бу фикрда "жон бор"лигига икки муътабар далил ўқ асос бўлиб хизмат қилади: 1). Заҳириддин Муҳаммад Бобур машҳур асари "Бобурнома"да ёзади: "Андижон эли туркдур. Шаҳри ва бозорисида туркий билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била росттур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннофоти, бовужудким, Ҳирида нашъу намо топибтур, бу тил биладур". ("Бобурнома", 2002 йил, 34-бет); 2). Абдураззоқ Самарқандий "Матлаъи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн" ҳамда Мирхонд "Равзат ус-сафо" асарларида Алишер Навоийнинг бобоси Амир Темурнинг ўғли Умаршайх Мирзо билан эмикдош бўлганини таъкидлаганлар. Агар ана шу икки далилнинг учидан тутиб кетилаверса, жуда кўп қизиқ маълумотларга дуч бўлинади.

Албатта, биринчи далил гумон қолдирмайдиган тарзда мутахассислар томонидан исботланган: Алишер Навоий асарларида унли фонемалар сони Андижон лаҳжасига мос тушади, гап қурилиши, лексикасида ҳам тўла мувофиқликлар мавжуд. Энди иккинчи далил: ҳар иккала сулола насабнома (генеология)си билан боғлиқ маълумотларни таққослаб кўрайлик.

Аввал бошлаб бир ҳолатни қайд этиб қўйиш ортиқча бўл-

майдики, ўтмиш тарихимиз, худди шунингдек, Темурийлар даври тарихи мукаммал ўрганилмаган. Жуда кўп мўътабар манбалар ё назардан хорижда, яъни чет элларда сақланади (улардан фойдаланиш имкони йўқ), ё ҳали варақлаб ҳам кўрилмаган (ўзимизда бўлганларидан). Шу туфайли энг оддий, таржимаи ҳолга доир маълумотларни атрофлича таҳлил этиш, муқояса қилиш, хулоса чиқариш, бирор фаразни асосли илгари суриш ҳам муаммо. Шунга қарамасдан, ҳозиргача истеъмолга киритилган ва таҳлил қилинган маълумотлар бир томондан буюк боболаримиз тарихи ҳали тўла ёритилмаганлигини далиллайди, иккинчи таарфдан шонли ўтмишимизнинг кўплаб ҳақиқатлари ҳамон сояда қолиб кетаётганини кўрсатади.

Соҳибқироннинг иккинчи ўғли Умаршайх Мирзо канизак Тўлин оқанинг фарзанди, 1356 (баъзи воқеалар мантиғига кўра - 1354) йилда Самарқанд ёки Кешда таваллуд топган. Айни пайтда баъзи далилларни кўздан кечирганда, шаҳзода олдинроқ туғилгани мантиқан кўриниб қолмоқда. Хусусан, Амир Темурнинг Балхга юришини васф этган тарихчилар Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздий қалъа мусохарасида шаҳзода Умаршайхнинг алоҳида баҳодирлик кўрсатганлигини таърифлаб, ёшини ўн олтида эди, дейишади. Агар бу жанг 1370 йилда рўй берганини ҳисобга олсак, унда Умаршайх Мирзо 1354 йилда туғилган бўлиб чиқади.

Муҳим томони шундаки, ўша йиллари ватан озодлиги учун гоҳ шарққа, гоҳ ғарбга чарх уриб юрган Темурбек баъзан ёнидаги бекларнинг хиёнатидан қаттиқ изтиробга тушиб қолган лаҳзаларда биринчилардан бўлиб фарзандлари Муҳаммад Жаҳонгир ва Умаршайх унинг ёнига киradилар, юришларида садоқат ва баҳодирлик билан иштирок этадилар. Энди Соҳибқирон ёлғиз эмас, унинг иккита қаноти бор эди. Айниқса, Балх қалъасининг олинишида ва бошқа жасоратлари билан Умаршайх Мирзо тезроқ кўзга ташланганди. Буни унинг 1375 йилда Андижон шаҳрига ҳоким қилиб тайинланишида ҳам кўриш мумкин.

Агар Умаршайх Мирзонинг Андижон ҳокими этиб тайинланиш воқеасини шарҳлайдиган бўлсак, гарчи Мовароуннаҳр тахти Темурбек қўлига ўтган эса-да, ички фитналар тинмаган эди. Айниқса, тахтдан айрилган Чингизийларнинг таҳдиди кучли эди. Улар Қамариддин бошчилигида шарқий ҳудудларни чопқин қилиб туришарди. Ғарбда эса Хоразм сўфийлари тинчимаётган, ҳатто Хонзодахонимнинг келин қилиб олиб келиниши ҳам улар хусуматини босмаётганди. 1375 йил баҳорида етарлича куч тўплаган ва ўзига ишонган Соҳибқирон иккала ҳудудни ҳам бирваракайига мусаххар қилишни ўйлади ("кутиб ўтириладими, ерни шудгорлаб, арпа-буғдой экиш керак!"). Шарқ томонга (яъни Жета – бебошлар устига) ишончли беклардан Сарибуға ва Одилшоҳ бошчилигида ўттиз минг лашкар жўнатди. Ўзи эса ғарбга йўл олди.


Ажабки, юриш бошлангач, кетма-кет хиёнатлар рўй беради. Соҳибқирон ўзи доруға этиб тайинлаган Туркон арлот Шивирғондан қўшин билан чиқиб, Хоразм юришига қўшилиш ўрнига Хуросон ичкарисига қочиб қолди. Қамариддинга қарши бораётган қўшин эса Андижонга етгач, феъли ўзгариб, ортга қайтди ва Темурбек йўқлигидан фойдаланиб, пойтахт Самарқандни эгалламоқчи бўлди. Вазият танглигини билган Соҳибқирон Самарқанд мудофаасига ўғли

Муҳаммад Жаҳонгирни йўллади ва изидан ўзи ҳам қайтди.

Фитначилар даф этилди. Шу ҳаракатлардан кейин Амир Темур ишонч билдириб, ўғли Умаршайх Мирзони Андижонга ҳоким қилиб тайинлайди. Бу тайинловнинг жуда катта маънавий-сиёсий аҳамияти бор эди. Аввало, қаторга тўла ҳуқуқ билан Соҳибқирон-нинг фарзандлари қўшилаётган эди. Шунингдек, Андижон – чегара вилоят, стратегик нуқта сифатида муҳим жой эди.

Албатта, Умаршайх Мирзонинг Андижондаги фаолияти тўла ва атрофлича ўрганилган, деб бўлмайди. Далилларнинг тасдиқлашича, у мазкур лавозимда Форс ҳукмдори этиб тайинланган 1393 йилгача – 18 йил самарали фаолият кўрсатган. Бу йиллар жуда юксалиш даври бўлгани, жанговар ва бунёдкорлик руҳида ўтгани шубҳасиз. Шу йиллардаги ободончилик ишлари, кўплаб оромгоҳлар, чунончи, Гулистон боғининг барпо этилгани ҳақида маълумотлар учрайди. Мўғулларнинг кетма-кет ҳужумларини (масалан, Анқо Тўра бошлиқ) бартараф этди, Соҳибқирон ташкил қилган уч йиллик, беш йиллик юришларда муваффақиятли қатнашди. Темурийзода шаҳзодани Бобур ўз асарида чуқур ҳурмат билан "Улуғ Умаршайх" (чунки бобосининг исми ҳам Умаршайх эди-да) деб атайди.

Мана, тақдирларни Андижон ўз-ўзидан мантиқий бир ипга боғлаяпти. Агар бевосита мавзуга қайтадиган бўлсак, ижобий жавоби топилиши, шубҳасиз, хайрли янгиликларга йўл очадиган бир неча ёруғ саволлар пайдо бўлади. Хўш, Умаршайх Мирзо билан эмикдош бўлган Алишер Навоийнинг бобоси ким бўлган? Ҳазрат "Вақфия" ва бошқа асарларида аждодлари Темурийлар хонадонига яқин бўлганини ифтихор билан қайта-қайта такрорлаган ("Отам бу остоннинг хокрези, онам ҳам бу саро бўстон канизи..." ёки "Агарчи бу хоксорнинг ота-бобоси ул ҳазрат (Султон Ҳусайн кўзда тутилган)нинг бобо ва аждодлари хизматларидаким, ҳар бири салтанат конининг гавҳари ва шужоат бешасининг ғазанфари эдилар – улуғ маротибга сазовор ва бийик маносибга когор бўлғон эдилар"). Эътирофда "шужоат бешасининг ғазанфари" жумласи борки, бу аждодлар ҳарб ва амирлик ишларига яқин бўлганликларига ишорадир. (Жумладан, оталари Ғиёсиддин Кичкина бир муддат Сабзавор шаҳрининг ҳокими ҳам бўлган).



Демак, Андижонда ҳарбийлар ва баҳодирлар орасида Умаршайх билан эмикдош бўлган зот бор!

Иккинчи муҳим далил – Умаршайх Мирзо ҳоким бўлиб тайинланганда 19 (17) ёшда бўлган ва вояга етган йигит сифатида Андижоннинг нуфузли кишиларидан Хизр Ўғлоннинг қизи Мулкат оқага уйланган. Мулкат оқадан Пирмуҳаммад (1379-1410), Искандар (1384-1415), Аҳмад (1388-1425), Бойқаро (1393-1423) исмли ўғиллар кўрганки, уларнинг ҳар бири кейинчалик Темурийлар шажарасида ўзига хос мавқега эга бўлган. Масалан, кенжа ўғил Бойқаро Мирзонинг уйланиш тўйини 1404 йилда бобоси Соҳибқирон Амир Темур олти набираси қаторида Конигилда ўтказганди. Бойқарони замондошлари тароват ва жасоратда тенгсиз, дея таърифлашган. Бойқаро Мирзо Темурийлар салтанатини яна бир неча йиллар тарих майдонида барқарор туришини таъминлайдиган истеъдод соҳиби бўлган. Афсуски, шум тақдир фитна қурбонига айлантирган (бу ҳол таърифи алоҳида жиддий мавзу).

Умаршайх Мирзонинг ана шу диловар ўғли Бойқаро Мирзо олти ўғил, олти қиз фарзанд кўрган, деган маълумотлар бор ва уч ўғли насабномаларда батафсил таърифланган. Шулардан бири Ғиёсиддин Мансур 1413 йилда Ҳиротда туғилган, ҳукмронлик ишларига қизиқмай (отаси баногоҳ қатл этилганда 10 ёшда бўлган), оддий одамлардек яшаган. У 33 йил умр кўриб, Бойқаро (бобосининг исмида), Султон Муҳаммад, Султон Увайс, Султон Ҳусайн (айнан Алишербекнинг дўсти) деган ўғиллари бўлган. Маълумки, Султон Ҳусайн (бу зотга "Бойқаро" нисбасининг қўшилиши нимаданлигига илмий шарҳ йўқ. Кўриниб турибдики, бобоси ва катта акасининг исми – Бойқаро!) 1438 йилнинг июлида Ҳиротда туғилган, деб қайд қилинади. Шу йилларда Темурийлар салтанатида икки маданий марказ юзага келиб, Самарқанд тахтини Мирзо Улуғбек, Ҳирот тахтини эса Шохруҳ Мирзо бошқарарди. Салтанатда тинчлик-осойишталик, илм-фан, санъат-адабиёт, иқтисодиёт гуллаб-яшнаган даврлар эди. Фақат орадан бир оз ўтиб, 1447 йилда Шохруҳ Мирзонинг вафотидан кейин бесаранжомлик бошланиб кетди.

Андижон ҳокими Умаршайх Мирзо Соҳибқирон 1392 йил ёзида уюштирган беш йиллик юришда иштирок этиш учун 1393 йилнинг бошларида Хуросонга чақиртирилади ва ўз қўшини билан Кавказ ҳудудларига етиб боради. Юриш янада авж нуқтада давом этади ва тезда бутун Форс ўлкаси тасхир қилинади. Соҳибқирон бу жойлар ҳукмронлигини аллақачон юксак мақомда эътироф этилган ўғли Умаршайх Мирзога топширади. Зафарли юриш шу маромда давом этарди. Ҳозиргача ҳеч кимга дарвозасини очмаган, кўплаб йўлтўсар ва қароқчиларга паноҳ бўлган ўнлаб қалъалар мусаххар этилди, тинчлик-осойишталик таъминланди. Юриш кўлами Ироқи Ажам ва Ироқи Араб ҳудудларини қамраб олганди.

Навбатдаги фатҳ олдидан Форс ҳукмдори Умаршайх Мирзога бош ўрдуга етиб келиш юзасидан фармон бўлди. У айни пайтда Сиржон қалъасининг забти билан машғул эди. Фармон келгач, ўрнига одам қўйиб, ўзи Шерозга борди ва кўчини олиб, Курдистон орқали йўлга чиқди. Афсуски, бу сафар унинг умрига якун ясади. Йўлда бир қароқчининг ўқидан ҳалок бўлди. Ўрнига сафарда бирга бўлган ўн ёшли ўғли Пирмуҳаммад Мирзо тайинланади. (Бу – тарих, ўз ўрнида қонли, ўз ўрнида шарафли, миллатни улуғлайдиган, ғурурини юксалтирадиган мағрур тарих!).

Кейинчалик 1399 йилда Андижонга Умаршайх Мирзонинг бошқа бир ўғли, 15 ёшли Искандар Мирзо ҳоким қилиб тайинланади.

Агар мавзуни Султон Ҳусайн – Алишер Навоий кесимида давом эттирсак, воқеаларнинг ривожи бошқачароқ кечади, албатта, бу ҳолга Умаршайх Мирзонинг вафоти катта таъсир этади. Шуниси аниқки, эмикдошлар – Умаршайх ва Алишернинг бобоси ўртасида биродарлик ришталари қарор топган, улар доимо ёнма-ён бўлишган ва бу робита анча бақувват бўлган (кейинги ҳолатлар шуни тасдиқлайди), яъни бу яқинлик боболар (1) – ўғиллар (Бойқаро Мирзо, Ғиёсиддин Мансур Мирзо ва Ғиёсиддин Кичкина – 2), набиралар (Султон Ҳусайн Мирзо ва Алишер Навоий – 3) ўртасида мустаҳкам, барқарор давом этганини фараз қилиш мумкин. Қолаверса, юз йиллар масофасидан назар солинса, ўтмишдаги кичкина унсурда ҳам катта маъни ва мантиқ бўлиши мумкин. Бинобарин, кўриниб турган оддий далил: икки қадрдон дўст – Султон Ҳусайн ва Алишербек оталарининг отдошлиги (яъни исмлари Ғиёсиддин экани) ва бирини "Кичкина" нисбаси билан юритилишида ҳам ботиний бир маъно, ўта яқинлик ва самимийлик ифодаси яширинмаганмикан?! Ёки, умуман, бу ҳолнинг шарҳи недур?

Воқеалар йўналишини ўзгартириб юборган янгилик шу бўлдики, Умаршайх Мирзонинг бева қолган завжаси Мулкат оқа (ўттиз ёшлар атрофидаги жувон) Соҳибқироннинг иродаси билан ўша пайтда Самарқанд шаҳри ҳокими бўлиб турган Шохруҳ Мирзога узатилди ва кўп ўтмай, Шохруҳ Хуросон ҳокими этиб тайинланди, янги ҳукмдор бутун ўрдуси билан Ҳиротга кўчиб ўтди.

Бу воқеа 1397 йил рўй берди. Айни чоқлар Соҳибқирон Темурбек юлдузининг энг порлаган лаҳзалари эди. Беш йиллик юриш муваффақиятли кечган, ҳудудларда тинчлик-эминлик қарор топган, салтанат ривожи кун-бакун олға босарди. Самарқандда ва ўлканинг бошқа шаҳарларида улкан қурилишлар бошланиб кетганди. Шундай кунларнинг бирида Шохруҳ Мирзо Ҳиротга жўнаб кетди.

Тарих китобларида қайд этилишича, Хуросон тахтига тайинланган янги ҳукмдорга қўшиб, энг садоқатли беклар ва уларнинг ўғиллари ҳамда яқинларидан йигирма нафарга яқини бирга жўнатилди. Худди шу нуқтани олим ва ёзувчи Бегижон Аҳмедовнинг "Тафаккур бўстони" (2015 йил) китобида келтирилган бир далил тўлдиради. Гарчи воқеа тафсилоти ғализ шарҳланган (гўё "Шохруҳ пойтахтни Ҳиротга кўчирган" эмиш!?) бўлса-да, ундаги мана бу маълумот эътиборли: Шохруҳ Мирзо Самарқанддан келган суворийлар сафидаги Исомиддин Полвонни (у Ўш яқинидаги Аравонда туғилган, деган маълумотлар ҳам бор) лашкарбоши Амир Буғонинг қизи Шаҳрибонуга уйлантирган. Улардан ўғил фарзанд дунёга келиб, исмини Ғиёсиддин қўйишган. Ғиёсиддин ҳам ҳарб ишлари билан машғул бўлган, кураш тушган ва "Кичкина (полвон)" лақабини олган. Йигит бўлиб етилгач, машҳур ҳарбий саркарда Абу Саъид Чангийнинг гўзал қизи Ҳалимабонуга уйланади ва шу никоҳдан даҳо сўз санъаткори Алишер Навоий дунёга келади.

Мазкур далилларни Б. Аҳмедов риштонлик олим, Ўз ФА нинг мухбир аъзоси, навоийшунос Абдулло Бокий домла (1882-1967)нинг хулосаларига таяниб, маълум қилаётганини ёзган. (Марҳум олим, профессор Исматулла Абдуллаев бир мақоласида Соҳибқироннинг опаси Қутлуғ

Туркон оқа (вафоти 1383 йил) сарой аъёнлари билан Камчиқ довони орқали Биби Убайда зиёратгоҳини тавоф қилишга борганлигини ёзганди. Демак, одамларнинг қўлида ҳали умуман ўрганилмаган нодир манбалар, яъни китоблар мавжуд!).

Шу ўринда ҳали истифода этилмаган далиллар кўплиги ва ҳар бир тарихий эътироф шарҳланиши жоизлигигни таъкидлаган ҳолда, илмда холислик, бағрикенглик тамойилига таяниб, бир нозик нуқтага диққатни тортмоқчиман. Аслида, бу далил ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас, балки биз учун ҳазрат Навоий меросининг қалбимизга, руҳониятимизга қанчалик яқинлигини яна бир марта таъкидлаш учун муҳим. Навоий ўзбек шоири сифатида тан олинган ва бу ҳақиқат ўзгармасдир. Мулоҳаза шундаки, "Тарихи Рашидий" китобининг муаллифи Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Дуғлатий ўз асарида "Навоий - уйғурдандир" деган маълумотни келтиради. Бу ҳолни узоқ шарҳлаш мумкин, масалага бевосита дахлдор яна бир тарафи борки, Соҳибқирон ҳазратларининг сарой ва девонида уйғур олимлар, мирзолар, котиблар кўп бўлган ("Уларни "уйғур бахшилар" деб аташган, "уйғур" сўзи касбни билдиради, Навоийга нисбатан эътироф ҳам – у сарой аъёнларидандир, уларнинг авлодидир" деган маънони ифодалайди", тарзидаги мантиқий мулоҳазалар ҳам бор).

Қисқа хулоса шуки, у пайтларда туркий қавмлар яхлит қиёфага эга бўлган, мардумлар мусулмон ёки кофирга ажратилганлар ва зарурат бўлганда уларнинг уруғлари қайд этиб ўтилган (уруғлар сони баъзан 92, баъзан 98 та дейилади). Кейинчалик ажралишлар рўй берди ва айнан Навоий ижод қилган тил ҳозирги ўзбек миллатининг миллий адабий тили сифатида эътироф этилди. Бу ҳол бирон фармон ёки қонун билан таъкидлангани-тасдиқлангани йўқ, балки тарихий жараённинг ўзи шу ҳолни ижод этди. Бугунги кунда Алишер Навоий мероси ўзбек халқининг миллий бойлигидир.

Мирза Ҳайдар Муҳаммад келтирган далил буюк шоир ижодининг оламшумуллигига ва ўзбек халқига дахлдорлигига заррача таъсир этмайди, шубҳасиз. Айни дамларда қийин тарихий жараённи бошидан кечираётган уйғур халқи ўзининг Навоийга эшлигидан қонуний ифтихор қилади, шоир ижодини ўрганади. Улар ҳазратнинг 40 жилдлик Куллиётини нашр этганлари ҳақида маълумотлар бор. Албатта, илм сифатида қардошларимиз эришган натижалардан ҳам истифода этиш, улардан хабардор бўлиш фойдадан холе эмас, аксинча, буюк уммон – Навоий ижодиётини атрофлича тушунишга яқиндан ёрдам беради.

Умуман, улкан санъаткор, буюк даҳо, умуминсоният фарзанди ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳали кўплаб тадқиқотларга манба бўлади. Аниқлик киритиладиган, таснифланадиган, муқояса қилинадиган мавҳум нуқталар эса истаганча топилади. Ҳар бир фаразда қандайдир ҳақиқат мавжуд, деганларидек, бундай фикрларда ҳам асос, мантиқ бор. Нега шундай бўлмаслиги керак? Айнан бундай воқеалар рўй берган бўлиши ҳақиқатга яқин. Мавҳум саволларга қониқарли жавоблар топиш учун эса жами илмий салоҳият бирлашиши лозим.

Одатда, тарихий далилларни асослашда баъзан фараз, интуиция, тахмин сингари усуллар ҳам ёрдам беради. Шундай далил

бор. Қозоғистонлик археологлар Иссиққўл атрофларидаги қазув жараёнларида кўплаб ялтироқ металл парчаларига дуч келаверганлар. Улар одам кийимининг қайсидир узвлари – тирсак, ёқа, енгни эслатарди. Уларнинг сони 104 тани ташкил қилган. Синиқлар шунга етгач, тизиб қўйилганда, хаёлда бир ҳарбийнинг либоси гавдаланган. Тажрибали реставраторлар узоқ изланишлардан кейин бўлакларни жой-жойига улаб, ҳақиқатан бу бир суворийнинг оҳандан ишланган совути эканлигини аниқлаб, тиклаганлар. Шундай қилиб, дунё археологиясининг нодир ашёларидан бири – "Олтин одам" ёдгорлиги қўлга киритилган.

Фикр юритилаётган мавзулар юзасидан ҳам далиллар қайсидир қўлёзмаларда пинҳон ётибди. Айниқса, "Бобурнома"нинг мавҳум ("йўқолган" дейишга тил бормайди) саҳифаларида қанчалик қимматли маълумотлар яширингандир. Хуллас, Умаршайх Мирзо ва Навоийнинг ҳозирча исми номаълум бобокалони билан бошланган эмикдошлик оқибатлари юз йиллар кучида қолган, бир неча авлод бу жондошликни мустаҳкам давом эттирганлар. Шундай қилиб, салтанат ўзгаришлари билан тақдир ота-боболари асли андижонлик бўлган ҳазрат Навоий аждодларини ҳам Андижондан Ҳиротга олиб келган. Ҳар ҳолда, уларнинг оиласи (хусусан, оналари) малика Мулкат оқанинг энг яқин кишилари бўлгандир. Султон Ҳусайн ва Алишербек ўртасидаги болаликдан бошланган дўстликнинг асосида шу ҳақиқатлар мужассам.

Агар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг фахрли эътирофига қайтадиган бўлсак, бу оилада, умуман, Андижонда шаклланган муҳитда шу туркона турмуш тарзи барқарор яшаб қолган. Йиллар ўтса ҳам, воқеалар сурони турли синовларни бошга солса ҳам, Андижонча лаҳжа (шева) ва, албатта, яшаш йўсини бузилмай, заха тортмай сақланиб қолаверган. Очиқроқ айтганда, Андижон руҳи ота-боболар кўз очган тупроқ меҳри бўлиб, уларни асло тарк этмаган. Эҳтимол, Бобур ҳазратлари Навоий асарлари мутолаасига киришганда, сийратига ва тийнатига яқин руҳни ҳис этиб, беихтиёр қалқиб кетгандир, бу ифтихорини меҳр билан шоҳ асарида қайд этгандир. Агар гап Навоий ҳазратнинг қайси маконда дунёга келганлари, яъни араблар лутфи билан сўзлаганда – "пешонаси ерга теккан", ўзбекча айтганда эса "киндик қони томган тупроқ" ҳақида кетадиган бўлса, воқеаларнинг табиий оқими кўрсатаяптики, бу жой Андижон эмас (бу ҳам шунчаки мулоҳаза). Гарчи ташқи аломатлар кўпчиликнинг дилидаги ширин орзуни рад этса-да (ким ўз шаҳрида ҳазрат Навоийдек буюк зотнинг таваллуд топишини хоҳламайди), барқарор ҳақиқат – аждодларининг шу тупроқда умргузаронлик қилгани ("лойи шу тупроқдан қорилгани"), ботинида ва зоҳирида шу юрт руҳи сингигани, тилни унутмаганлари ва шу лаҳжада олтин қалам билан дурдона асарлар ёзилгани сингари қатор мантиқий ҳақиқатлар Ҳазратнинг Андижон фарзанди эканини тасдиқлаб қолаверади. Зеро, моддий дунё, инчунун, шаҳарлар ҳам боқий эмас, ўткинчидир, руҳ эса абадийдир. Бинобарин, Алишер Навоийга абадийлик шарафини тақдим этган омил ҳам шоирнинг руҳий-маънавий оламидир.



БОБУР ШЕЪРИЯТИ: АСЛИЯТ ВА ТАРЖИМАЛАР

Тўлқин САЙДАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессори.

Ўзбек мумтоз адабиёти радиф, қофия, ҳожиб, зулқофиятайн, такрор, ташбеҳ, ўхшатиш, тазод, тажнис, ийҳом, мувозана, тарсеъ, ружу, талмеҳ каби қатор шеърий санъатларга бойдир. Хусусан, шеърий намуналарнинг бир байтида ўнга яқин шеърий санъат қўлланилган ғазаллар бор. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қуйидаги матлаъ билан бошланган ғазали адабиёт ихлосмандларига яхши таниш:

Сендек манга бир ёри жафакор топилмас,
Мендек санга бир зори вафодор топилмас.

Шоир мазкур байтда радиф, қофия, ҳожиб, тарсеъ, мураббаъ қофия, мураддаф, мувозана, ташбеҳ, тазод, сифатлаш каби шеърий санъатларни қўллаган.

Остки-устки мисралардаги сўзларнинг бари оҳангдошдир. Нафсиламрини айтганда, бундай оҳангдошлик сўзларнинг радиф-

дошлиги, қофиядошлиги ҳамда ҳожибдошлиги натижасида ҳосил бўлган. Байтнинг бу хусусияти унда тарсеъ санъати қўлланилганлигини кўрсатади: сендек – мендек, манга – санга, ёри – зори, жафокор – вафодор, топилмас – топилмас.

Эътибор берсангиз, байтда бир эмас, икки эмас, балки тўрттадан сўз қофиядош. Бу ҳолат ўз навбатида шоир мураббаъ қофия санъатини қўллаганлигини кўрсатади. Мисраларда "бир–бир" сўзларининг остинма-устун қофиялар орасидаги такрори шоирнинг ҳожиб санъатини ишлатганидан далолат беради.

"Топилмас" сўзининг ҳар бир мисра охирида такрор қўлланилиши мураддаф шеърий санъатидан далолатдир.

Байтда остинма-устин турган сўзларнинг вазндошлиги мувозанатини таъминлайдиган санъат – мувозанадир. Буни "мендек-сендек" сўзларини жуфтлаштириб ўқиганда кўринади.

Бундан ташқари, байтда ташбеҳ, тазод ва сифатлаш каби шеърий санъатлар ҳам қўлланилган. Жами саккизта шеърий санъат қўлланган бу байтни бемалол Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳбайти деб эътироф этиш мумкин. Зеро, ундаги шеърий санъатлар лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари, изтиробларини ўқувчига етказишда ўзига хос назокатни таъминлаган.

Аслиятда шоир қўллаган шеърий санъатларни таржимонлар ўз она тилларига ўгираётганда қандай йўл тутганлар? Юқорида келтирилган байтни рус тилига ўгиришда мутаржим қандай муаммоларга дуч келган? Шеърий санъатларнинг ҳаммасини ҳам аслиятдагидек ўгиришга муваффақ бўлганми?

Бобурнинг мазкур матлаъ билан бошланадиган ғазалини атоқли рус таржимони Р. Д. Моран рус тилига ўгирган. Биз бу ерда фақатгина таржима қилинган ғазалнинг матлаъси билан чекланамиз:

Возлюбленной вздорней, капризней чем-ты, – не найти,
Тебе же – покорней раба красоты не найти.

Таржимон шоир аслиятда қўллаган шеърий санъатларнинг ҳаммасини ҳам таржимон рус тилида қайта ярата олмаган. Хусусан, тарсеъ, ҳожиб, мураббаъ қофия, мувозана санъатларини рус тилида бера олмаган. Лекин мутаржим бор маҳоратини ишга солиб радиф (не найти), қофия (чем ты–красоты), тазод (возлюбленной вздорней, капризней – покорней раба), зулқофиятайн (вздорней, капризней – чем-ты–не найти– покорней раба красоты– не найти) каби шеърий санъатларни ўз она тили имкониятларидан келиб чиқиб ярата олган.

Бу ҳолни ўзбек ва рус тилларининг ўзига хос табиатидан келиб чиқиб изоҳлаш мумкин. Чунки ўзбек тили ва рус тилининг имкониятлари ҳар хилдир. Бу эса, шеърий асарларни, айниқса, мумтоз адабиёт намуналарини Европа тилларига, хусусан, рус тилига таржима қилишда муайян муаммоларни келтириб чиқаради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларини чет тилларга тар-

жима қилаётган мутаржим қатор муаммоларга учраши табиий, чунки шоир ижодий мероси унинг ҳаётидаги реал воқеа-ҳодисалар, шахслар, шаҳарлар, жой номлари билан боғлиқдир. Ғазал ва рубоийларидаги воқелик ва реал шахсларнинг номлари аниқ воқеа-ҳодисалар натижасида инъикос этгани шубҳасиздир. Бироқ мутаржимлар ҳамма вақт ҳам бу ҳодисаларни англай олмай, ўз она тилларида аслият воқелигидан мутлақо мавҳум воқеликни кўрсатишади. Бундай ҳолатни, айниқса, талмеҳ санъати қўлланилган асарларда кўпроқ учратиш мумкин.

Солиштиринг:

Аслиятда:

Беқайдмену хароби сим эрмасмен,
Ҳам мол йиғиштирур лаим эрмасмен.
Қобилда иқомат этти Бобур дерсиз,
Андоқ демангизларки, муқим эрмасмен.

Таржимаси:

Бродягой стань но не рабом домашнего хламья,
Отдам и этот мир и тот за нищий угол я.
Бродяжничество – не позор, и нищенство-не срам.
Уйти куда глаза глядят – давно мечта моя!

Мазкур таржимани рус шоири Л. М. Пеньковский амалга оширган. Рубоийнинг биринчи ва иккинчи мисраси аслиятдаги мазмун ва руҳи сақланган ҳолда ўгирилган. Лекин учинчи ва тўртинчи мисралардаги мазмун ва ғоя мавҳум бўлиб қолган. Чунки шоир талмеҳ ва ийҳом санъатидан моҳирона фойдаланиб, нозик сўз ўйинини юзага келтирган. Рубоийдаги "муқим" сўзи Бобурнинг рақиби бўлган Қобул шаҳрининг олдинги ҳокими Муқимни англатса, иккинчи маъноси бир жойда тўхтаб қолмасликни ва бу дунёда унинг орзу-умидлари катта ва буюк эканлигини англатади. Бироқ таржимада "Қобул" ва "муқим" сўзлари тушиб қолган, натижада лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари рус ўқувчисига мавҳум бўлиб қолган.

Маълум муддат ўтгач, ўз таржимасидан қониқиш ҳосил қилмаган Л. М. Пеньковский мазкур рубоийни қайта таржима қилишга уринади, бироқ барибир асар ғоясини рус ўқувчисига тўлалигича етказа бера олмайди.

Не жертва скопидомства я, не пленник серебра,
В добре домашнем для себя не вижу я добра.
Не говорите, что Бабур не завершил пути, –
На месте долго не стою. Мне снова в путь пора.

Таржимоннинг талмеҳ ва ийҳом санъатларини яхши англамаганлиги рубоий таржимасига салбий таъсир ўтказган. Маълумки, бу рубоийни Бобур Қобулни қўлга киритгач ёзган. Аниқ тарихий





воқелик акс этган асар таржимада умуман бошқа маъно-мазмун касб этмоқда. Бундай ҳолатни “Бобурнома”да реал воқеа билан боғлиқ ҳолда ёзилган рубоий таржимасида ҳам кўриш мумкин. Шоирнинг яқин кишиларидан бўлган Хожа Калон Ҳиндистон забт этилгандан сўнг, бу ернинг ноқулай об-ҳавосига чидай олмай, Афғонистонга қайтиб кетиш учун изн сўрайди. Бобур бу эътиборли зотга жавоб беради. Хожа Калон кетар чоғида уйининг пештоқига қуйидаги мисраларни ёздириб қўяди:

Агар бахайру саломат гузар зи Синд кунам,
Сиёҳ рўйшавам, гар ҳавойи Ҳинд кунам.

Маъноси шуки: “Агар соғ-саломат Синддан ўтиб кетсам, Ҳиндистонни яна ҳавас қилсам, юзим қора бўлсин”. Бу сатрларни Бобурга етказишганда дўстидан қаттиқ ранжиган шоир унга қуйидаги рубоийни ёзиб юборади:

Юз шукур де, Бобурки, кариму ғаффор,
Берди сенга Синду Ҳинду мулки бисёр.
Иссиқлиғиға гар санга йўқтур тоқат,
Совуқ юзини кўрай десанг Ғазний бор.

Бу мисраларда шоир Хожа Калондан хафа бўлганлигини, унинг Ҳинд юртида беҳисоб бойлик ва молу давлат топганини таъкидлаб, сўнгра нозик сўз ўйинини қўллаган. Яъни, “Совуқ юзини кўрай десанг Ғазний бор” мисрасидаги “совуқ юзи” сўзининг биринчи маъноси Хожа Калонга ишора бўлса, иккинчи маънода қаҳратон қишлари билан машҳур Ғазни вилоятига ишора қилади.

Шоир мазкур рубоийсида талмеҳ санъатидан ташқари ийҳом санъатини ҳам моҳирона қўллаган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Хожа Калон жуда келишган, хушбичим ва хушфеъл одам бўлган. Бобурнинг юқоридаги муболағаси дўстидан ранжиган пайтида ёзилганликнинг натижасидир.

Реал воқеалар асосида ёзилган рубоий русча таржимада мавҳумроқ даражада ўгирилган ва асар мазмуни, ғояси умуман рус ўқувчисига етказиб берилмаган.

Таржимаси:

Сто раз будь благодарен, Бабур, ибо господь всепрощающий
Дал тебе Синд, Хинд и большое царство.
Если нет у тебя сил выносит жару
И если захочешь увидеть лицо холода, то отправляйся в Газни.

Таржима Михаил Салье томонидан амалга оширилган. Албатта, М. Салье рубоийни назмийдан кўра кўпроқ насрий тарзда таржима қилган бўлса ҳам, шоирнинг нозик қочиримларини илғай олмаган.

Лекин мумтоз адабиётимиз билимдони атоқли рус шоири Наум Гребнев Бобур тўртликларини таржима қилишда анча муваффақият қозонган. Масалан, шоирнинг муножот руҳида ёзилган рубоийсини ҳам мазмунан, ҳам шаклан тўғри таржима қила олган.

Солиштиринг:

Аслият:

Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен,
Жисмимда менинг руҳи равоним сенсен,
Бобурни сенингдек ўзга йўқ ёри азиз(и),
Алқиссаки, умри жовидоним сенсен.

Бобур бу рубоийда радиф, қофия, мувозана, зулқофиятайн шеърий санъатларини қўллаган. Таржимон ўзига хос йўлдан бориб, мазкур рубоийни гўзал бир шаклда таржима қилган.

Таржимаси:

Всё, что ни есть вокруг, – всё ты, всё ты и ты!
Дыханье, сердца стук – всё ты, всё ты и ты!
Любовь и жизнь моя и в том и в этом мире,
Мой самый лучший друг – всё ты, всё ты и ты!

Н. Гребнев таржимада радиф (всё ты и ты!), қофия (всё ты) шеърий санъатларини қайта ярата олган. Шунингдек, "всё ты" бирикмасининг остки ва устки мисраларда такрорланиши ҳожиб, "вокруг-стук" сўзларининг оҳангдошлиги билан мураббаъ қофияни вужудга келтирган, ҳар икки мисрада ҳам "всё ты, всё ты и ты" сўзларини қайтариб, такрор санъатини ҳосил қилган. Остки-устки мисраларда вазндошликни яратиб, мувозана санъатини қайта ярата олган, биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралардаги – "всё ты, всё ты и ты" сўзларининг такрори натижасида рубоийнинг ўзига хос ритми ва мусиқийлигини таъминлаб берган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, шеърий таржимада йўқотишлар ва ўзгартиришлар бўлиши муқаррардир. Бироқ таржимон изланувчан ва истеъдодли ижодкор бўлса, мумтоз адабиётимиз намуналарини таржима қилишда муваффақиятга эришиши мумкин.

“МАЖОЛИС УН-НАФОИС”ДА МАДАНИЙ МУҲИТ ТАСВИРИ



Буробия РАЖАБОВА

Темурийлар Уйғониш даврининг буюк мутафаккири Алишер Навоий ўзининг ўттиздан зиёд ҳам лирик, ҳам насрий ёки адабий, илмий, тарихий характердаги асарларида Темурийлар Ренессанси даври маданияти, ички ва ташқи маданий алоқалари, бадиий адабиёти, санъати, илм-фани ва унинг муттоз вакиллари билан боғлиқ бир-биридан қимматли, муҳим, қизиқарли, ибратли воқеа-ҳодисаларни ҳам ёзиб қолдирган. Мазкур ҳолат ва жараёнлар унинг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида ҳам яхши ёритиб берилган.

Маълумки, Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асари темурийлар Уйғониш давриинг адабий маҳсули ҳисобланади. Ушбу тазкира Ўзбекистон Қаҳрамони Суйима Ғаниева томонидан маромида ўрганилган ҳамда олима ўқувчига осон бўлиши учун бу тазкирада тилга олинган 459 нафар қалам аҳлига бағишланган фиқралар матнини юзлаб зарур изоҳлар билан таъминлаган.

Алишер Навоий ўз тазкирасида “... ҳар байти бошдин-оёқ ул замоннинг бир тарихидир” деб эътироф қилган 459 нафар шоир, адиб, муаррих, мунший қози, вазир, ҳаким ҳақида қисқа, лекин ҳаққоний маълумотларни битиб қолдирган. Шунингдек, тазкиранинг муқаддимаси ёки саккиз мажлисда берилган қалам аҳли ва маданий муҳит тўғрисидаги маълумотлар бўладими – уларнинг барчасида маълум маънода ўз даврининг муҳим янгиликларини, маданий кўтарилишларини, бунёдкорлик ишларини, ибратли ўзгаришларини ҳам баён қилган.

Алишер Навоий тазкиранинг 7-мажлисида Соҳибқирон Амир Темур ва адабиёт, санъатга иштиёқманд бўлган ҳамда ҳомийлик қилган 21 нафар темурийзодаларга алоҳида фикралар бағишлаган бўлса, 8-мажлисда эса у Султон Ҳусайн Бойқаронинг ижоди, девони, "Рисола"си, унинг адабий мажлислардаги иштироки билан боғлиқ ёки Навоийнинг ижодига бўлган қизиқиши, диққати ҳақида бир-биридан қимматли маълумотлар, эслатмалар, хабарлар битган. Лекин темурийзодалар ёки Султон Ҳусайн Бойқаро ҳақидаги айрим маълумотлар мазкур мажлислардан ташқари бошқа мажлисларда битилган фикраларда ҳам учрайдики, бу ҳолат, биринчидан, тазкиранинг қимматини оширган бўлса, иккинчидан эса китобхонни темурийлар Уйғониш даврига оид маданий муҳит, адабий услуб ва манзаралардан хабардор қилади. Айниқса, асардан Шоҳрух Мирзо ва унинг катта хотини малика Гавҳаршодбегим ва уларнинг Улуғбек Мирзо, Муҳаммад Бойсунғур Мирзо, Жўги Мирзо, Искандар Мирзо каби ўғиллари ҳақида ҳам тарихий характердаги кўплаб маълумотларни ўқишимиз мумкин. Бу каби маълумотларнинг аксари ижобий бўёқдорликка эга бўлиб, аммо тазкирада улар билан боғлиқ бўлган турли важ ва сабаблар, даъволар талқини ҳам йўқ эмас. Жумладан, Амир Қосим Анвор билан боғлиқ фикрада подшоҳи замон, яъни Шоҳрух Мирзо ҳукми билан унинг Ҳиротдан ихрож қилингани ҳақидаги изоҳни афсус билан ўқисак, Мавлоно Ҳусайн Хоразмий ҳақидаги фикрада Шоҳрух Мирзонинг ушбу шоир шахси, шеърларига бўлган ихлоси, эътирофи хусусидаги мароқли хабаридан кўнглимиз ёришади. Чунончи: "Ва Мавлоно Шоҳрух Мирзо замонида бир ғазал учун такфир қилиб, Хоразмдин Ҳирийға келтурдилар. Чун донишманд ва истилоҳ билур киши эрди, ҳеч нима собит қила олмадилар. Қайтиб яна ўз мулкига кетди. Ва ул ғазалнинг матлаъи будурким:



Эй дар ҳамин олам пинҳон туву пайдо ту.
Ҳам дарди дили ошиқ, ҳам асли мулоо... ту.

Таржимаси: “Эй бу оламда яширин ҳам, ошкора ҳам ўзингсан, Ошиқ юрагининг дарди ҳам, асл давоси ҳам ўзингсан”.

Шоҳрух Мирзо давлат ишларидан ортиб, адабиёт, санъат билан ҳам маълум маънода шуғулланган. Тадқиқотчиларнинг ёзишича, Темурбекнинг юрти бўлган Хуросон пойтахти Ҳиротнинг Ренессанс шаҳар сифатида кўтарилишида Шоҳрух Мирзо, катта хотини Гавҳаршодбегим ва ўғилларининг хизмати катта бўлган . Навоий келтирган маълумотдан билиш мумкинки, демак, у хоразмлик машҳур шоир Мавлоно Ҳусайн Хоразмийнинг форс тилида битган бир ғазалини ўқиган, ушбу ғазал ҳукмдорнинг нозик таъбига жуда маъқул тушган, ғазал муаллифи билан кўришишни истаган ва у кўҳна Хоразм адабий муҳитида самарали ижод қилаётган шоирни пойтахт Ҳиротга чақиртирган. У билан адабий суҳбатлар қурган, ўзининг ихлосини билдирган. Аммо, хабарда ёзилишича, шоир Мавлоно Ҳусайн Хоразмий маданий кўтарилиши юксак бўлган Ҳиротда муқим яшаб қолишни истамаган ва маълум вақт яшаб, кейин эса ҳукмдордан рухсат сўраб, ўз хоҳиши билан туғилиб ўсган Хоразм мулкига қайтган.

Тазкирада темурийлар Уйғониш даври маданий муҳитида мусиқа санъатининг ривожига оид лавҳа билан биз “Мавлоно Соҳиб Балхий” фиқрасида танишамиз. Алишер Навоий айтган маълумотларга кўра, Мавлоно Соҳиб Балхий ўзи ёзган фасоҳатли ғазалларига ўзи созанда сифатида маҳорат билан куйлар басталар экан, айниқса, унинг “Чаҳоргоҳ” амали (куй)да яратган куйи машҳур бўлиб кетган, ҳатто, мазкур куй Жўги Мирзога жуда маъқул келган. Унинг ёзишича, шаҳзода ўзи тузган адабий мажлисларида ушбу куйни тинглашни жуда хуш кўрган: “...Ўз ғазалларини ўз амалларига боғлабдурким, анинг фазойилиға далолат қилғай. Ул жумладин “Чаҳоргоҳ” амалидирким, машҳурдур. Дерларким, Жўги Мирзо мажолисида ул амалдин ўзга нима айтурмас экандурки, бу ғазалга боғлабдур:

Ҳамчу субҳ аз меҳри рўят мезадам дамҳои сард,
То расам рўзе ба кўят дил басе шабгир кард.

Таржимаси: “Юзинг меҳри (қуёши)дан тонг сингари совуқ дамлар, оҳлар ураман; бирор кун кўйинг (висол)га етишим учун дил кўп саргардон қилди”.

Тазкирада битилган маданий муҳит тўғрисидаги маълумотларни мақола мавзуси доирасида мароқ билан ўқиб-ўрганар эканмиз, диққатимизни “Мавлоно Муҳаммад Олим” номли фиқра ўзига тортди. Фиқрада Алишер Навоий Ренессанс шаҳар Самарқанд

адабий муҳитининг вакили Мавлоно Муҳаммад Олим Амир Темурдан кейин темурийлар Уйғониш даври маданий, илмий муҳитнинг "Самарқанд услуби"ни кўтарган донишманд ҳукмдор Мирзо Улуғбек билан мадрасада бирга ўқигани ва унинг мусоҳиби бўлгани, аммо гоҳида ўз иззатини билмай, мажлисларда ҳукмдор шаънини, қадр-қимматини ҳисобга олмай айтган айрим гап-сўзлари сабаб Самарқанддан Ҳиротга ихрож қилингани ҳақида маълумот беради: "Мавлоно Муҳаммад Олим – Самарқанд уламосидин Улуғбек Мирзо билан ҳамсабоқ ва мусоҳиб эрди. Аммо бағоят далер ва шўхтабъ ва хийра киши эрди. Баҳсда кўп густохона сўзлар ва жавоблар айтур эрди. Салтанати азим уш-шаъни таҳаммул қила олмади. Самарқанддин анга ихрож ҳукми бўлуб Ҳирийга келди ...".

Муаллиф қалам аҳлининг қайси темурий ҳукмдор саройида фаолият олиб боргани, давлат мулозими сифатида ҳукмдорга қанчалик яқинлиги борасида ҳам гапириб ўтган. Масалан, китобнинг "Мавлоно Али Шиҳоб" номли фиқрасида сарбадорлар ҳаракати фаоли бўлган туршезлик шоирнинг миниатюра санъати бўйича академия ташкил қилган ва Фирдавсий "Шоҳнома"сининг қирқдан ортиқ нусхалари асосида муҳташам асарнинг мукаммал матнининг яратилишга муқаввий бўлган Султон Муҳаммад Бойсунғурнинг мулозими эканлиги ҳақидаги маълумотдан хабардор бўламиз. "Мавлоно Али Шиҳоб – туршезликдир. Султон Муҳаммад Бойсунғур мулозими экандур, ҳам равон, ҳам пухта айтур экандур". Ёки асарда шоир Мир Шоҳий тўғрисида ҳам шунга яқин маълумотга кўзимиз тушади: "Мир Шоҳий – сабзаворлиқдур. Асли сарбадорлардин бўлур. Бойсунғур Мирзо мулозиматида бўлиб эрди. Оти Мир Оқмаликдур. Фароғатдўст ва хушбош киши эрди". А.Ҳайитметов Навоийнинг Мир Шоҳий билан бўлган ёзишмалари хусусида "Навоийнинг сарбадорларга муносабати" номли ўқишли мақоласида яхши таҳлил ва талқин қилган.

Тазкирада бунёдкор темурий малика Гавҳаршодбегим ҳақида битилган маълумотлар ҳам диққатга сазовор – ушбу қимматли маълумотларда темурий маликанинг бунёдкорлик ишларидан ва даҳо шоирнинг унга бўлган эътирофидан хабардор бўламиз. Гавҳаршодбегим, Гавҳаршодхотун (1379–1457) – бунёдкор темурий малика, Шоҳрух Мирзонинг катта хотини, "Зиж"нинг муаллифи бўлган донишманд ҳукмдор Улуғбек Мирзо ва темурийлар Уйғониш даврида миниатюра санъати бўйича академия ташкил қилган Бойсунғур Мирзо каби ўта иқтидорли темурийзодаларнинг онаси. Амир Ғиёсиддин Тархоннинг қизи. Унинг оқила, ғайратли, бир сўзли, тадбиркор, ҳусн бобида ҳам беназир малика бўлганлиги ва Ҳирот маданий ҳаётига сезиларли ижобий таъсир кўрсатганлиги ҳақида кўплаб тарихий ва адабий манбаларда маълумотлар сақла-

ниб қолган. Ўз даврининг ҳассос шоираси Меҳри Ҳиравий унинг надимаси бўлган. У темурийлар Уйғониш даврининг мураббий ва муқаввийларидан бири сифатида Ҳирот ва Машҳад шаҳарларида мадраса, Жомеъ масжиди, хонақоҳ каби кўплаб ижтимоий характердаги иншоотлар қурдирган. Шоҳрух Мирзо вафотидан сўнг темурий шаҳзодалар ўртасидаги тожу тахт талашиши билан боғлиқ бўлган сиёсий можароларга аралашган ва оқибатда малика саксон ёшида фожеали тарзда ўлим топган.

"Мажолис ун-нафоис" тазкирасининг Мавлоно Савсаний, Мавлоно Маъсуд, Мавлоно Хожа, Мавлоно Абдураззоққа бағишланган фиқраларида эса Гавҳаршодбегим номи, у қурдирган "Гавҳаршодбегим" мадрасаси ва у Машҳадда 1412 йилда қурдирган Жомеъ масжиди тилга олинган. Чунончи: "Мавлоно Маъсуд – Ширвондиндур. Ҳоло Маҳди улъё "Гавҳаршодбегим" мадрасасида ва яна баъзи мадорисда мударрисдур". Ёки: "Мавлоно Хожа – Машҳадда имом Али Мусо ар-Ризоравзасида имом ва муаррифдур ва "Гавҳаршодбегим" масжиди Жомеъда хатибдур".

"Гавҳаршодбегим" Жомеъ масжиди биносининг икки ўрнида –бири кумушранг эшикнинг юқори қисмида, иккинчиси эса жанубий айвон деворида маликанинг шарафли номи ўғли Бойсунғур Мирзо қўли билан нақшинор кошинлар ёрдамида маҳорат билан битилган. Масжид меҳроби ҳам жуда гўзал бўлиб, мармартошдан қурилган. Ушбу муҳташам тарихий обида "Темурийлар услуби"да меъмор Устод Қавомиддин Шерозий томонидан барпо этилган.

Навоий Гавҳаршодбегимни "Вақфия" асарида Маҳди улъё ва Билқиси узмо деган юксак эътироф билан тилга олган.

Бобур "Бобурнома"да Гавҳаршодбегимнинг мадраса ва мақбарасини Ҳиротдаги машҳур тарихий обидалар қаторида, Ойбек эса "Навоий" тарихий романида тилга олган. П.Қодиров Гавҳаршодбегимни она лочин деб шарафлаб, сифатлаб, малика ҳақида "Она лочин видоси" (Тўлдирилган иккинчи нашри "Шоҳрух ва Гавҳаршод" деб номланган – Б.Р.) номли алоҳида тарихий роман ёзган.

Гавҳаршодбегим ҳақида илк пухта мухтасар тадқиқотни мамлакатимизда таниқли тарихчи олим Турғун Файзиев амалга оширган ва уни "Темурий маликалар" китобига киритган. Бу мақоласида Гавҳаршодхотуннинг насаби ва ҳасаби билан боғлиқ маълумотларни ҳам баён қилган. Наим Норқулов "Темурийлар даври маданияти тарихидан лавҳалар" китобида ҳам малика ҳақида қимматли хабарлар ёзган.

Гавҳаршодбегимнинг Марказий Осиё тамаддунига қўшган ҳиссасини ёритиш учун қўшни Афғонистон билан ҳамкорликда мамлакатимиз олимлари томонидан Амир Темур давлат тарихи музейида 2018 йил 14 декабрда "Темурий малика Гавҳаршодбегимнинг ҳаёти ва фаолияти" мавзусида халқаро симпозиум ташкил қилинган. Симпозиумда маликанинг сиёсатчи, етук олима, шоира каби олмос қирралари ҳам ёритилган. Айниқса, "Гавҳаршодбегим Шарқ


тамаддуни ва Уйғониш даври маликаси” мавзусида афғонистонлик олима, яъни Афғонистон Президенти Марказий Осиё давлатлари бўйича махсус вакили идорасининг масъул ходими Фарзия Орол Ҳабибий маъруза қилган . Бошқа маърузаларда ҳам Гавҳаршод-бегимнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар ёритилган.

Яна Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”да шоир Мавлоно Бурундуқнинг Султон Бойқаро бинни Умаршайхнинг мулозими сифатида хизмат олиб боргани ҳақида ҳам хабар берган. Ёки асарида бухоролик машҳур шоир Хожа Исматуллонинг Халил Султон билан ўзаро дўстона яқинлиги ва унинг номига бир қатор яхши қасидалар битгани ҳақида муҳим маълумотлар ёзиб қолдиргани таҳсинга лойиқ. “Мир Ислом Ғаззолий” номли фиқрасида унинг Алоуддавла Мирзо мадҳида ёзган шеърлари хусусида ҳам гап боради: “Маълум бўлурким, Алоуддавла Мирзо мадҳида айтибдурким, ҳар байти бошдин-оёқ ул замоннинг бир тарихидир”. Мир Ислом Ғаззолийнинг оламдан ўтган санаси Султон Абусаид Мирзо даврида рўй берганини ёзар экан, темурий ҳукмдор Султон Абусаид Мирзо номини ҳам тилга олган.

“Мажолис ун-нафоис”да зикр қилган ягона шоира, темурийлар Уйғониш даврининг истеъдодли вакиласи Меҳри Ҳиравий – XV асрнинг биринчи ярмида Ҳиротда яшаб ижод қилган. Унинг эри Хожа Абдулазиз Ҳаким Шоҳрух Мирзонинг сарой табибларидан бири бўлган. Меҳри юксак истеъдоди ва фазилатлари сабабли малика Гавҳаршодбегимнинг дилга яқин суҳбатдоши – надимаси экан. Алишер Навоий тазкиранинг темурий ҳукмдор Абулқосим Бобурнинг мулозими бўлган Мавлоно Сулаймонийга бағишланган “Мавлоно Сулаймоний” номли фиқрасида шоиранинг номи билан боғлиқ муҳим хабар битган: “Ва машҳур мундоқдурким, бу абёт Мавлоно Ҳаким табибнинг хотуни Меҳринингдур”.

Ўзбек ва тожик адабиётшунослигда биринчилардан бўлиб шоиралар ҳаёти ва ижодини тадқиқ қилган олим Тожи Усмоновдир. У ўзининг “Бисти се адиба” номли китобида шоира Меҳри Ҳиравий ижодига тўхталган. Малика Гавҳаршодбегим билан унинг ўртасида бўлиб ўтган мунозарага йўғрилган суҳбатни ҳам тамсил қилган. Академик Садриддин Айний “Намунаи адабиёти тожик” китобида ҳам шоира номини тилга олган. Эргаш Очилов унинг рубоийларидан намуналар таржима қилган .

Хулоса шуки, биринчидан, Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”да юксак эътироф билан “... донишманд ва истилоҳ билур киши эрди” ёки “... ҳам равон, ҳам пухта айтур экандур” ё “... ҳар байти бошдин-оёқ ул замоннинг бир тарихидир” деб ёдга олган қалам аҳлига темурий ҳукмдорларнинг қизиқиши билан боғлиқ лавҳалар таҳлил қилинди. Иккинчидан, улар сабаб темурийлар Уйғониш даври маданий, адабий муҳити, шаҳарсозлик маданияти билан танишдик. Учинчидан эса темурий ҳукмдорларнинг айрим бунёдкорлик фаолиятидан ҳам хабардор бўлдик.



Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига янгича талқинда, ҳам илмий, ҳам бадиият нуқтаи назаридан мурожаат қилган олим – академик Азиз Қаюмовдир саналади. Бобур таржимаи ҳоли ва ижодини ўрганишда, асарларининг нашр этилишида, уларнинг дунё юзини кўришида, кенг оммага етиб боришида бу инсоннинг хизматлари бениҳоядир. Биз бу ўринда олимнинг сўнгги йилларда нашр этилган тадқиқотига мурожаат қилдик. Бу тадқиқотни яратишда, муаллиф айтганидек, «Бобурнома»даги тарихий воқеалар ва далиллар асос бўлган ва уни илҳомлантириб, бадиий-илмий асарлар

БОБУР ШАХСИЯТИ ВА БАДИИЙ ТАЛҚИН

Исроил СУЛАЙМОНОВ,
филология фанлари доктори.

Бобур ҳақида бадиий, эпик асар яратган бошқа адиблар ижодидан фарқли ўлароқ А.Қаюмов «Бобурнома»дан конкрет тарихий воқеа ва далилларни мисол сифатида келтириб фикр билдирмайди. Бобур асарларини обдон ўрганган олим ўзининг асарларида булардан ўринли фойдаланади. Шу сабабдан ўқувчи

улардан Бобур ҳаёти ва ижодининг кичик эпизодларигача аниқ, ҳаётий маълумотларни билиб олади.

А.Қаюмов асарининг «Зафар ва мағлубият» номли қисмида муаллиф айнан юқоридаги услуб – тарихий воқеларни илмий жиҳатдан умумлаштириб, уни бадиий талқин этади ва айтиш мумкинки, бу илмий умумлаштириш олимга давр воқеа-ҳодисаларини аниқ таҳлил қилиш, уни кези келганда бадиий тасвирлаш орқали мақсадга эришишни таъминлаганки, бу услуб ҳозирги бобуршуносликда, баён тарзи билан фақат Азиз Қаюмовгагина хос, десак хато бўлмайди. Албатта, олим услубига маълум даражада эргашиб, ўзларининг айрим тадқиқотларини, бадиаларини яратиш тажрибаси замондош бобуршуносларимиз, ёзувчиларимиз ижодида ҳам кузатилади, аммо уларнинг бирортаси ҳали бу қадар ихчамлик, илмий кўлам ва бадиий мукаммалликда академик А.Қаюмов даражасига етганлари йўқ, деб ўйлаймиз.

Асарининг «Зафар ва мағлубият» қисмида муаллиф шундай ёзади: «905 (1499-1500) йил Бобур Фарғонадаги ички курашлар давомида Андижон, Ахси, Ўшни қўлдан берди. Унинг аҳволи жуда танг бўлди. Шу пайт Самарқанд ҳокими Муҳаммад Мазид Тархон Бобурни Самарқанд вилояти ҳокимиятига чақирди. Бобур бу таклифни дарров қабул қилди. У Ахсига одам юбориб ўз ғанимлари билан сулҳ тузди ва шу йили зулқаъда ойида Фарғонадан Самарқандга йўл олди. Муҳаммад Мазид Тархон унинг истиқболига чиқди. Улар ҳали Самарқандга етганларича йўқ эдики, Самарқандни Шайбонийхон эгаллади, деган хабар келди. Бобур Кешга кетди. Бу ерда Муҳаммад Мазид Тархон Бобурни қолдириб, Ҳисорга, Хисравшоҳ хизматига ўтиб кетди» .

Муаллиф шунча тарихий далилларни келтирсада, «Бобурнома»-ни тилга олмайди. Ваҳоланки, бу тарихий фактлар айнан «Бобурнома»дан олинган. Ўша пайтдаги мавжуд сиёсий, ижтимоий ҳолатни тарихий фактлар асосида қисқа умумлаштириб, ўқувчига ўша давр сиёсий ҳолати, Самарқанд тахти учун кураш иштирокчилари ҳақида умумий маълумот бермоқда, холос. На Бобур ҳақида, на «Бобурнома»даги фактик маълумотларни келтирмасдан (Бобурнинг бу асарида ушбу давр билан боғлиқ келтириши мумкин бўлган бир қатор факт, рақамлар кўп бўлишига қарамасдан), муаллиф асарида умумий маълумот бериш билан кифояланади. Ушбу матннинг давомида ҳам шу ақидасига содиқ қолиб, Бобурнинг ғолиблик ва мағлублик ҳолатини фақат шарҳ бериш орқали баён этади, холос. «Бобурнома»дан бирон бир иқтибос, парча келтирмайди. Бу услуб

муаллифнинг шу асари учун қўллаган баён тарзи, тарихий воқеликни илмий-бадиий талқинда бериш услубидир. Юқоридаги матннинг давомини кўрадиган бўлсак: «Бобур ва унинг одамлари шаҳар ва вилоятдан маҳрум бўлиб, тентираб қолдилар. Баъзи навкарлар Бобурдан ажралиб ҳар тарафга кета бошладилар. Бобур ўзига содиқ қолган одамлар билан тоғлар оша яйловларга ўта Кўҳак дарёси бўйига етиб келди. Бу вақтда Бобурда икки юз қирқ кишигина қолган эди. Шу аскар билан Бобур 906 (1500) йили Самарқандга ҳужум қилиб, уни эгаллади. Шунда Бобур ўн тўққиз ёшда эди. Бу Бобур томонидан Самарқандни иккинчи қайта эгаллаши эди. Самарқанд аъёнлари Бобурга садоқат изҳор қилдилар... Атроф вилоятлардан Бобурга ёрдам учун қўшинлар кела бошлади. Бобур катта куч йиғиб, Сарипул деган жойда Шайбонийхон қўшини билан тўқнашди. Бу жангда Шайбонийхон қўшини устун чиқди. Бобур ўз одамлари билан шаҳарга кириб, дарвозаларни беркитди. Шайбонийхон Самарқандни қамал қилди. Бобур қўшини ва Самарқанд халқи қамалда оғир азобларни бошдан кечирдилар. Шаҳарда озиқ овқат қолмади. Ҳеч қаердан ёрдам келмади. Бобурнинг баъзи лашкарбошилари ўз одамлари билан шаҳардан чиқиб қоча бошлади...» .

А.Қаюмов Бобур таржимаи ҳоли учун ўта муҳим бўлган бу тарихий фактдан фойдаланиб, турли даражадаги бадиий образларни яратишга муваффақ бўладики, бу тарихий фактлар бадиийлик касб этади, китобхонни муаллиф фикрига ҳамоҳанг тарзда кўҳна тарих воқеаларига ошно қилади: «899 (1494) йил. Сешанба рамазон ойининг бешинчи куни. Шаҳар ҳовлиларида баҳоли қудрат ифтор тадорики. Шоҳи тўқувчи Мулла Алижондан ташқари унинг ҳовлисидаги меҳмонхонада ифтор учун кичик бир жамоа жам бўлган. Улар Қиёсий, Журъар, Асирий ва хонанда Соатхон. Бу жамоа ҳаммалари косиблар, аммо табъи назм аҳлига мансуб косиблар...» Бу парча А.Қаюмовнинг «Асарлар»идан киритилган «Кутилмаган янгилик» номли ҳикояси бўлиб, юқорида номлари келтирилган шахсларнинг барчаси муаллифнинг тафаккуридаги хаёлий, бадиий образларидир. Улар ҳақида «Бобурнома»нинг бирор бир ўрнида маълумот берилмайди.

Муаллиф бу суҳбатдошларнинг фикрини давом эттирар экан,

уларнинг нутқида қадим андижонийларнинг шеваси яққол сезилиб туради. Бу билан муаллиф асарига ҳаётийлик ва ҳақонийлик бахш этиш мақсадида шундай йўл тутади: «Суҳбатдошлар туркий (ҳозирги ўзбек) тилида сўзлашар эдилар. Уларнинг талаффузи, ифода услуби жуда адабий эди. Бу фақат табъи назм эгаларига эмас, балки бутун Андижон халқига бир одат. Ҳар бир саводли хонадонда, бундай хонадонлар Андижонда кўп, кишилар Мир Алишер Навоийнинг шеърлари туркий тилнинг Андижон лаҳжасида ёзилганлигини қайд этар экан, бу билан ифтихор қилар эдилар. Яна машҳур мусиқий устоди Хожа Юсуфнинг Андижондан эканини ғурур билан эслатардилар... Суҳбатдошларнинг илтимосига кўра, Сабрий ўзининг янги бир шеърини ўқиб берди. Бу Навоий ғазалига боғланган мухаммас эди. Асирий, Қиёсий, Журъат ҳам ўзларининг янги шеърларини ўқидилар . Бу билан муаллиф Бобурнинг «Бобурнома»да Андижон ҳақида келтирган маълумотларига ишора қилади, гўё: «Эли туркдур. Шаҳри ва бозорида туркий билмас киши йўқдур. Элининг лафзи қалам била росттур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти, бовужудки Ҳирида нашъу намо топибдур, бу тил биладур» .

Бобурнинг Самарқанд ва Андижон орасида саргардон бўлиб юрган пайти. Мағлубликка яқин бу ҳолат Бобурга сиёсий бир хулосага келиш, кимни дўсту кимни душман эканлигини билолмай сарсон бўлган маҳали: «Дакбусийда Боқи тархонни босиб Бухоро устига борибтур. Ўротеппадин Бўрка яйлоғи йўли била Сангзорға келдук. Сангзор доруғаси қўрғонни берди. Қанбар Али чун туттуруб, олдируб келди, ани Сангзорда қўйуб, ўттик» .

А.Қаюмов ана шу тарихий воқелик ва далиллардан фойдаланган тарзда бадиий йўсинда Бобур ва беки Қосимбекнинг бадиий образини тўлдиришга ҳаракат қилади: «Сангзор дарёси қувнаб оқар эди. Сангзорнинг зилол сувлари тошдан-тошга урилиб ўйнашаётган тўлқинлар билан тўла. Атрофдаги тоғлар кенг далалар бағрида дарё ёқалаб ҳорғин йўл босаётган одамлар ва отларга бепарво боқадилар. Уларнинг кетидан отлари ҳорғин қадам ташлайдилар. Отлар ҳам очликдан шундай толиққанларки, энди улар одамларни эмас, одамлар отларни ташимоқдалар.

– Фақат шукрона билан яшамоқ керак, - дейди Қосимбек ҳолдан тойган Бобурга, - энг муҳими ўлим хавфи ортда қолди. Дизакда Ҳофиз Муҳаммадбек дўлдойнинг ўғли Тоҳир дўлдой ҳокимлик қилади. У кўп инсофли ва мусулмонваш йигит. Кеча унга киши юборганман. Иншаоллоҳ у сизни лозим ҳурмат билан кутгисидур.

– Умидвормиз, деди Бобур ғамгин жилмайиб, аммо мундин нари не бўлғусини ёлғиз Аллоҳу таолонинг ўзи билур.

– Мундин буён ҳам Тангри иноятига умид боғлаб, ўз ҳокимиятингизни барқарор этмоқ саъйингизда турингиз. Ёнингиздаги беклар ва йигитлар муҳим синовдан яхши ўтдилар. Уларга ҳамиша таянмоғингиз мумкин, - деди Қосимбек қавчин. Шу пайт узоқдан бир гуруҳ отлиқлар кўринди... Келаётган отлиқларнинг бошида Тоҳир дўлдой кўринди. Қосимбек уни дарҳол таниди ва буни Бобурга айтди... Шоҳона учрашув маросимининг барча қоидаларига биноан у Бобурни кутуб, Дизакка ўзи олиб кирди» .

А.Қаюмов «Бобурнома»да келтирилган тарихий шахслардан Хожа Калон ҳақида сўз юритади. У шахснинг Ҳиндистондаги фаолияти даврида Бобур билан бўлган муносабати, улар ўртасидаги воқеалар «Бобурнома»да ҳам батафсил берилган. Жумладан: «Хожа Калон чун Ҳинддин мутанаффир эди, борурида Деҳлининг уйининг иморатларининг томида бу байтнинг битибурким:

Агар ба хайру саломат гузар зи Синд кунам,
Сияҳрўй шавам, гар ҳавои Ҳинд кунам* .

Биз Ҳиндистонда туруб бундай зарофатомиз байт айтмоқ ва битмоқ бесуратдир. Кетмакдин бир кудурат бўлса бу навъ зарофаттин икки кудуратдур, мен даҳи бир рубоий айтиб битиб юбордим:

Юз шукр де, Бобурки, Кариму Ғаффор,
Берди сенга Синду Ҳинду мулки бисёр.
Иссиғлиғиға гар сенга йўқдур тоқат,
Совуқ юзини кўрай десанг Ғазни бор».

Мазкур парчада ифодаланган Бобур ва бошқа тарихий шахслар тасвиридан бадиий образ яратади, тарихийликни бадиийликка айлантиради: «Бобур Кобулға совғаларни элтмоқни Хожа Калонға топширди. Унинг қўшини қалин бўлганлиги учун Ғазна, Гардиз, Султон Масъудий ҳазорани, Ҳинистондаги Кўҳром парганасини Хожа Калонга берди... А.Қаюмовнинг «Бобурнома»да мавжуд бўлмаган бу маълумотларни келтиришдан мақсади – Бобурнинг Хожа Калонга шунчалик ҳиммат кўрсатиб Афғонистон, Ҳиндистонда улкан шаҳарлар ҳадя этса-да, у Бобурга қарши иш қилади, унинг давлатдорлигига маънавий зиён етказади, ношукурлик қилади: «...Орадан уч-тўрт кун ўтди. Яна Аградаги дарахтзор. Унинг бағридаги салқин йўлакда Бобур ва унинг мўйсафид арбоби сайр қилиб суҳбат тутмоқдалар. Бобур ўзининг узоқ йиллар синалган дўсти Хожа Калоннинг кетмоқ қароридан хафа. Энг яқин дўстлар ҳам, вақти келиб ўзликни дўстликдан устун қўядилар. Кун аста-секин муҳитга чўкмоқда. Осмон юзасини қоронғулик тумани қоплаш вақти яқинлашмоқда.

Бобур ўз суҳбатдошига деди:

– Хожа Калон Ҳиндда мутанаффир эди. Унинг кетар чоғи уйининг деворига ёзган байтини эшитдингизми?

– Йўқ, тақсирим.

– Бўлмаса мана ўқинг.

Бобур қўйнидан бир қоғоз олиб суҳбатдошига узатти.

Мўйсафид киши подшоҳнинг қўлидан қоғозни одоб билан олди ва уни кўзига яқинлаштириб ўқиди:

Агар ба хайру саломат гузар зи Синд кунам,

Сияҳрўй шавам гар ҳавойи Ҳинд кунам.

Қофияни хўб туширган. Эҳтимол, юз қоралигидан тавба қилаётгандир, – деди муйсафид киши, бу шеърдан туғиладиган ёқимсиз таассуротни юмшатмоқ мақсадида.

Йўқ, деди Бобур қатъий равишда, – бу байт Хожа Калоннинг юзи қоралигига иқроридир. Чунки, давом этди ўз фикрини шарҳ бериб, – биз Ҳиндистонда туриб, мундоқ зарофатомез байт айтмоқ ва битмоқ кўринмаган бир ҳол. Кетмоғидан бизга оғирлик бўлди, бу хил зарофатдан икки бор малол етди» .

Бу ўринда Бобур тарихий шахс бўлсада, Мўйсафид тўқима образ бўлиб Бобур бадиий образини тўлдиришга, муаллифнинг ушбу «Бобурнома»да келтирган рубоийсидаги мақсадни очишга хизмат қилмоқда. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу рубоий таҳлилида А.Қаюмов ижодкор адиб эмас, балки адабиётшунос олим сифатида фикр юритади.

Шу ўринда «Бобурнома»да келтирилган яна бир тарихий шахс, Бобурнинг энг яқин кишиси, маслаҳатгўйи Нўён Кўкалдош ҳақида А.Қаюмов ва Х.Султоннинг бадиий талқинларини, уларнинг тарихий фактдан қай даражада бадиий тасвир яратганини қиёсан таҳлил этамиз.

«Бобурнома»дан олинган ушбу лавҳани Хайриддин Султон ўзининг асарига киритар экан, Бобурнинг энг яқин дўстига қаттиқ қайғуришини бадиий тарзда тасвирлайди, бу воқеалар Бобурнинг мағлублик даврида, яъни Пискент билан Оҳангарон ўртасида кечади: «Кимдир дарвозани жон-жаҳди билан тақ-тақ урди... устидаги энгил-боши ивиб, баданига чиппа ёпишиб қолган Аҳмад Қосим бежо аланглаб ичкари кирди.

– Не гап?

– Аҳмад Қосим таъзим қилди:

– Гуноҳкор қулингизни афв этинг, амирзодам... Фалокат, фалокат юз берди... Нўён кўкалтош мастлиқта жардан йиқилиб...

Бобурнинг борлиғи бир қалқиб тушди.

– Нима-нима?! Қачон? Қачон?.. Нечун? Ўлдими? Сиз.. сиз қайда эдингиз, ахир?

Ёлғиз ўртанган юраккина идрок қилиб олувчи навҳа кўки (мотам куйи) вужудини зир титратган Бобур унга ғамгин назар ташлади. Бу оламда ягона садоқатли дўсти, ҳамдами муниси ёлғиз бир шу кўкалтош эди. Тақдир уни ҳам кўп кўрибди-да!.. Ў, қисмат! Наҳотки, сенинг Бобур Мирзони мангу синамоқдан бўлак эрмагинг бўлмаса! У гўё ўзига ўзи сўзлагандек, алланечук ғалати товушда:

Энди дардмандлиғ беҳуда! – деди секин. – Аввало, манглайи шўр экан... Макр қурбони бўлди, ғофил қолдик... Ғофил!» .

Ушбу тасвирни А.Қаюмов қай йўсинда ифодалаганига эътибор қаратсак: «Бобур ўз кишилари билан Пискентга келган пайти бир фожиа юз берган эди... Бобур Самарқанд ҳокимиятини эгаллаганда, Мўмин унинг ҳузурига келган эди. Аммо бу қилиғи совуқ, ёқимсиз одам Бобурга ёқмади. Унинг ғийбат гапларни кўп гапириши, қўлидан бир иш келмагани ҳолда ўзгаларнинг қилган яхши ишларини ўзиники қилиб кўрсатишга уринмоғи дарҳол билиниб қолди. Бобурнинг садоқатли одамларидан бири Нўён Кўкалдош Мўминнинг ярамас ишлари тўғрисида Бобурни муттасил огоҳлантириб турган эди», – деб бадиий манзара яратган муаллиф ушбу сирли фожианинг асл илдизини аниқлашга ҳаракат қилади. Бу шубҳали ўлимнинг асосий ташкилотчиси Пискент ҳокимининг укаси Мўмин деган қатъий хулосага келади.

Х.Султон Нўён Кўкалдош ҳақидаги тафсилотларни беришда «Бобурнома»даги тарихий фактларга таяниб, унга бадиий образ сифатида ёндашган бўлса, А.Қаюмов тарихий ҳақиқатни холисона изоҳлайди, воқеликка ўзининг муносабатини билдиради. Бу воқеага алоқадор тарихий шахсларнинг бадиий тасвирини бериб, улар яшаган даврдаги сиёсий жараёнлар, уларнинг Бобур билан боғлиқ томонларини таҳлил этишга ҳаракат қилади. Бу муаллифнинг ўзига хос услуби – тарихий воқеаларни илмий шарҳлаш, уларни умумлаштирган ҳолда тасвирлаб беришдан иборт. А.Қаюмов тасвирига эътибор берсак, биринчидан, ушбу саҳна «Шубҳали ўлим», – деб номланишиданоқ маълум бўладики, муаллиф тарихий фактларга таяниб, уни бадиий тасвирлашга киришади. Хайриддин Султонда бу шахсга оид тасвирлар Бобур бадиий образининг атрофидаги кишилар билан суҳбати чоғида баён этилади, унда бадиий тасвирлар А.Қаюмовдан кўра кенгроқ бўлиб, муаллиф бадиий тўқимадан кенг фойдаланган. А.Қаюмов тасвирида ўқиймиз: «Садоқатли сипоҳи ва дўсти Нўён Кўкалдошнинг бу шубҳали ўлими ёш Бобурга қаттиқ таъсир қилди. Мўминнинг қилғилиқларини текшириш

ва ҳақиқатни аниқлашнинг вақти эмас, бунга имконият ҳам йўқ эди. Шунинг учун аламини ўзидан олиб ёш йигит узун қиш кечалари юм-юм йиғлаб чиқар эди. Бир ҳафта - ўн кунгача шу аҳвол давом этди. Ниҳоят, Бобур ўзини қўлга олди...» . Муаллиф Бобур бадиий образини умумлаштирилган тарзда воқеаларни илмий таҳлил этади ва мазкур воқеа мазмунини илмий баён услубида тугатади. Шу билан бирга, А.Қаюмов Бобурнинг содиқ дўсти Нўён Кўкалдошнинг вафоти Бобурнинг маънавий мағлублик пайтига тўғри келишини бадиий тарзда, чиройли тасвирлар билан баён этади. Бобурнинг рақиблари уни мағлуб этиш, маънавий руҳий зарба бериш мақсадида унинг яқин кишиларидан жудо қилишини Бобур тақдирида жуда кўп бор кузатамиз. Шу каби тақдир синовларида тобланган Бобур ўзининг буюк мақсадлари сари дадил одимлайверди, бу каби синовлар унинг зоҳирини, руҳиятини чиниқтириб, ҳаёт ҳақидаги, инсонлар ҳақидаги қарашларини шакллантирди: «Бобур ҳаётнинг аччиқ ва чучукларидан бир қисмини татиди. Андижон ва Самарқанд тахтида ғоз ўлтирди, ғалаба жомидан кайф қилди. Сўнг мағлубият заҳаридан тотди; очлик, қувғин, хиёнат найзаларидан жароҳатланди» . Бобур ёш бўлсада ҳаётнинг кўп синовларини бошидан кечирди, гоҳида ғалабадан масрур бўлган, ундан сархуш лаҳзаларни кечирган бўлса, баъзида мағлублик аламини ҳам тотиб кўрди, ҳаётнинг нақадар бешафқат ва бебақолигини тушуниб етди. Ёш бўлсада Бобур дунёнинг ўткинчи ҳою ҳаваслари, шоҳлик миннати ва инсонларнинг ўзаро муносабатлари хусусида бир қарорга келди. Шу лаҳзаларни хаёлидан кечираётган Бобур Андижон ва Самарқанд ўртасида сарсон саргардон юрган, ҳеч кимдан – на яқин қариндошларидан, на дўст биродарларидан ёрдам бўлмай афтода ҳолда юрган дамларида Оббурдан атрофидаги бир булоқ бошига келади. Бошидан ўтган воқеаларни эсларкан, шу булоқ бошида Саъдийнинг «Бўстон»идаги байтлар хаёлидан ўтиб, уни ўша булоқ бўйидаги бир тошга ёзиб қўйишга қарор қилади. Мана ўша байт:

Шунидамки, Жамшиди фаррухсиришт,
Ба сарчашмае бар санге навишт:
«Бар ин чашма чун мо басе дам заданд,
Бирафтанд то чашм бардам заданд.
Гирифтем олам бо мардию зўр,
Валекин набурдем бо худ ба гўр»
Ҳаррару Бобур 917.

Таржимаси:

Эшитганим борки, Жамшеддек номдор,
Бошбулоқ тошига ёздирди ёдгор:
«Бу булоқ бошида кўплар тин олди,
Кўз юмиб очгунча йитди-йўқолди.
Мардлигу зўрлик-ла жаҳонни олдик
Лекин қабристонга қуруқ йўл солдик»

Мен Бобур ёздим 1511-12.

Бу сатрлардан англаш мумкинки, ёш Бобур форс тилини мукаммал билган ва Шарқ мумтоз адабиётидан яхши хабардор бўлган. Унинг бу каби фалсафий мазмундаги байтлар ёздиришининг боиси, юқорида айтганимиз, бир тарафдан дўсти Нўён Кўкалдошнинг айрилиғини унутолмаётган бўлса, иккинчи томондан унинг маънавий мағлубияти умидсизлик туйғуларини уйғотган эди. Юқоридаги байтлар мазмунига эътибор берсак, у дунёнинг ярмини эгаллаган Искандар Зулқарнайн ўлгандан кейин қўлини тобутдан чиқариб қўйишини васият қилган фалсафий фикрларга ҳамоҳанг келади. Бобур бу вақтда гарчи ҳеч нарсаси йўқ, на мол мулки, на борар жойи бўлмай туриб бу мазмундаги байтни ёздириши унинг ҳаётий хулосалари натижасидир десак, янглишмаймиз. Балки шу лаҳзаларда Бобур шоҳлик миннатидан дарвешлик қисматини афзал кўрган бўлиши ҳам мумкин. Сабаби, у кейинчалик барча нарсага – ҳисобсиз мол мулкка, ҳудудсиз давлатга эришган пайтларида ҳам ўзини дарвешона тутгани уни ҳаётида юз берган шу каби синовлар, ўзидан олдин ўтган ҳукмдорларнинг қисмати бир умр сабоқ бўлган бўлиши, эҳтимол.

Хулоса ўрнида айтсак, А.Қаюмов ўзининг дунёқараши, бадиий маҳорати ва тасвирлаш услубидан келиб чиққан ҳолда "Бобурнома"-га мурожаат қилади. Муҳими, «Бобурнома»га мурожаат қилар экан, муаллиф унинг энг характерли, Бобур шахсиятини очиб берувчи, унга бевосита дахлдор бўлган воқеликларга эътибор қаратади, қаҳрамонннинг ички кечинмаларини ёритиб беришга ҳаракат қилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Бобур. Бобурнома. Тошкент: Шарқ, 2002. – 335 б.


2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Тошкент: Шарқ, 2014. – 744 б.

3. Хайриддин Султонов. Бобурийнома. Иккинчи нашр. Тошкент: Маънавият, 2019. – 463 б.

4. А. Қаюмов Асарлар. 5-жилд. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодиёти. Тошкент: «Мумтоз сўз», 2009. – 303 б.

“Ал-адаб ал-кабир” VIII асрда араб халифалигида яшаб ижод қилган олим, таржимон, котиб ва файласуф ибн ал-Муқаффа томонидан ёзилган. У одоб-ахлоқ намуналари, ҳикмат ва панд-насиҳатларни ўз ичига қамраб олган асар бўлиб, унда султон, волийлар фаолияти, дўстлик, садоқат, суҳбатлашув одоби билан боғлиқ масалалар борасида сўз юритилган. Ушбу китоб ўз ғояси ва услуби нуқтаи назаридан адаб илмига оид дастлабки асарлардан бири бўлиб, ҳар бир бобда келтирилган ҳикматлар бир-биридан ажралиб туради.

АДАБ ИЛМИГА ОИД МУҲИМ АСАР



Сарвар САИДОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ходими.

Улуғ алломалардан бири Ибн Надимнинг таъкидлашича, ибн ал-Муқаффа “Ал-адаб ал-кабир” асарини форс китобларидаги таржималари орқали яратган. Лекин асар муқаддимасидаги қуйидаги мулоҳазалардан шу нарса англашиладики, муаллиф ўтмиш аждодларнинг билимларига асосланган: “Бизнинг аждодларимиз бизга нисбатан улканроқ жисмга эга бўлганлар, улар бизга

нисбатан мулоҳазакорроқ, бақувватроқ, моҳирроқ бўлганлар... Улар ўзлари қўлга киритган илмни бизга қадар етказмагунларича эришган ютуқларидан қониқиш ҳосил қилмаганлар ва шу сабабдан ҳам боқий китоблар ёзганлар, ишончли далиллар кўрсатганлар, шу орқали бизни тажриба ва фаҳм-фаросат манбаи билан таъминлаганлар. Бизнинг замонимиздаги олимларнинг илми уларнинг илмидан олинган, бизнинг олийҳиммат, сахий инсонлардаги хайр-эҳсон ғояси уларнинг ҳаёт йўлларидаги фаолиятларига эргашади. Буюк мутафаккирларнинг эътиборидан катта-кичик масалалар четда қолиб кетмаган. Шунингдек, улардан ёш авлод учун бошқотирма, топишмоқлар ва латифалар ҳамда аждодлар ҳикматлари, фаҳм-фаросат ва ақл манбалари сақланиб қолган. Шундан келиб чиқиб, мен ушбу китобимда одамлар эҳтиёж сезадиган адабга оид ҳикматлар ҳақида ёздим".

Ушбу фикрлардан шу нарса англашиладики, "Ал-адаб ал-кабир" асаридаги фикр ва мулоҳазаларнинг яратилишида ўтмиш мутафаккирлар мероси ва ҳикматларининг таъсири катта бўлган.

Ибн ал-Муқаффа асарда ҳукмдорлик санъати борасида фикр юритар экан, ҳокимият кишилари эгаллашлари лозим бўлган бир қанча хислатларга ўз диққатини қаратади. Унинг фикрича, ҳокимият тизимида бўлишни истаган киши мақтов ва мадҳга эмас, балки уламолар мададига таянсин. У, энг аввало, раббисини, ҳукмдорини ва уни қўллаб-қувватловчи солиҳ инсонларнинг розилигига эришсин. Дин ва мурувват аҳлини эъзозласин, аммо бутун халқнинг ризолигига эри-



шаман деб беҳудага уринмасин. У ўз мулозимларининг вазифаларини ва ҳол-аҳволларини назорат қилсин, унга мухолифатда бўлганларга нисбатан ўзида сабр-тоқатни шакллантирсин. Қалбини муҳим ишлар учун бўшатсин, муносиб инсонларни тақдирлаб, фазилат аҳлларига саховат кўрсатсин. Айбсизларни жазолаб, ҳақорат қилмасин. Ҳақиқий ҳокимиятга муносиб инсон бўлса, ғазабга берилмасин, алдамасин, бахиллик қилмасин, фуқарога нисбатан адоват сақламасин, қасамхўр бўлмасин. Бундай инсон ёмон хаёлларга берилмасин, сўз ва амал борасида эса қатъиятли бўлсин.

Шундан сўнг ибн ал-Муқаффа ҳукмдорлар ва волийлар билан дўст, йўлдош бўлиш ва уларнинг шартлари масаласига ўз эътиборини қаратади. У ҳукмдорга яқинлашиш учун эҳтиёткор бўлиш ва хатоликлардан чекиниш каби хислатларни санаб ўтади. Ҳукмдор кимни ўз акасидек қабул қилса, ўша инсон ҳукмдорни ўз отаси каби қабул қилсин, ҳукмдорнинг ҳақиқий ишончига сазовор бўлсин, унга хушомадгўйлик қилмасин, ҳукмдорга дуо қилишни ҳаддан оширмасин, фақатгина меҳр-муҳаббат асосида ҳукмдор билан йўлдош ва ҳамсуҳбат бўлсин. Султоннинг ишончига эришмоқчи бўлган киши ўз фикрини тўғрилаши, уни ҳавойи нарсалар билан аралаштириб юбормаслиги керак. У ҳукмдорга таъна қилишга журъат этмаслиги, унинг ҳузурида унга алоқаси бўлмаган гапларни гапирмаслиги, ҳукмдорнинг яқин инсонларини ҳақида ёмон гаплар гапирмаслиги ҳам муҳим жиҳатлардандир.

Ибн ал-Муқаффа халифа Ҳишом бин Абдулмалик даврида туғилиб, халифа Жаъфар ал-Мансур даврида ҳалок бўлли. Бу даврда халифа ва волийлар қаттиққўл ва шафқатсиз сиёсат юритган бўлиб, қалбларни ларзага солганлар. Бора-бора қудратли Уммавийлар давлатига дарз кетиб, унинг вайроналарида янада қудратлироқ давлат вужудга келди. Бу давр халифалари олдинги сулола халифаларига нисбатан янада шафқатсизроқ сиёсат юритдилар, бунинг натижасида эса зулм ва фитна-фасоднинг кучайишига сабаб бўлдилар. Халифалар ва уларнинг амалдорлари ҳокимиятдан норози кайфиятдагиларга нисбатан раҳм ва шафқатни унутдилар. Амалдорлар душманларига нисбатан зўравонлик ва жазо усулларини ишлатиш борасида барча имкониятларини ишга солдилар. Халифалар олийжаноб инсонларни мукофотлаш ва бадкирдорларни жазолашда сусткашликка йўл қўйдилар. Ибн ал-Муқаффа ушбу жараёнларнинг барчасига гувоҳ бўлди ҳамда ҳукмдор ва амалдорларнинг ёнида туриб, уларнинг ҳолати ва фаолиятларини ўрганди. У ҳукмдорларни нима хурсанд қилишини, нима ғамга ботиришини тадқиқ этди. Ўз тадқиқотлари жараёнида мутафаккир ҳукмдорларга яқинлаштирувчи ва улардан узоқлаштирувчи омилларга алоҳида тўхталди.

Ибн ал-Муқаффа ушбу китобида баҳс-мунозара ва тадқиқ этишга ундовчи бир қанча мулоҳазаларни илгари сурди, форс

ҳукмдорларига хос бўлган жиҳатларни ёритишга ҳаракат қилди. Ушбу бобда файласуф фозил ахлоқ ва олий даражадаги одоб намуналарини тарғиб этди. Бу эса унинг таълимоти услуб жиҳатидан ниҳоятда кўркам, мақсад жиҳатидан эса ғоят олий даражада эканлигидан далолатдир. Бу мақсадларни амалга оширишда унинг ўз даври илмий-маданий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётидан илҳомлангани ҳам катта ёрдам берди.

"Ал-адаб ал-кабир" асарида ибн ал-Муқаффани ғоят тўлқинлантирган масалалардан бири дўстлик масаласидир. Асарда дўстлик масалаларига оид алоҳида боб ажратилган. Ушбу бобда дўстлик масалалари билан бир қаторда адоват, суҳбат ва мунозара одоби, аёлларга нисбатан кучли майл, зоҳидлик, маслаҳат ва кенгаш қуришнинг фойдалари ва бошқа масалалар борасида ҳам сўз боради. Тарихий манбаларда таъкидланганидек, ибн ал-Муқаффа дўсти Абдулҳамид учун жонини, Аммора бин Ҳамза ва бошқалар учун молини ҳам аямаган инсон бўлиб, унинг бу фазилати ушбу бобдаги ҳикматлари орқали ҳам ўз исботини топади.

Дўст ибн ал-Муқаффа нуқтаи назарида унга бошқа ҳеч ким етиша олмайдиган даражадаги инсондир. Шу сабабли у эр зотига ўз дўсти учун жонини ва молини беришга тайёр туриш лозимлигини уқтиради. Ибн ал-Муқаффа учун ҳақиқий дўст ўз дўстининг сўз фикрларини ўзлаштириб, ўзиники қилиб гапирмайди, билими юксак даражада бўлса ҳам ўзини олим, дўстини эса жоҳил сифатида билмайди, дўстлик муносабатларини фақатгина олийжаноблик ва эзгу ғояларга асосланган ҳолда ўрнатади, ҳар доим ўз дўстига ғалаба истайди, унга нисбатан таъна-дашном ва ҳақорат ёғдирмайди, дўстининг узрини қабул қилади, ўз амаллари билан дўстига нисбатан ғамхўр эканлигини исботлайди. Ибн ал-Муқаффа фикрича, эр зоти очкўз ва риёкорликдан узоқ турувчи фақиҳ ва дин соҳиблари билан дўст тутинмоғи керак.

Душман эса ибн ал-Муқаффа наздида унинг ёмонлигидан сақланиш лозим бўлган кишидир. Эр зоти душмани учун ўз адолатини аямайди, уни ўзига душман деб билишини билдиришга ҳаракат қилмайди, ҳақорат ва лаънатлашни душманига қарши қурол қилиб олмайди. Шу билан бир қаторда инсон ғазаб шиддатидан, манманлик, нафрат, жаҳолат оловидан мулойимлик ва мулоҳазакорлик воситасида сақланиши лозим. Унинг тили эса ўзаро қарама-қарши кучларнинг ўзаро кураш майдонидир. Агар инсон ақли тилидан устун келса, тил ўша инсоннинг фойдасига, акс ҳолда эса душманининг манфаатлари учун хизмат қилади.

Асарнинг дўстлик масалаларига бағишланган бобида суҳбатдошлар ўртасидаги одоб қоидалари, суҳбатлашув маданияти ва унга боғлиқ бўлган кўплаб масалалар борасида фикр юритилган. Ушбу фикр-мулоҳазалар асосида соғлом ва олийжаноб ғоялар ётади.

Суҳбатдош ўзаро мулоқот жараёнида ҳамсуҳбатларига нисбатан ҳақоратомуз гаплардан сақланиши лозим. У олим бўлса ҳам ўзини худди билимсиз каби, нотиқ бўлса ҳам сўзга уста бўлмаган киши каби билиши, ўз сўзида суҳбатдошини алдашга интилмаслиги, суҳбатдошининг фикрларини ерга урмаслиги, танбеҳ беришга ҳавасманд бўлмаслиги керак. Ўз фикрини давом эттирар экан, ибн ал-Муқаффа суҳбат одобиниинг бошқа нозик жиҳатларига ҳам ўз диққатини қаратади. Унинг нуқтаи назари бўйича, инсон ўз гапини бошлаганидан кейин уни узиб қўймаслиги, ҳар қандай вазиятда ақли ва каломини жамлаши лозим.

Ибн ал-Муқаффа таълимотига кўра, инсон ўз фаолияти, ҳаракат тарзи орқали комиллик даражасига интилиши унинг ҳаёти мазмунини ташкил қилиши керак. Бундай даражага гўзал сифатлар орқали зийнатланмасдан, салбий иллатларни тарк этмасдан эришишнинг имкони йўқдир. Кимки қалбларни забт этиб, нафратдан сақланишни истаса, халқнинг муҳаббатига эришишни, ёмонлигидан эса паноҳ топишни мақсад қилган бўлса, ўз қувонч ва шодлигини халққа берсин, ўзининг халқдан ажралиши ўша халқда адоватнинг пайдо бўлишига сабабчи эканлигини эсидан чиқармасин. Оқил инсон ўзида илмга нисбатан муҳаббат уйғотсин, саховатни ўзига одат қилсин, салбий иллатларни эса тарк этсин. Чунки қўрқоқлик ҳалокатга, ҳирс эса тубанликка етаклайди. Оқил инсон ўз қалбида халққа нисбатан муҳтожлик ва халқ билан биргаликдаги фаровонлик хислатларини бирлаштирсин. Фақатгина дин ва олийжанобликка асосланиб уни ҳурмат қилганларгагина иззат-икром кўрсатсин. Маҳзунлар кўз ўнгида хурсандчилик қилмасин, нутқи сафсатабозликдан, илми эса жаҳолатдан иборат бўлмасин.

Ушбу фикрлар сўз юритилаётган бобдаги ҳикматларнинг энг сараларидан бири ҳисобланади.

Юқорида келтирганимиздек, ибн ал-Муқаффа Уммавийлар давлатининг охири ва Аббосийлар даврининг бошларидаги даврга шоҳид бўлди. У халқ аҳволини ҳар томонлама чуқур ўрганди, дўст ва суҳбатдошларни шод айлайдиган ҳамда уларни хафа қилувчи жиҳатларни тадқиқ этди. Кибр, кеккайиш, манманлик, хиёнат ва ёлғон, ҳақорат ва ҳурматсизлик каби иллатларнинг салбий оқибатларини батафсил тушунтирди.

Халқ ҳаётини ўрганар экан, мутафаккир нафрат, макр-ҳийла, адоват ва шунга ўхшаш нуқсонларни камайтириш борасида таклифлар берди.

Хулоса шуки, ушбу асар бугунги кун ёшлари учун ҳам зарурий қўлламалардан бири бўлишга арзийди. Ундан улуғ аждодларимизнинг одоб-ахлоқ борасидаги фикрлари ва би адаб тамойилларини ўрганишимиз мумкин. Нур шарқдандир, деган ибора бекор яралмаган. Яъни, одоб-ахлоқ мезонлари, бошқача қилиб айтганда, маданият қонуниятлари ҳам бизда узоқ илдизларга эга.


Ғулом ИСМОИЛОВ,
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий котиби.

Бугунги кунда тилшуносликда инсон омили номлаш ва алоқа жараёнлари тадқиқот марказида турибди. Жамият тараққиёти туфайли инсоният тафаккуринг ривожланиши тил вазифасини муҳим бир мулоқот восита сифатида кенгайтириши ва бошқа миллатлар ва уларинг маданияти ҳақида маълумотга эга бўлиш бугунги кунда долзарб муаммолардан бири. Маълумки, тилларда фразеологизмлар тизими турлича бўлиб, уларда ўхшатишлар, образлар аниқ баён қилинади, халқлар миллийлигини ўзида намоён қилади. Айтиш жоизки, фразеологизмлар асрлар давомида шаклланиб келган кўп йиллик тарихий тараққиёт натижасида маълум бир қолипга келган ҳар бир миллатнинг ўзига хос қуйма бир маҳсули ҳисобланадиган кичик бир матндир. Ҳозирги тилшуносликда шаклланиб бораётган антропоцентрик парадигмага кўра, фразеологизмлар инсониятнинг асрлар мабойнида тўпланган маданий-маърифий қадрятларини акс эттирувчи маданий ахборотлар ёрдамида маълум бир халқ билан боғлиқ этномаданий муаммоларнинг ечимини қидириш катта аҳамиятга эга.

ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИНГ ҚАДИМ ЖИЛОЛАРИ

Фразеологизмларнинг асосий белгилари уларнинг образлилик, эмоционаллик ва ҳар бир миллатнинг ўзига хос хусусиятини ўзида акс эттиришидир. Шу нуқтаи назардан “тил нафақат энг муҳим алоқа воситаси, балки тил вакили – жамиятнинг онгли ҳаракатлари натижасида ҳосил бўлган маданиятнинг ифодаси ҳамдир. Шу сабабли, оламнинг лисоний манзараси, халқ ха-

рактери психологиясини, унинг дунёқараши ва маданий бойлигини тушуниш доирасида фразеологизмлар тизимини ўрганиш эҳтиёжи вужудга келмоқда”. Бу хусусиятларни очишда фразеологик бирликларда бир предмет ёки иш-ҳаракатни кўчма маънода қайсидир томони билан унга ўхшаш бўлган сўзлар, яъни ҳар бир миллатнинг ўзига хос маданий дунёқараши орқали ифодаланган лисоний бирликлар орқали берилади. “Маълум бир фразеологизмнинг этномаданий ахборотга эга ички структурасининг мазмунини идрок этиш, нарса ва ҳодисага ном беришнинг нолисоний сабабларини очиб беришни, номлашга асос бўлган нарса (ҳодиса)нинг асосий белги-хусусиятини аниқлашни асосий вазифа ҳисобланайдиган номинация назарияси билан боғлиқликда деб қаралади”.



Туркий тиллар, айниқса, ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ тиллари вакили қадимдан ёнма-ён равишда яшаб келишгани барчамизга маълум. Шу боисдан ўзбек халқининг ўтмиши этник жиҳатдан ва ҳаётининг кўп томонлари умумий бўлган бу қардош халқларнинг тарихи, маданияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тараққий этиб келган. Шу асно айтиш жоизки, тарихий этник маданиятнинг қарор топиши бир канча омилларга боғлиқ бўлиб, улар ичида тил – мулоқот масаласи етакчи рол ўйнайди. Чунки муайян этник маданиятларнинг шаклланиши бу этник қатламларнинг ўртасидаги ўзаро муносабатлари, маданий алоқалар ўрнатишда тил бош омил ҳисобланади.

Шу асосда этнолингвистика ва лингвокултурология оламнинг

лисоний манзарасини “инсон”, “жамият” ва “табиат” макросистемаси орқали ўрганади. Тадқиқотимиз объекти бўлмиш зоокомпонентли фразеологизмлар “табиат” макросистемасининг “ҳайвонот дунёси” макрогуруҳига мансубдир. Ҳар бир тил зоокомпонентли фразеологизмларга эга. Чунки ҳайвонот дунёсининг уй ҳайвонлари кўпчилик халқлар учун умумий бўлиб, зоонимлар барча тилларнинг қадимий лексик қатламларидан биридир. Инсон ўзининг хатти-ҳаракати, характери, ҳолатининг бирон бир хусусиятини ҳайвонот дунёсига таянган ҳолда тасвирлаб, нутқнинг таъсирчанлиги ва эмоционал-экспрессивлигини таъминлайди. Туркий халқлар ҳаётида ҳайвонот дунёсининг шу қадар роли борки, улар ҳайвонот дунёсини қадимдан мушоҳада қилиб келишган ва бу уларнинг турмуш тарзига ўз таъсирини кўрсатади ва бунинг натижасида тил ташувчилари томонидан образли-фонологик асосга хосланган лексик-семантик фразеологизмлар пайдо бўлишига туртки бўлган.

Турли лингвомаданий жамоаларга мансуб зоокомпонентли фразеологизмларини қиёсий ўрганиш миллий маданият ва миллий тил тараққиёти тенденциялари ўртасидаги ўзаро алоқаларни аниқлаган ҳолда зоонимик лексикасини бойитиши мумкин. Таъкидлаш лозимки, ўзбек, қорақалпоқ ва қозоқ тиллари фразеологик бирликлари қаторига уй ҳайвонларининг инсоният билан бирга ҳаёт кечириши ва яқинлик муносабатлари уларнинг номларини ифодаловчи лексемалар иштирокида қатор фразеологизмлар вужудга келишига замин яратган. Туркий тиллардаги “зоокомпонентли фразеологизмлар жисмоний сифат, имконият; ташқи кўриниш; характер белгилари; интеллект; инсон фаолияти кабиларни акс эттиради” . От, туя, мушук, ит, сигир каби ҳайвонларни хонакилаштириши туркий халқлар тили лексикада ижобий оттенкаларни ўзида акс эттирувчи фразеологизмларнинг ифодавий ва мазмун жиҳатидан янада шаклланишида муҳим бир омил бўлган. Кузатишимиз натижасида зоокомпонентли фразеологизмлар туркий тилларда энг кўп гуруҳлардан бири эканлиги маълум бўлди. Масалан, қозоқ тилида: бұйдалаған түйедей (ҳар кимнинг айтганини қилиб, бажариб кетаверадиган киши), түйенің түяғы түсетін жер (жуда олис томон), ботасы өлген түйедей зарлады (йўқламоқ, соғиниб йиғламоқ) (ФС, 160), ботадай боздады (бирор кимсани ёки нарсани йўқотган кишидай йиғламоқ) (ФС, 160), боталаған нардай зарлады (ФС, 160), түйе кекірік (роса тўйган одамдай) (ФС, 702), түймедейді түйедей қылды (бўрттириб, қўшиб-чатиб айтмоқ) (ФС, 703), түйе устінен ит қапты (ФС, 703), түйе қотыр сөз (ФС, 702), ўзбек тилида: туя кўрдингми йўқ, от билан туяча, туянинг думи ерга текканда, туянинг устида ит қопмоқ, қорақалпоқ тилида: нардай жигит (ФЕКРС, 79) туйеден постын таслағандай (орынсыз, қолайсыз, ерси, копал), ауыл аймағы менен, бота тайлагы менен (Г.Айназарова) кабиларни учратиш мумкин.

Юқоридаги мисоллардан маълумки, инсониятнинг ҳайвонларга муносабатида, яъни ҳайвоннинг у ёки бу вазиятларга боғлиқ ҳат-

ти-ҳаракати, ҳолатини образли моҳият сифатида фразеологизмларда фойдаланиш барча тиллар учун характерлидир. Шу муносабат билан қатор зоокомпонентлар метафора асосида инсоннинг сифат-хусусиятларни билдириб, фразеологизмларда ижобий ва салбий маънода ифодаланади.

Қозоқ ва қорақалпоқ халқи маиший ҳаётида қадимдан туянинг роли катта бўлган. Чунки қозоқ ва қорақалпоқ халқи қадимдан кўчманчи халқ бўлганлиги сабабли яшайдиган ўтов ва бошқа юкларни туя орқали ташишда, совуқ кунларда исинишда ҳам инсон учун зарур бўлган калорияли озуқа бўлган шубат (туя сути) олишда туядан кенг фойдаланишган. Метафора ҳодисаси туфайли қозоқ мифологиясида мавжуд бўлган гуруҳ "төрт түлік мал" таркибига кирган туя, от, қўй, сигир фразеологизмларда кенг қамровли коннотатив белгиларни ифодалаган. Кузатишимизча, зоологизмлар миллий-маданий ўзига хосликларга эга, яъни тил вакилларининг ижтимоий ёки моддий-маънавий маданияти билан боғлиқ бўлади. Бу эса зоологик бирлик лексик маъно структурасида "миллатга мансублилик, тегишлилик" коннотатив макрокомпонентини таъминлайди. Қозоқ миллий маданиятида туя бойлик ҳамда барча қисм, бўлакларни бирлаштирувчи коинот (космос) тимсоли, "араб тилларида ижобий маънода "гўзаллик", француз тилида эса "жаҳлдорлик", "тўғри юзага айтадиган" коннотатив маъноларига эга". Қозоқ халқининг кўпгина удумлари ҳам туя билан боғлиқ ва бу шу халқнинг миллий маданиятини, кишининг характер-хусусиятини мазкур зооним билан боғлаган ҳолда бир неча фразеологизмлар юзага келган. Масалан, "қадимда қозоқ миллатида тантана, маросимларда, хусусан, узоқ кутилган вориснинг туғилишига атаб оқ туя сўйиб, гўштидан турли таомларни тайёрлаган. Шу сабаб, ақ түйенің қарны жарылды (мўл-кўл бўлмоқ) фразеологизми қўлланилиши қозоқ халқининг ушбу урф-одати билан боғлиқ".. Мисол: Сол күннен баслап Итбай аулында ақ түйенің қарны жарылды (С. Мұқанов).

Қорақалпоқ тилида эса бота (туянинг боласи) зоокомпоненти қўлланилади. Масалан, аўыл аймағы менен, бота тайлағы менен фразеологик бирилиги кўп, кўпчилик маъносида ишлатилади. Қорақалпоқ халқи ҳам қадимдан кўчманчи халқ бўлиб, асосан чорвачиликнинг туя, от, сигир каби турлари билан шуғулланишган.

Мисоллардан кўриниб турибдики, фразеологизмлар образлилик характерига эга ва бу образлилик ҳар бир тил вакиллари жамоасида ўзига хос миллийлик касб этиб, ҳар хил намоён бўлиши мумкин. Фразеологизмларни образли қиёслаш ҳар бир тилнинг ўзига хос, бетакрорлигини намоён этади. Шу асосда фразеологик образ кўпинча ўзида миллий колоритни мужассам этган ҳолда битта халқ, миллат ва тил жамоасига маълум бўлган воқеликка таянади. Масалан: ўзбек ва қорақалпоқ тилида туя зоокомпонентли фразеологизмлар қозоқ тилига нисбатан суст даражада. Ўзбек тилида туя гўштини еган фразеологик бирлиги мавжуд бўлиб, "бирор иш, нарсанинг битиши,

амалга ошиши жуда судралиши, чўзилиши" маъносига эга.

Бирор нарсани бўрттириб кўрсатиш маъносида ишлатиладиган фразеологизм эса ўзбек халқи менталитетида кичик ҳашаротни катта ҳайвонга қиёслайди, яъни пашшадан фил ясамоқ, қозоқ халқи эса мазкур ҳодиса туя зоокомпоненти орқали ҳосил бўлган, масалан: түймедейді түйедей қылды (бўрттириб, қўшиб-чатиб айтмоқ) (ФС, 703).

Инсон учун қадрли бўлган нарсани йўқотиш маъносида ишлатиладиган фразеологизм қозоқ тилида ботасы өлген түйедей зарлады, қорақалпоқ тилида эса бузаўы қалған сыйырдай фраземаси ишлатилади.

Қозоқ ва қорақалпоқ тилларида инсонга хос хусусиятларни образли тасвирлашда миллий колоритидан келиб чиққан ҳолда инсонга хос характер-хусусиятларни ва миллийликни (урф-одат, қадриятлар) фразеологизмларда кўпроқ туя лексемаси орқали ифодалаган. Маълумки, учта тил вакилида инсоннинг хулқи, характерини ифодалашда туя зоокомпоненти орқали ҳосил бўлган фразеологик бирликлар фаол, аммо ўзбек тилига нисбатан қозоқ ва қорақалпоқ тилларида анча кўп учрайди. "Қозоқлар учун туя уйғунлик тимсоли бўлиб, ўзида барча ҳайвонларни мужассамлаштиради. Бу қозоқ халқи ҳаётининг барча қирраларида, жумладан, психикаси, тили, асосан дунёқарашига характерли таъсир қилган. Пировардида, қозоқ тилида туя номлари юзга яқин".

Айтиш мумкинки, тадқиқ қилинаётган тиллардаги фразеологизмлар мазмун планида ҳар хиллик кузатилади ҳамда бу халқлар оламнинг лисоний манзараси учун характерли бўлган умумий элементлари белгиланади. Фразеологизмларда тил вакилларига муҳим бўлган маълум бир ҳодисанинг акс этиши мавжуд бўлади. Тадқиқ қилинаётган тиллар фразеологизмларида предмет, ҳодиса ва ҳолатларнинг онгда образли намоён бўлиб, муайян бир жамоа тил вакилларининг миллий маданиятини акс эттиради.

Мисоллардан маълумки, туркий тиллар фразеологизмларида ҳайвонлар ҳақидаги ассоциатив намоён бўлиш бир-бирига мос келмаганидек, зоонимларнинг ўхшаш денотатив маънолари образлилиги билан фарқланади. Бу ҳолат ё туркий тиллар учун умумий бўлган манбага, ё дунёни бир хил идрок қилиши, ўхшаш маданий, миллий ва тарихий хусусиятлари натижасида мос келиши мумкин. Компаративлик дунёни идрок қилиш нафақат универсал механизм, балки силлиқланган билимлар натижасидир. Тил вакили онгида борлиқдаги ҳаракат, белги, ҳодисалар тасвири асосида ассоциацияланувчи турли нарса ва ҳодисалар қиёсланади. Шуни таъкидлаш лозимки, туркий тиллардаги зоокомпонентли фразеологизмлар бевосита реал дунёни идрок этишнинг миллий-маданий ўзига хос инъикосини намойиш этиб, оламнинг лисоний манзарасининг бир қисми сифатида халқнинг моддий ва маънавий маданиятини ўзида акс эттиради.

УЛУҒ ЎЗАНЛАРГА ҚАЙТИБ...

Сайёра РАИМОВА



Муттоз лирикамиз тарихида нафақат арбаъин анъанаси, балки мавзу ва ғоя жиҳатидан ҳам муштараклик касб этувчи шеърий асарлар борки, улар ўқувчи маънавиятини юксалтиришдаги функцияси билан ҳам уйғунлик касб этади. Бироқ XX аср бошларидан бошлаб то аср сўнгига қадар ўзбек адабиёти бундай маънавий озуқадан мосуво бўлди. Фақат истиқлол шарофати билангина адабиёт ҳам миллийлик касб этиб, ўз ўзанларига қайтди. Яна адабиётда, хусусан, шеъриятда ислом тасаввуфи билан боғлиқ манбалар кенг қулоч ёза бошлади. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, мустақиллик даври ўзбек шеъриятида ҳам арбаъин анъанаси турли шаклу шамойилларда давом қилганини Абдулла Орипов, Жамол Камол, Фозил Зоҳид, Анвар Ҳожиаҳмад, Шукур Қурбон, Сирожиддин Саййид, Аъзам Ўктам, Нодира Афоқова, Ориф Ҳожи каби шоирлар ижодида кўришимиз мумкин.

Абдулла Орипов “Ҳаж дафтари” туркуми орқали истиқлолдан кейинги адабиётимизга биринчи бўлиб диний-маърифий руҳдаги тавсифий лирикани олиб кирган шоир ҳисобланади. У ўз салафларига эргашиб, диний-маърифий мавзуга қўл урар экан, уларнинг арбаъинчилик анъанасидан фарқли ўлароқ ҳадиснинг аслиятини бермасдан, балки ҳадис мазмунини ақд санъати орқали тематик композиция унсурларига сингдириб ифодалаган. Шоирнинг бундай

ҳикматлар билан йўғрилган шеърларини ислом фалсафасисиз тушуниш қийин.

Ушбу мақолани битишдан кўзланган асосий мақсадимиз ҳам буюк арбаъиннависларимиз билан истиқлол даври ўзбек шеъриятида диний-маърифий мавзуда ижод қилган ижодкорлар бадиий оламини тенглаштириш эмас, балки бу ижодкорларнинг ўзидан олдин ўтган салафларга ҳавасдан туғилган ижод намуналарига янгича мезонлар асосида баҳо беришдан иборатдир. Ҳатто, эътироф этаётганимиз–замонавий адабиёт вакилларининг ижод намуналарини рамзий қилиб математик тил билан айтганда, бир координата текислигининг турли ўринларида жойлашган нуқталар деб тасаввур қилиш ҳақиқатга яқинроқдир. Бу ижод аҳлини фақат битта мавзу – диний-маърифий мавзу бирлаштиради. Уларнинг шеърият майдонида ўзига хос овози, ўрни, услуби, қарашлари ва мухлислар баҳоси, эътирофи бор.

Фикримизча, замонавий адабиёт вакиллари ижодини тадқиқ қилиш жараёнида Шарқ мумтоз адабиётининг нодир дурдоналарига мурожаат қилмасдан фикрлашнинг имкони йўқ.Тадқиқотчи Малоҳат Пўлатова адабий манбашунослик йўналишида Жомий, Навоий ва Фузулий “Арбаъин” – “Чиҳил ҳадис”асарларидаги ҳадисларнинг шеърий талқинини қиёсий жиҳатдан яхши таҳлил қилган. Буни унинг тадқиқотидан ҳам билишимиз мумкинки, Имом Яҳё бин Шараф ан-Нававийнинг арбаъини энг машҳур, яъни энг кўп кўчирилган арбаъинлар сирасига киради.

Матншунос олим Акрамжон Деҳқонов “Маҳмед Эмре ҳам, Ҳасан Ҳусну Ардам ҳам ўз мақолаларида энг дастлабки арбаъин таълиф этган муаллиф Абдуллоҳ ибн Муборак эканлигини таъкидлашган”, деб ёзган. Яна олим XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида яшаб ижод этган Муҳаммадқул Муҳаммадрасул ўғли Муҳаййир ижодининг янги қирраси сифатида арбаъин таржимасини кўрсатган ва шоир Муҳаййир Алишер Навоий лирикасига эргашиб форсий тилдаги Шайх ибн Нуриддин Муҳаммад Пуроний арбаъинини туркийга ўгирганини алоҳида таъкидлаган .

Ўрганишимизга кўра, арбаъинлар асрлар оша ўз аҳамиятини йўқотган эмас, аксинча бундай асарлар ёзишга ҳавас барча даврларда анъанага айланиб бормоқда. Америкалик тадқиқотчи Довуд Хунзикер “Мўминнинг олти сифати” мақоласида “Маълумки, мумтоз ислом адабиётида назмий қирқ ҳадис таржималари форсий ва туркий тилларда ёзилиб, Туркистонда кенг тарқалган. Хусусан, Навоийнинг “Арбаъин”и асрлардан бери завқ билан ўқиб келинади”, деган

фикрларни билдириб ўтган .

Жомий ва Навоийда “Ло юъмину аҳадукум ҳатта яҳиббу ла аҳиҳи ма юҳиббу ли нафсиҳи”, яъни “Сизлардан ҳеч бирингиз ўзига раво кўрган нарсани биродарига раво кўрмагунча, чин мўъмин бўлолмайди” ҳадиси қуйидагича назмий усулда, яъни қитъа жанрида маҳорат билан битилган:

Мўъмин эрмастур, улки иймондин
Рўзғорида юз сафо кўргай,
Токи қардошига раво кўрмас –
Ҳар неким ўзига раво кўргай.

Замонавий ўзбек шеърияти вакили Шукур Қурбон эса ўз арбаъинини мумтоз салафларига эргашиб, ҳадис ва унинг маъноси сингдирилган тўртликлар шаклида ёзган. У ўз тўртликларига нисбатан “Арбаъийн” атамасини қўллайди”. Юқорида келтирилган ҳадис билан мазмунан уйғунлик касб этувчи қуйидаги тўртлик ҳам фикримизнинг далили бўла олади:

Ҳадис:

Савобли иш қилганингизда хурсанд бўлсангиз, гуноҳ иш қилганингизда эса хафа бўлсангиз, ҳақиқий мўминдирсиз.

Тўртлик:

Ҳақиқий мўминсиз – билмасдан ногоҳ,
Бир гуноҳ қилганда бўлсангиз хафа.
Ҳақиқий мўминсиз, сиз гар вақти чоғ
Савобли ишларга бош қўшган дафъа.

Жамол Камол ижодидаги “Қирқ ҳадис илҳоми” ҳам мумтоз арбаъинчилик анъаналарининг давоми сифатида эътиборга моликдир. Шоир ҳадислардан олган илҳомини тўртликларга жойлайди, бироқ ҳадиснинг аслиятини бермайди ва маълум бир ном билан ҳам атамайди. Пайғамбаримизнинг “Илму ҳунарни Хитойдан бориб бўлса ҳам ўрганинглар” деган ҳадисини Жамол Камол шундай бадиий талқин қилган:

Йўлларинг узра малаклар ҳам қанотин ёзгуси,
Гар талаб айлаб, илм сорига сен қўйсанг қадам.
Илму ҳикмат – аҳли мўминнинг йўқотган молидир,
Бор, уни топгил, агарчи бўлса Чин-мочинда ҳам...

Ёки Анвар Ҳожиаҳмаднинг “Жаннат калити” ҳадисларга шеърий иқтибос сифатидаги туркумида келтирилган “Илм олиш фарздир” рукнидаги саккиз иқтибоснинг бири ҳам юқоридаги тўртликка ҳамоҳангдир тарзда битилган:

Илм машаққату меҳнатни севар,
Фидо қилса, арзир йўлида жонлар.
Илму ҳунарларни касб этмоқ учун
Хитойга бўлса ҳам боринг, ёронлар!

Дарҳақиқат, илм барча сиру синоатларнинг калити. Илм ўз соҳибини юксак даражаларга кўтариши ҳам сир эмас. Қуръони каримда илм сўзи бот-бот зикр этилган.

Айнан шу ҳадиснинг бетакрор бадиий талқинларини Шукур Қурбон шеърларида ҳам ўқиймиз. Шоир бу ўринда мурожаат санъатини маҳорат билан қўллаган:

Бошни тошга уриб, ёриб бўлса ҳам,
Қонларни қатрондай қориб бўлса ҳам,
Ўрганинг, азизлар, илму ҳунарни,
Ҳатто Чин-Мочинга бориб бўлса ҳам.

Шоир илм ўрганиш машаққатларини бадиий бўёқлар орқали ифодалайди. Халқимизда "Бир йигитга етмиш ҳунар оз" деган нақл бор. Илм-ҳунар ўрганмоқлик инсонни саодатга етакловчи воситадир. Алишер Навоий Фарҳод тилидан таъкидлаб айтганидек, "Ҳунарни асрабон нетгумдир охир, Олиб туфроққаму кетгумдир охир." Зеро, илму ҳунар инсоннинг умр йўлларининг ойдин бўлиши учун гўё ёниб турувчи чироққа ўхшайди.

Арбаъинчилик анъаналари Сирожиддин Саййид ижодида ҳам "Яхшилик эскирмагай. Қирқ ҳадис" номли туркумда яхши тараннум қилинган. Юқоридаги илм борасидаги фикрлар "Тангридан фойдали илмни сўранглар. Фойдасиз илмдан эса четлашинглар" ҳадисининг мазмуни қуйидаги тўртликда ўз инъикосини топган:

Дилни зиё бирлан чулғаб ўрангу
Маърифат мулкида чироқ бўлинглар.
Оллоҳдан фойдали илм сўрангу
Фойдасиз илмдан йироқ бўлинглар.

Шарқ мумтоз адабиёти тарихида азал-азалдан дидактик жанр мазмунида ёзилган асарлар кўпчиликни ташкил этади. Уларда эзгу сўз маънавий-ахлоқий тарбия учун энг мақбул воситаларидан бири бўлиб хизмат қилганига алоҳида урғу берилади. Бу анъананинг давоми учун истиқлол йиллари адабий муҳитида имкон майдонга келди. Зеро, инсонни эзгу амаллар билан машғул бўлишга ундовчи қирқ ҳадис анъаналари мустақиллик даври ўзбек шеъриятида ирфоний мавзуда қалам тебратган истеъдодли шоир Аъзам Ўктам ижодида ҳам ўзига хос услубда ўз ифодасини топганини кўриш мумкин. Масалан, шоир шеърда "Бировнинг ота-онасини сўккан одам ўз ота-онасини ҳақорат қилган бўлур" ҳадисини рамка унсури сифатида келтиради ва шундан сўнг ҳадис маъноси сингдирилган назмий матнни, кейин эса ровий номи ҳамда ўз изоҳини айтиб ўтган:

Тинглаб туриб Расулуллоҳни,
Билдилар энг азим гуноҳни:
"Жиноятчи одам боласи
Таҳқирлар ўз ота-онасин".

– Бадбахтликни инсон хоҳларми,
Ҳақоратлаб қиблагоҳларни?
– Ўзганингки обрўйин тўкар –
Ўз отаю онасин сўкар!

Ушбу шеър шоирнинг ҳадис ғояси орқали ўқувчига одоб-ахлоқ қоидаларини тушунтиришни мақсад қилганлиги билан аҳамиятлидир.

Арбаъинчилик анъаналари хусусида сўз юритган адабиётшунос олим Т.Шермуродов "Заҳматкаш олим Анвар Ҳожиаҳмаднинг "Жаннат калити" китоби ҳам қадим арбаъийнчилик анъанасига хос улуш бўлди" дея алоҳида таъкидлайди. Дарҳақиқат, ушбу асар, муаллиф ўзи таъкидлаганидек: "Муҳаммад алайҳиссаломнинг 33 масаладаги 333 ҳадисларига 333 шеърий иқтибос" сифатида дунё юзини кўрди. 33 масала, жумладан, "Ақлу идрок билан топурсан нажот...", "Ҳалоллик, поклик – мўминлар одати", "Яхшилик қил ҳамиша, мўмин", "Эҳсон билан олам мунаввар", "Тўйларнинг яхшиси кам сарфлисидир", "Илм олиш фарздир", "Ростгўйлик мўминга ҳусну фазилат" каби ҳар бири алоҳида рукн, яъни 33 ном остида 333 ҳадисни жамлаган. Ҳар бир рукндаги ҳадис маъноси сингдирилган шеърлар миқдори тенг эмас. Энг муҳими, ушбу тўртликларнинг "қирқ хадис" анъаналари билан аҳамиятли эканлигини ҳам қуйидаги ўринларда кўришимиз мумкин:

Тонгда ризқ улашур барчага Аллоҳ,
Эрта туриб топгил ризқу рўзингни,
Тонгда ухлаганнинг ризқи қийилур,
Огоҳ бўл, босмасин ғафлат кўзингни...

Ушбу тўртлик "Тонгда ухлашлик ризқни қияди" ҳадисининг мазмуни билан суғорилган ва бунда келтирилган ҳадис рамка унсури вазифасини ўтаган. Ҳадиснинг асосий ғояси ризқнинг ҳар бир бандага Аллоҳ томонидан ўлчаб берилган насиба эканлиги борасида мушоҳадага бой насиҳатдир. Бу мавзу бадиий адабиётда ҳам кўп учрайди.

Нодира Афоқова ижодидаги қирқ ҳадиснинг назмий ифодаларида мумтоз арбаъинчилик анъаналари қоидаларига риоя этилганини кўришимиз мумкин. Унинг "Муҳаммад (с.а.в.)дедилар...Арбаъин туркуми" тўпламидаги 14 байтдан иборат "Муножот"и - Аллоҳга ҳамд бўлса, 4 байтдан иборат "Ташаккур"и эса Пайғамбар(с.а.в.)га наът вазифасини ўтаган:

Борлиқни бор этган, музайян этган,
Ҳидоят йўлини муайян этган,

Инсонлик рутбасин хилқатлар аро
Икки дунё ичра сарбаланд этган

Қудрати бепоён, буюк бўлган Зот,
Барчамизга бирдай, суюк бўлган Зот,

каби мисралар Яратгувчининг “Қудрат ва Ҳикмат эгаси” эканлигига оид сифатлашлар “Муножот” қисмида ўз ифодасини топган. Шундан сўнг “Ташаккур” номли саккиз мисрада Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га “Шукримиз аввало Қодир Худога, Сизни яратгани учун ташаккур” мазмунидаги саловоти айтилади. Сўнгра асосий қисмда ҳадиснинг ўзи, масалан, “Иймоннинг япроқлари – ҳаё, меваси - илмдир” ва ундан кейин ҳадис ғояси билан суғорилган тўртлик жойлаштирилган:

Дедилар: Дил мулки – чаман ё боғдир,
Унда иймон ўсар – мисли оғочдир.
Ҳаё япроқлари, илм меваси
Бирла безатмассан – ул яланғочдир.

Демакки, инсондаги гўзал фазилатлар - ҳаё ҳам, илм ҳам иймоннинг илдизларидан сув ичар экан. Иймони бутун одамгина илм излайди, илмсизлик, жоҳиллик каби манфур иллатлардан ҳаё қилиши билан юксак мақомларга, яъни мўмин инсонлик рутбасига эришади.

Шоир Ориф Ҳожи ижодидаги “Қирқ ҳадис ва бир ривоят” номли қирқ ҳадис анъаналари ҳам шаклда ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ҳар бир тўртлик маълум бир ном остида ифодаланган. Ҳадиснинг аслияти берилмаган ҳолатда ҳар бири ҳадис маъносидан келиб чиқиб, ҳар хил ном билан аталган:

Кибру ҳаво билан ғўддайган одам,
Элнинг назарида хору зор бўлар.
Бу ҳам етмагандай охират куни,
Аллоҳнинг қаҳрига гирифтор бўлар.

Ушбу “Кибр” номи остидаги тўртлик одам боласининг гуноҳкорлигига каффорат бўлувчи кибрнинг гуноҳи кабира эканлиги ва ҳатто Азозилнинг кибр туфайли жаннатдан қувилиб, Шайтони лаънга айланганини ёдимизга солади.

Хулоса шуки, замонавий ўзбек шеъриятидаги диний-маърифий мавзуда ижод қилувчи шоирлар ижоди кузатилганида, биринчидан, шаклий жиҳатдан айнан мумтоз адабиётдаги арбаъинчилик анъаналарига мос келмаса-да, мазмун-моҳияти ҳадис маъноларини ўқувчига етказишда муштарак экани аниқ сезилади, иккинчидан, замонавий ўзбек шеъриятидаги арбаъиннавислик илдизи мумтоз адабиётимизга бориб тақалишини кўрсатади, учинчидан диний-маърифий мавзуда ёзилган шеърлар кўлами кенглиги, тўртинчидан эса ўзбек шеъриятининг шакл ва мазмунига кўра, бойитиш ҳодисасига мустақиллик даври адабий сиёсий муҳитидаги сўз эркинлигининг ифодаси, тантанаси сифатида қараш ўринли бўлади.

УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАСИ:





ҒАФУР ҒУЛОМ ВА ЭРКИН ВОҲИДОВ

Мухлиса ҲАФИЗОВА

Маълумки, ҳар қандай соҳада бўлгани каби адабиётда ҳам ҳар бир ижодкорнинг “ярқ” этиб кўзга ташланадиган асарлари бўлади. У шоир ёки ёзувчи бўлсин, ўша “ярқ” этган асар унинг эл орасида танилишига сабаб бўлиши мумкин. Чўлпоннинг “Гўзал”, Ойбекнинг “Наъматак”, Ғафур Ғуломнинг “Вақт”, Ҳамид Олимжоннинг “Ўрик гуллаганда”, Усмон Носирнинг “Юрак” сингари XX асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек шеърий тафаккури даражасини белгиловчи шеърлари бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган асарлардан.

Эркин Воҳидов шеъриятини фалсафий шеърият дея олмаймиз. Аммо у Ғафур Ғуломнинг ўша “ярқ” этиб кўринадиган, фалсафий мушоҳадаларга бой асарларини ўқиб, улардан озиқланиб, фалсафий мушоҳадаларга бой, гўзал ва бетакрор асарлар ҳам яратди.

XX асрнинг 60-йилларида Ғафур Ғулом назарига тушган Э. Воҳидов унинг асарларини мутолаа қилиш жараёнидагина улардан таъсирланиб қолмаган, балки улуғ шоир ижод қилаётган дақиқаларда унинг ёнида бўлиб, ғафурона шеърларнинг яратилиш жараёнида ҳам иштирок этишга муваффақ бўлган. Эркин Воҳидов Ғафур Ғуломнинг ижод қилиш жараёнидан, умуман, унинг бадиий оламидан олган таассуротлари ҳақида ўртоқлашар экан, шоирнинг ижод қилиш услубидан лол қолганини айтиб, бундай ёзади:


“Бир куни келганимда шоирнинг газета буюртмаси билан шеър

ёзаётгани устидан чиқдим. Ўша катта стол атрофида Шоислом Шомуҳамедов, яна бир неча одам гурунглашиб ўтиришар, шоир суҳбатга қўшилиб, кутилмаган гаплар билан ҳаммани кулдириб, шунинг орасида шеър ёзар эди. Бундай ижод усули ўша вақтда қандай хаёлимга сиғмаган бўлса, ҳозир ҳам ҳеч тасаввур қилолмайман. Шеър ахир танҳоликда, фикру туйғуларни жамлаш, катта бир ички тўлқиндан туғилади-ку! Ғафур ака бўлса, ҳангома қилиб ўтирган жойида шеър ёзар эди. Ҳар бир тўртлик битганида ҳамсухбатларига ўқиб берар, уларни қойил қолдириб, ўзи ҳам мақтаниб қўярди.

... Эсимдан чиқмайди, шеър ёз тўғрисида эди.
Мис баркаш қайилгудек устидаги юкидан,
Юмалоқ бол мисоли ҳар битта қантак ўрик...

Шу сўзларни ёзиб, шоир ўтирганларга мурожаат қилди: "Қани ўрик сўзига қофия қиламиз?" Биров "етук" деди... Ғафур Ғулом: "Шошманглар, тилимизда "югурик" деган сўз бор-а? Ҳозир шуни боғлаймиз, деб ручкани қўлига олди. Бир дақиқа ўйланиб турди. Мен бор хаёл кучимни, ёш шууримни ишга солиб, ёз мевалари таърифланиб турган шеърга "югурик" деган сўзнинг боғланишини тасаввур қилолмадим. Шоир бу вақт ичида тўртликнинг иккинчи бандини тугатиб, ўқий бошлади:

Қуёшда шакарзарра ялтирайди тукидан,
Пишиқчилик кунлари хаёл каби югурик.




"Қойил", демай илож йўқ. Шеър битди. Уни русча алифбосига кўчириб ёзишни устоз менга буюрди. Шундай қилиб, 1961 йил июнда яратилган "Ёз боши" шеърини мен оққа кўчирганман" [1.285-286].

Ушбу хотирадан ҳам аён бўладики, ёш шоир ижодининг дастлабки давридиёқ Ғафур Ғуломнинг шеър ёзиш маданиятини, қофия устида ишлаш маҳоратини кўриб, ҳайратга тушган.

Гёте котиби Йоҳанн Петер Эккерман билан суҳбатларидан бирида ижод оламига кириб келиши ва шаклланишида таъсир кўрсатган ижодкорлардан бири ҳақида шундай ёзган: "Менга шеърнинг бадиий таъсири ҳақида кўп гапиришар ва буни биринчи ўринга қўйишарди; менга эса ундаги мазмун муҳим бўлиб туюларди. ...Одатда бирорта сермазмун асар менга қаттиқ таъсир қилар ва ҳаяжонга соларди, Теодор Кёрнер шеърлари ҳам шундай таъсир қилди. Поэтик истеъдоди менга

ғоятда юксак ва тақлид қилишга муносиб бўлиб туюлди, менда ўзимга ҳам шу нарсани синаб кўрсам, унга ўхшаб нимадир яратиш қўлимдан келармикан, деган фикр туғилди".

Гётенинг бу сўзлари Э.Воҳидовнинг Ғафур Ғулом ижодий лабораторияси билан танишишдан олган таассуротини эслатибгина қолмай, адабий таъсирнинг шундай жараёнлардан бошланишини тасдиқлагандек бўлади.



XX аср ўзбек шеъриятига назар ташлаганимизда, ҳар бир даврнинг ўз шеърияти бўлганлигини ва бир давр шеърияти ўзининг ғоявий, бадиий хусусиятлари билан бошқа давр шеъриятидан ажралиб турганини кўришимиз мумкин. Ғафур Ғулом шеърияти фалсафийлиги, инсонпарварлиги билан ўз даврининг жабр-у жафосини кўрган халқ дардига малҳам бўла оладиган шеърият бўлганлиги билан ажралиб туради.

Эркин Воҳидов устози Ғафур Ғулом билан бўлган илк учрашувини шундай хотирлайди: "1953 йил. Островский номли Пионерлар саройида Ғафур Ғулом келармиш деган хабар тарқалди. Шоирнинг эллик ёшлик юбилейи нишонланиш арафаси эди. Ҳаммада кўтаринки кайфият. Айниқса, биз – адабиёт тўгараги қатнашчиларининг қувончимиз ичимизга сиғмайди. Машинадан оқ жужунча китель-шим кийган Ғафур Ғулом тушиб келди. Кутиб олувчилар билан кўришиб, айниқса, бизнинг тўгарак раҳбари Ғайратий билан алоҳида илиқ сўрашиб ичкарига юрди. Йўл-йўлакай атоқли шоир ҳаммани кулдириб борар эди. Саройнинг очиқ саҳнасида учрашув бўлди. Ғафур Ғулом шеърлар ўқиди. У бир шеърини мана шундай тугатгани эсимда: "Бу шеърни айтди сизга бобонгиз Ғафур Ғулом".

Ёш шоир қалбига мана шундай самимийлик билан кириб келган Ғафур Ғуломнинг ижод олами унинг бир умрлик йўлдошига айланди. Э. Воҳидовдаги истеъдодни англаган шоир уни ижодий сафарларида ҳамроҳ қилиб олиб юрадиган бўлди, шундай пайтлардаги ижодий суҳбатлари билан ёш шоир шеърларининг янада теранлашишига, ижод оламининг бойишига ўз ҳиссасини қўшди.

"1966 йил, апрель, - деб ёзади Э.Воҳидов устоз билан кечган шундай сафарлардан бирини эслаб. - Тожикистон ёзувчиларининг съездига Ғафур Ғуломга ҳамроҳ бўлиб Шоислом Шомуҳаммедов ва мен борадиган бўлдик. Бу мен учун катта воқеа, улуғ устознинг билдир-

ган ишончи ва меҳри белгиси эди...”

(Эндигина ижод оламига кириб келаётган ёш ўспирин шоирнинг руҳий оламидаги бундай кўтаринкилик, унинг етук ўзбек шоири бўлиб етишишида яна бир сирли куч бўлган бўлса, ажаб эмас).

Шоир давом этиб ёзади: “Тожикистон Министрлар Советининг боғида беш кун Ғафур Ғуломнинг ажойиб суҳбатларидан баҳраманд бўлдим. Совет адабиётининг улкан вакиллари орасида устоз ҳамманинг диққат марказида, суҳбатларнинг жони бўлиб юрди. Классиклардан форсий ва туркий тилларда ёд билган байтлари, латифалари, тарихий воқеалар билан боғлиқ ҳикоя ва ҳангомалари сира тугамас эди. Москвалик рус ёзувчиларидан бири: “Ғафур – туганмас хазина, афсуски, бу гапларни қоғозга туширмайди-да. Дунёни ҳайратга соладиган гаплар-ку бу”, – дегани эсимда”.

Ўз даврининг буюк ижодкори бўлган Ғафур Ғуломнинг назарига тушиб, унинг ижод булоғидан сув ичган ёш шоир тўгарак қатнашчиси бўлган кездаридаёқ бундай нафис мисраларни битган эди:

Уфқларга қўйиб гулдаста,
Тоғ ортидан кўтарди-да бош,
Пастга боқди чўққидан аста
Олтин қалам тутган бир нақкош.

Ҳар нуқтага сайқал бериб у,
Водий узра чизди зар лавҳа.
Сўнг куёш деб имзо чекди-ю,
Тонг отар деб қўйди сарлавҳа.

Тонг отиш пайти тасвирланган бу шеърий дурдона ҳар бир поэтик образнинг, поэтик фикрнинг нафислиги билан ажралиб туради. Эркин Воҳидов ушбу икки бандлик шеърни 1956 йилда – ўрта мактабнинг сўнгги синфида ёки филология факультетининг биринчи курсида таҳсил олаётган вақтида ёзган. Шоирнинг кўз ўнгида тонг шунчаки отмайди: қуёш қўлидаги гулдаста билан тоғ ортидан бошини кўтариб, водий узра фусункор бир манзарани чизади; бу манзарага “Тонг отар”, деб сарлавҳа қўяди-да, “Қуёш” деб имзо чекади. Шоир Қуёшнинг олтин қалами билан чизилган бу гўзал манзарани шунчаки оппоқ қоғозга кўчиргандек бўлади.

Чиндан ҳам, пурвиқор тоғлар, бепоён денгизлар, баҳор чоғида ям-яшил, куз чоғида эса тилларанг далалар... – булар Оллоҳ “ижод”ининг илоҳий мевалари. Аммо Оллоҳ, Эркин Воҳидовнинг талқин этишича, бу гўзал мавжудотнинг устига “Қуёш”, деб имзо чеккан. “Қуёш” – бу шеърда Оллоҳнинг тахаллуси! Тўғри, шоир тонг отиш манзарасини шунчаки оддий сўзлар билан тасвирлаши мумкин эди. Лекин шеър шоирдан образли фикрлашни талаб қилади. Шеъриятнинг ўзига хослиги, шоирнинг шоирлиги поэтик образлар ёрдамида воқеликдаги гўзалликни бадиий акс эттира билишида зуҳур бўлади. Э.Воҳидов ана шу санъатни устозлари ёрдамида, жумладан, Ғафур Ғулом шеърияти ёрдамида эгаллашга интилди.

Юқорида зикр этилган шеър замирида муайян фалсафий фикр

ётганига қарамай, унда лирик ҳарорат, поэтик тасвир устиворлик қилади. Шоирнинг тахминан шу йилларда ёзган “Камтарлик ҳақида” сарлавҳали шеърида ҳам фалсафий мушоҳада устиворлик қилади. Шоир ёзади:

Гарчи шунча мағрур турса ҳам,
Пиёлага эгилар чойнак.
Шундай экан, манманлик нечун,
Кибру ҳаво нимага керак?

Камтарин бўл, ҳатто бир қадам
Ўтма ғурур остонасидан.
Пиёлани инсон шунинг-чун
Ўпар доим пешонасидан.

Эркин Воҳидовнинг бу шеъри ҳам икки банддан иборат. Шоир бу шеърида ҳам воқеликдан олган таассуротларини қисқа сатрларда, реалистик образлар ёрдамида ифодалашга эришган. Аммо бу шеърнинг аввалгисидан фарқи шундаки, бу шеърда ўгит, панд-насиҳат зарралари ялтираб туради. Лекин унинг ғояси Э.Воҳидовга хос инсоний фазилатларнинг “байроқдор”и - камтарлик мотиви жаранглаб туради. Шу маънода бу шеърда лирик шеъриятдан кўра фалсафий шеърият унсурлари устивордир. Аниқроқ айтсак, бу шеърдан Э.Воҳидов билан бирга устоз Ғафур Ғуломнинг ҳам нафаси эшитилиб тургандек бўлади.

Ушбу шеърнинг ёзилганига ярим асрдан ошган бўлса-да, бугун ҳам ўзининг бадиий қимматини йўқотмаган. Негаки, камтарлик ҳамма замонларда инсон руҳий оламини мунаввар этиб турувчи фазилат ҳисобланади. Агар камтарлик инсоннинг бирламчи ижобий фазилати бўлса, унинг акси – такаббурлик бирламчи салбий хислатидир. Одамзод ана шу хислати туфайли фақат нафрат қозонади. Бундай фалсафий мушоҳада китобхонларда, айниқса, Ғафур Ғуломнинг фалсафий шеърлари билан танишганларидан сўнг пайдо бўлади.

Шеърият - инсон туйғуларини, унинг ботиний ва зоҳирий оламини ифода этувчи олам. Ғафур Ғуломнинг “Вақт” шеърида ҳар бир лаҳза, сония, дақиқа, соатнинг инсон ҳаётида, ҳатто тақдирида муҳим аҳамиятга эга эканлигини юксак маҳорат билан тасвирланган бўлса, шу ҳол ва ҳодиса ёш Э. Воҳидов шеърларида ҳам муайян даражада ўз ифодасини топган:

Фурсат – олтин
Сен кўкрак кериб
Олтинингни сочиб борасан.
Фурсат қувар,
Унга чап бериб,
Сўроғидан қочиб борасан.

Шоир шу шеърида фурсатни олтинга тенглаштириб, минглаб фурсатлардан иборат инсон умрининг ҳар бир дақиқаси, ҳар бир соати қимматли экани ҳақида, лирик қаҳрамоннинг ўз виждони ол-

дида, ота-онаси, жамоаси олдида, Оллоҳ олдида ҳисоб бериш фурсати келганида мулзам бўлиб қолиши мумкинлиги ҳақида ёзган. Биз бу шеърни ўқир эканмиз, устоз Ғафур Ғуломнинг ушбу сатрлари хотиримизда яққол гавдаланади:

Инжу доналаринг бўлмасин увол
Чўнтаги тешилган мудроқ заргардек.
Қишнинг гулдуросин кутиб ағрайма,
Карнай овозига ишқибоз кардек. (“Куз келди”)


Ғафур Ғулом вақтнинг қадрига етиш ҳақида фикр юритар экан, бу фикр ўқувчининг юрак торларини титратиб юборадиган поэтик образларни, бадиий деталларни топади. Э.Воҳидов устознинг поэтик маҳорати сирларини қанчалик ўрганишга интилмасин, у бошқа адабий авлоднинг вакили, бошқа авлоднинг шоири эди. Шу маънода у аруз вазнида ёзган шеърларида мумтоз файласуф шоирларнинг поэтик мактабидан олган сабоқларини намойиш этса-да, вақтнинг қадрига етиши лозим бўлган ёш авлод учун ёзганида уларга яқин тил ва услубдан, поэтикадан фойдаланмайди. Вақт деган фалсафий категориянинг инсон ва замон ҳаётидаги аҳамиятини, унинг баҳосиз эканлигини содда, аммо нишонга бориб тегадиган сатрларда ифодалайди:

Сўрар экан фурсат сарҳисоб.
Бенаф ўтган
Ҳаётинг учун
Вақт олдида берурсан жавоб.

Таниқли адабиётшунос, Ўзбекистон қаҳрамони Иброҳим Ғафуров Эркин Воҳидов ижоди, унинг ноёб истеъдоди, устозларининг шоир ижодининг шаклланишида ўрни ҳақида кўп ва хўп фикрларни билдирган. “Шоирнинг илк машқларига, - деб ёзган у, – Ойбек, Ғафур Ғулом, Ғайратий, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Миртемир, Шайхзода, Зулфия, Туроб Тўла сингари адабиёт дарғаларининг назари тушган, унинг шоирлик заковати, ақл-идроки, фасоҳат туйғуси уларга янги бадиий олам кириб келганидан дарак берган эди. Ўзбек шеъриятининг толеи ва анъаналари ишончли қўлларга ўтаётганидан улар мамнуният билдирган эдилар”.

Ҳар бир инсон камол топар экан, унинг улғайишида, қобилиятини намоён этишида у яшаган тарихий муҳит катта роль ўйнайди.

Ҳар бир ижодкор ўз-ўзидан шоир ёки ёзувчи бўлиб туғилмайди. Унга, устоз ёки устозлардан ташқари, тўғри йўлни кўрсатувчи, ижодий озуқа бера олувчи адабий муҳит ҳам лозим. Э.Воҳидов тақдир туҳфаси билан ўзига муносиб устозларни топа олди, ўзининг услубига, сўзига эга бўлди. Унинг шоир сифатида шаклланишида, фалсафий дунёқарашида, XX асрнинг 60-йилларида ўзбек адабиётига дадил кириб келишида, Ғайратий, Ғафур Ғулом, М.Шайхзода, Миртемир сингари адибларимизнинг ижоди, Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган тадбирлар, матбуотда бўлиб ўтган баҳслар, ижодий сафарлар, декадалар – булар бари адабий муҳит вазифасини бажарди.



ҲИКОЯДА ТАРИХИЙ ШАХСЛАР ТАЛҚИНИ

Зебунисо АМИРҚУЛОВА

Тарих ҳақиқатини келажак авлодга етказишда бадиий асарларнинг ўрни беқиёс. Тарихий-бадиий асар тарихий фактларни ўқувчига таъсирли етказиш билан бир қаторда, унинг дунёқарашини юксалтиради. Чинакам бадиий асарлар ўтмиш воқелигини ўқувчининг наинки онгига олиб киради, балки бир вақтнинг ўзида қалбининг туб-тубига жойлайди. Халқимиз ўзининг буюк тарихига эга. Шу билан бир қаторда, жаҳон тамаддунига катта ҳисса қўшган буюк мутафаккирларни тарбиялаган халқ сифатида машҳур. Мана шундай буюк тарихимизни, ўз салоҳияти билан дунёни лол қолдирган аждодларимизнинг ибратга лойиқ ҳаёт йўлини бадиий асарлар орқали авлодлар маънавий мулкига айлантириш ёзувчи ва шоирларимиз олдида турган долзарб вазифалардандир.

Демак, тарихий ҳикояда ёзувчи мавзуга оид материалларни йиғиши ва шу материалларни узвий, хронологик кетма-кетликда боғлаб, кўзланган ғояни очиб берувчи ўқишли бадиий асар яратмоғи лозим. Айнан, мана шу бадиий тасвир тарихий асарларни тарихий воқеалар баёнидан ажратиб туради. Мазкур мақоламизда ёзувчи Шойим Бўтаевнинг “Ҳисомиддин ал-Ёғий” ҳикояси ҳақида фикр юритишга ҳаракат қиламиз. Бу асар тарихий мавзудаги ҳикоядир. Ҳикоя сюжетига кўра, Мовароуннаҳрнинг одил подшоси Алоуддин Тармаширин ва шайх Ҳисомиддин ал-Ёғий ҳикоянинг асосий образларидир. Бу икки бош образлар тарихий образлар ҳисобланади.

Буюк араб сайёҳи тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Лаватий ат-Танжий бўлган Ибн Баттута (1304-1372) ҳаётининг 28 йилини сафарга бағишлайди. У машҳур сайёҳ сифатида Шимолий ва Ғарбий Африка, Арабистон ярим ороли, Туркия, Эрон, Марказий Осиё, Ҳиндистон, Шарқий Европа, Испания, Афғонистон, Хитой каби мамлакатларда бўлган. Ва кўрган воқеа – ҳодисаларини, саёҳат таассуротларини “Саёҳатнома” номли муҳташам китобида батафсил ёзиб қолдирган. Ибн Баттута 1325 йилда Макка сафари чоғида Саҳройи Кабирни пиёда босиб ўтади ва қийинчиликларга қарамай сафарини давом эттиради. И.Крачковский (Қуръони Каримни рус тилига таржима қилган рус арабшунос олими) Ибн Баттута ҳақида: “Машҳур Ибн Баттута барча мусулмон мамлакатларини айланиб чиққан охирги буюк сайёҳ ва универсал географ-амалиётчи эди”, – деб ёзади. Сайёҳ томонидан ёзиб қолдирилган манбаларда Олтин Ўрда ва Ўрта Осиё ҳақида жуда қимматли маъ-

лумотлар келтирилган. Таниқли немис географи Р.Хенинг эса Ибн Баттутани “қадимги дунё ва ўрта асрлар билган сайёҳларнинг энг буюги”, дея эътироф этади. 1333 йил Ибн Баттута Марказий Осиёга келади. Бу даврда Термиз Чиғатой улуси тасарруфида эди. Мамлакатни мўғул хонларидан бўлган Алоуддин Тармаширин бошқарар эди. Маълумотларга кўра, Алоуддин Тармаширин 1326-1334 йилларда ҳукмронлик қилган ниҳоятда қудратли ва адолатли шоҳ сифатида донг таратган бўлиб, мўғул



хонлари орасида биринчилардан бўлиб ислом динини қабул қилган ҳукмдор саналади. Ибн Баттута Самарқанд, Бухоро, Хоразм шаҳарларида бўлади ва Султон Тармаширин қароргоҳида меҳмон бўлади. Марказий Осиёга сафари чоғида сайёҳ шайх Ҳисомиддин ал-Ёғий билан танишади ва маълум маънода унинг ҳурматини қозонади.

Ёзувчи Шойим Бўтаев юқорида биз айтган мана шу тарихий ҳақиқатни ҳикояда бадиий жиҳатдан моҳирона тасвирлаган. Ўрганишимизга кўра, Ибн Баттутанинг отаси фиқҳшунос олим бўлган. Унинг ўзи ҳам мадрасаларда фиқҳ илмидан сабоқ берган. Ҳатто Имом ал-Бухорийнинг “Ал жомеъ ас-саҳиҳ” асарини тўлиқ ўқиб, шу асосда маърузалар қилган. Буюк муҳаддис ватандошимизнинг абадий қўним топган мақбарасини зиёрат қилган. Ҳикояда эса мана шу тарихий маълумот қуйидагича тасвирланган. Чунончи: “Аввал Шайх Ҳасан ва Ҳисомиддин ал-Ёғий билан танишди.

Сайёҳ уларга отасининг ҳам фиқҳшунос бўлганлигини, ўзининг кўплаб мусулмон алломаларининг ваъзларини тинглаганлигини, ҳадисларни ёд олганлигини айтиб, баъзи масалалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиргач, лаҳза ичида дунёни бир неча марта кезиб чиқа олгулик кароматга эга иккала шайх марокашлик сайёҳ ҳам оламни фақат оёқ билан айланиб юрмаганини зоҳиран бўлмаса-да, ичдан тан олишди”. Ибн Баттута ҳаёти ҳақида тарихдан ўқиган ўқувчи ушбу лавҳада тарихий ҳақиқат мужассам эканини инкор этолмайди. Ҳикояда сайёҳ кўпни кўрган, қизиқувчан, кўрганларидан тўғри хулоса чиқара оладиган, билимли ва кенг тафаккур эгаси бўлган шахс сифатида тасвирланади. Чунки у саёҳати давомида тинимсиз ўрганди, қадами етган юртларнинг маданияти, тили, урф-одати билан танишди, ҳукмдорлари қабулида бўлади. Инсонлар тақдирини кўриб хулоса қилади, ўқиганлари билан эса қиёслашга, таққослашга ҳаракат қилади. Илм олишдан, ўрганишдан гўё бир зум тўхтамайди: “Эшикка яқин ўтирган, кўринишидан-да, кийинишидан-да бу ерликка ўхшамаган ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги ўрта бўй, катта-катта кўзларидан муғомбирликка қоришиқ ақл порлаб турган киши қалингина пўстин кийганига қарамай, ўзини совуқдан четга олаётгандек беихтиёр силжиб қўйди.

Бу одам юртма-юрт, сарҳадма-сарҳад кезиб юрган марокашлик сайёҳ эди”.

Йигирма беш йилдан кўп вақт давомида саёҳат қилган ва саёҳати давомида у “Олим-у девона, бой-у фақир, доно-ю нодон, камтар-у муттаҳам, пасткаш-у олижаноб, хасис-у сахий зотларнинг бетиним оқимидан мисли уммондек тўлқинланиб ётган шаҳар-

лардан тортиб, то таҳқирланган одамлари жоҳилликка, ёлғон даъволарга, мункирликка юз тутганликларидан ерпарчин қилинган элларгача у кўрди.”

Сайёҳ ҳаёти давомида инсонни улуғликка етакловчи, юксалтирувчи “Одамзодни ҳашаротдан инсонликка кўтарувчи биргина нарсани” қидирди. Кўрганидан ҳайратланди, яна янги жойларни кўришга ошиқди ва ниҳоят излаган нарсасини шу ерда топди. Инсон қудрати нимада?! Инсонни комилликка етакловчи сайёҳга номаълум бўлган қудрат нима?! Одамзодни ҳашаротдан фарқловчи нарса нима?!

Бу саволларга масжид имоми Ҳисомиддин ал-Ёғий ваъзларини тинглаб жавоб олар ва ҳар гал бу ваъзларни эшитиш учун қайта-қайта масжидга ташриф буюрар эди. Ҳикоя сюжетига кўра, шайх Ҳисомиддин ал-Ёғий образи асосий ўринда туради. Сайёҳ ва султон образлари эса бир-бирини инкор этмаган ҳолда шайх образи билан туташади. Ҳисомиддин ал-Ёғий султондан-да қудратли, кучли. Унинг кучи нимада эди?! Унинг кучи мустаҳкам эътиқодида ва иймонида.

Ҳикояда шайх сиймоси кучли эътиқод, мустаҳкам иймон эгаси сифатида тасвирланган. Унинг моддий бойлик билан иши йўқ, маънавий бойлик шайх учун ҳар нарсадан устун. У Аллоҳ олдида ҳаммани тенг деб ҳисоблайди. Бой-у камбағални ажратмайди. Эгнида эски чопон бўлса-да, Султоннинг марҳаматини қабул қилмайди. Чунки Аллоҳ марҳамати олдида бандасининг марҳамати ҳеч нарса эмас. У Султон қаҳридан-да қўрқмайди, чунки Аллоҳ қаҳрининг олдида бандасининг қаҳри арзимас нарсадир. Айнан, сайёҳни лол қолдирган ва инсонни ҳашаротдан-да устун қилган сифат шу эди. Иймон.

Ҳикояда шайх характери унинг нутқи орқали тўла очиб берилади. Қуйидаги парчага эътибор қаратамиз: Чопар жума номозига кечикаётган Султоннинг хабарини етказиш учун масжидга келади:

Ахийри чопар сукунатни бузишга журъати етди:

– Сизга хабар келтирдим!

Шайхнинг ўктам товуши масжид гумбазларида акс-садо берди:

– Не хабар экан?

– Сизнинг ўзингизга айтиш буюрилган.

Намозхонлар талмовсиранишди.

Шайхнинг қонсиз лабларида истеҳзоли табассум ўйнади. У озғин қўлларини олдинга чўзиб, қулоғини очди, намозхонларни бағрига босмоқчи бўлгандек бир ҳаракат-ла:

– Буларнинг бари-да менинг ўзим! – деди. Ўтирганлар енгил хўрсинишди.

“Буларнинг бари-да менинг ўзим!” шу биргина жумлада шайхнинг бутун фазилати ва табиати очиб берилган. Бу жумла орқали биз шайхнинг мустаҳкам эътиқоди билан боғлиқ икки жиҳатни кўришимиз мумкин. Биринчиси, Оллоҳ олдида мен ҳам, мамлакат бойлиги бўлган халқ ҳам бир. Ҳаммамиз Оллоҳнинг бандасимиз. Иккинчиси, одамлардан яширилган сирни барибир Оллоҳдан яшира олмаймиз. У ҳамма нарсани кўргувчидир. Мана шу икки эътиқод шайх иймонининг мустаҳкам асосидир.

“Сайёҳ завқланганидан бош чайқаб қўйди. Чопар нима қиларини билмади. Шайх буйруқ оҳангида:

– Айтаверинг! – дегач, чопар ғоз туриб, қоғоздан ўқиб бераётгандек эълон қилди:

– Соҳибқирони аъзам, улуғ ҳоқонимиз султон Алоуддин Тармаширин ҳазрати олийлари бугунги намози жумага муҳим давлат ишлари билан ушланиб қолганликлари туфайли бир оз кечикиб келишларини эълон қиладилар!

Оломон қалқди!

Бу ҳеч кўрилмаган ҳодиса эди!”

Шайх гўёки оғир аҳволда, икки ўт орасида қолди. Нима қилиш керак?! Намозни бошлай деса,Султоннинг қаҳри, бошламай деса, халойиқ ҳурмати.

“Намозни бошлаш вақти етганди. Имомликка ўтган Ҳисомиддин ал-Ёғий ноқулай аҳволда қолди, – ўйларди сайёҳ. – Ҳозир султонни кутса, намоз вақти бўлди, намозхонлар ундан ўпкалашади, кутмаса, султоннинг ғазаби...”.

Чопар остонада шайхдан жавоб кутаётгандек қимир этмай турарди. Шайх бошини кўтарди.

– Соҳибқирони аъзам, улуғ ҳоқонимиз султон Алоуддин Тармаширин ҳазрати олийларига чо-

пар жаноблари етказсинларки, – дея ҳирқироқ товушда, тантанали равишда эълон қилди шайх Ҳисомиддин ал-Ёғий, – вақт шундай ҳакамдирки, унинг қаршисида шоҳ-у гадо баробардир. Биз учун энг улуғи Аллоҳимиз буюрганидир!" Шайх имомликка ўтди . Бу сўзлар Ҳисомиддин ал-Ёғий образининг барча характер қирраларини тўлиқ очиб беради. Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш лозимки, бадиий асарларда зиддиятли, муаммоли вазиятлар асарнинг қизиқарлилигини таъминлайди ва ўқувчининг диққатини ўзига жалб қилади. Ҳикояда ҳам бир неча ўринда бундай ҳолатларни кузатиш мумкин. Бу билан муаллиф ҳикоя таъсирчанлигини оширишга эришган.

Ҳикояда ёзувчи ҳар бир детал орқали образлар характерини очиб беришга ҳаракат қилади. Қаҳрамонларнинг кийимлари, теварак-атроф тасвири, персонажлар нутқи, барча-барчаси асар таъсирчанлигини ошириш билан бир қаторда ёзувчи асардан кўзлаган ғоянинг очиб берилишини таъминлайди. Қуйидаги парчада ҳам буни яққол кўриш мумкин: "Ҳамма ўз тоат-ибодати билан машғул, ўқтин-ўқтин, шайхнинг елкаларига назар ташлаб қўйишарди.

Жанда қабонигина базўр кўтариб тургандай кўринган шайхнинг озғин елкаларида кишини беихтиёр ўзига жазм этувчи, кўзини олиб қочувчи алланарсалар бор эди.

Унга иқтидо қилувчилар ҳар доимги намоздан кейин бир-бирларига кўпинча:

– Имомимизнинг елкаларида ҳамиша фаришталар ўтиради-я, кишини ўзига қаратиб олаверади, - дер эдилар". Бундан маълум бўладики, Ҳисомиддин ал-Ёғий эл орасида ўз ҳурматини топган, қозонган шахс. У инсонлар ва Аллоҳ ўртасида имомликка лойиқ шахс. Одамлар шайхга иқтидо қилар эканлар, унинг кичик жуссасида буюк бир иймонни ва матонатни кўрадилар. Ихлос билан унга эргашадилар ва чин дилдан ҳурмат қиладилар. Шайхнинг қудрати ҳам шунда. Ҳикоя бошидаги масжид ва ундаги одамларнинг таърифига эътибор берадиган бўлсак, халқнинг шайхга чексиз ҳурматини кўриш мумкин. Ҳатто бу масжидда намоз ўқиш учун узоқ-узоқлардан одамларнинг атай қадам ранжида қилишида ҳам, энг аввало, шайхнинг таъсири катта. Ҳикояда ёзувчи шайхнинг характери ва ички дунёси ҳақида кўп гапирмайди. Унинг кийиниши, оддий халқнинг унга муносабати орқали шайхнинг аслида қандай одам эканлигини билиш мумкин. Хулоса эса ўқувчи диққатига ҳавола қилинади.

Шу ўринда Алоуддин Тармаширин образи ҳам асарда асосий образ ҳисобланади. Алоуддин Тармаширин тарихий образ. Юқорида таъкидлаб айтганидек, Алоуддин Тармаширин Чиғатой улуси ҳукмдори бўлиб, 1326-1334 йилларда Мовароуннаҳрни бошқарган. Тармаширин ёшлигида буддавийча Дармашила – "дҳарма", яъни "Будда қонунига итоат этувчи" номи билан аталган. У мўғул хонлари орасида биринчилардан бўлиб ислом динини қабул қилган ва мусулмонлар орасида Алоуддин дея аталган. Султоннинг исломни қабул қилиши, кўчманчилар анъанасини бузиб шаҳарда яшаши салтанат шарқидаги Еттисув ва Иссиқкўл бўйида яшовчи кўчманчи мўғулларнинг норозилигига сабаб бўлган. Натижада эса кўчманчи мўғуллар қўзғолон кўтарадилар ва Тармаширинни ўлдиради. Тармаширин тарихда ўз қудрати билан ном қозонган. "Ҳисомиддин ал-Ёғий" ҳикоясида муаллиф мана шу қудратли Султон образини адолатли ҳукмдор сифатида маҳорат билан тасвирлайди.

Ибн Баттута унинг саройида меҳмон бўлар экан, Султонга ҳурмати ошди. Нима сабабдан у бу даражада қудрат эгаси эканлигини кашф этди. Ҳикояда Султон образи адолатли, халқпарвар ва тафаккури теран шахс, буюк сиймо сифатида тасвирланади. Унинг қалби уйғоқ. Унинг бу каби хислатларини қуйидаги парчани ўқиб ўранишнинг ўзи кифоядир.

Ҳикояда Алоуддин Тармаширин характеридаги кескин ўзгаришларга гувоҳ бўламиз. Биринчи ҳолатда Алоуддин Тармаширинни масжидда бутунлай қалбини Яратганга топширган, ўз камчиликларини ўзи таҳлил қила оладиган, раиятпарвар ва адолатли инсон сифатида кўриш мумкин бўлса, иккинчи ҳолатда эса таклифини қабул қилмаган шайхга нисбатан ғазаб ва ўч олишни истаган Султонга айланади. Чунки биринчи ҳолатда ҳукмдор "Ўзларининг вақтинчалик куч ва мансабларини суиистеъмол этиб, шулардан фойдаланиб, халққа жабр-зулм ўтказувчилар,

албатта, қиёматда эмас, бу ҳаётнинг ўзида ҳам жавоб беришларини, улар ўзларини халққа яхшилик ва меҳр-мурувватда бўлгандай кўрсатиб, ёинки ҳақиқатдан ҳам ўзларининг қандай аҳволда, равиш-рафторда эканликларини билмасларидан халққа яхшилик қилиб, меҳр-мурувват кўрсатяпман, деб астойдил ишонишлари, бу уларнинг сўқирликлари белгиси эканлиги, шу туфайли орттирган гуноҳлари яна чандон ортишини, бундай тилидан бол-,у қўлидан қон оққан золимлар бу дунёнинг энг жирканч махлуқлари эканини эслатаётган шайх ҳузурида эди. Бу ерда у шайх тутаётган ойнада ўзини кўраётган эди. Иккинчи ҳолатда эса ҳукмдор атрофини манфаатпараст, лаганбардор, руҳдан мосуво ва фақат қорин учун яшайдиган кимсалар ўраб олган эди.

Муаллиф ушбу икки ҳолатни шундай моҳирлик билан тасвирлайдики, Алоуддин Тармаширин образи ўқувчи кўз ўнгида бор бўйича тўла намоён бўлади.

Султоннинг зиёфатга таклифини шайх Ҳисомиддин ал-Ёғий "– Подшоҳнинг зиёфати хос кишилар учун ҳаром. Унинг қилаётган хайр-у эҳсонлари оломон учундир, чунки оломон шундай нарсаларга ўч, шу туфайли унинг барча гуноҳларини кечириб юбораверади. Лекин Аллоҳ кечирмайди, хос кишилар ҳаммавақт итлар олдига ташланадиган суякка ижирғаниб қарайдилар. Шу сабабли, ўзлари фақир бўлсалар-да, ҳеч қачон ҳеч кимга бош эгмайдилар. Султонга етказингки, шу боис мен ўрдага боролмайман, ҳаром киймайман, ҳаром емайман деб, эллик йил бурун Аллоҳга қасам ичгандирман", – дея рад этади. Алоуддин Тармаширин эса бу рад жавобидан жаҳли чиқса-да, шайхга нисбатан ҳеч қандай чора кўрмади. Шайх ҳақ эди ва Султон адолат кўзи билан унинг ҳақлигини кўрар ва тан олган эди. Зиёфатда "олдидаги товоқда турган сергўшт каттакон иликни олди-да, кескин бир ҳаракат-ла пастга томон улоқтирди:

– Қани ушланглар!

Пастдагилар эсанкираб-довдираб қолишди. Султон улоқтирган суякнинг ерга тушиши унинг кайфиятини баттар ёмонлашувига баҳона бўлиши мумкинлигини ҳамма яхши англаб турган эди.

Тўрт-бешта амалдорлар гавдаларига номуносиб ҳолда чаққонлик билан ҳаракат қилдилар. Улар ҳаволаб келаётган суякка қўлларини чўзганча, ўзларини отдилар. Суяк битта эди, шу боис уларнинг бирига насиб этди, лекин барчалари суякка эга бўлгандек қувондилар, уларгина эмас, даврадагиларнинг барчаси қийқириб юбордилар."

Бу ҳолатни кузатиб турган сайёҳга Султон беҳисоб совға-саломлар ҳадя этар экан: – Сизнинг оёғингиз ҳали дунёнинг кўп давлатларига етади. Улар, албатта, биз ҳақимизда сўрашади. Сиз уларга бизнинг мамлакатимиз ҳақида сўзлаётганда у ерда ўз Султонининг таклифини ҳам рад қила оладиган қудратли одамлар бор экан, деб айтинг. Улар у одамларнинг қудрати нимада экан, деб сўрашса, ҳалолликлари ва тантиликларида экан, деб айтинг. Шуларни айтсангиз, бизнинг буюклигимиз ва кучимиз ҳақида халқларнинг ўзлари хулоса чиқариб олишаверади,- деди. Мана шу ўринда айтиш мумкинки, Султон қудрати унинг адолатида, тантилигида ва халқпарварлигида. Ҳукмдор мақтовларнинг "ширин оғу" эканини теран англаган. Ҳозир унга энг қаттиқ қарсак чалганлар эртага ҳаммадан олдин хиёнат қилишини билади. Шу сабабдан ҳам шайх ва Султонни гўё кўзга кўринмас иплар боғлаб туради. Сайёҳнинг хаёлларини паришон, унинг бу ўлкага меҳр-муҳаббатини оширган нарса ҳам, айнан, шу каби муносабатлар эди.

Сайёҳ зиёфатдан турибоқ йўлга тушди. Унинг хаёлини сертўлқин уммонлар, номаълум шаҳарлар-у мамлакатлар безовта қилгани қилган эди. Ҳақиқатдан ҳам, бу тиниб-тинчимас одамнинг оёғи дунёнинг энг чекка сарҳадларигача етиб борди. Қаерда бўлмасин, ўша кўрганларини бот-бот эслаб, ровийлардек ривоят қилиб юрди марокашлик сайёҳ Ибн Баттута.

Хулоса шуки, ушбу ҳикояда адолат, иймон-эътиқод, ҳалоллик ва поклик каби туйғулар улуғланади. Ёзувчининг маҳорати шундаки, у тарихий факт, далиллар асосида бадиий етук ва улуғвор асар ярата олган.

ТАФАККУР КАРВОНИНИНГ ҚЎНҒИРОҒИ ДУНЁНИ УЙҒОТАР

Зулфия МЎМИНОВА,
шоира.



Оламдаги барча орзуманд инсонлар қаторида ҳаётимнинг энг ёруғ кунлари илк китоб олиб ўқий бошлаган пайтимда бошланган, деб ҳисоблайман. Энди нима яхшию, нима ёмон, нима зараррлию, нима зарарсиз, нима хатарсиз-, нима хатарли каби саволларга жавоб излай бошланган лаҳзаларимдаёқ, китоб – яхши, деб менга тушунтирдилар.

Кейинчалик китоб – муқаддас, дея уқтиришди. Бора-бора мен китобни дўст деб тан олдим. Яхши китоб ўзингга билдирмай, беминнат, бетаъма тарбиялаб боради. Ноёб инсоний фазилатлардан бири фаросат бўладиган бўлса, китоб шу ноёб гавҳарни боғбон каби эҳтиётлаб парваришлайди.

Йигирма ёшимдан олдин ўқиган китобларимни, ўттиз ёшдан ошганимда бошқатдан ўқиб чиқа бошладим. Онгу-шууримда бутунлай янгича ҳис-туйғулар уйғотди. Энди чуқурроқ тушунгандай бўлдим, ёзувчи дардини ўз ёшида, яъни қирқ ёшда ёзган бўлса, у асарнинг ўқувчиси ҳам ўша ёшда бўлсагина асар ўқувчига яққол тушунарли бўлар экан.

Дунё адабиёт аҳли тан олган машҳур ёзувчилардан бири – қирғиз адиби Чингиз Айтматов асарларини қайта-қайта ўқир эканман, китоб деган мўъжизани яна қайта ўқимоқ имкони нақадар зарур эканини англаб етдим. Улуғ адибимиз Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарини йигирма ёшда ўқиганимдан кўра қирқ

ёшда ўқиганим янада тушунарли бўлди, десам муболаға эмас.

Рус деҳқони қалбининг моҳир мусаввири – Лев Николаевич Толстой асарларини ҳар уч йилда қайта ўқишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман,зеро, такрор ўқиш сени ёзувчига, қолаверса, инсониятга яқинлаштираверар экан.

Бу кичкина ҳаётий тажрибамдан англаганим шу бўлдики, назаримда, инсон 30 ёшдан ошгач ҳар куни нимадир ўқишни шарт ва зарурий эҳтиёж деб билмоғи лозим.

Ўттиз ёшдан кейин одам китобларни фарқлай борар экан. Қайсини ўқиш керагу қайсисини шунчаки варақламоқ етарли.

Кўз югуртирмоқ, варақлаб чиқмоқ, ўқимоқ ва уқмоқ, – деган сўзлар бор. Зеро, ўттиз ёшдан кейингина ҳаққоний ўқий бошлайсиз, уқий бошлайсиз экан. Ҳеч ким ҳеч кимга мана бу ёшда китобни мана бундоқ ўқимоқ лозим, деб айта олмайди. Чунки китоб ўқимоқ ҳам тақдир насиб этадиган нурли, таъбир жоиз бўлса, илоҳий лаҳзалар деган бўлар эдим. Китоб ўқиётган одам – сув ичаётган одам кабидир. Зотан, сув ичаётган одамга тегиб бўлмайди. Кўп ўқиган одамнинг шунча кўп қалб булоқлари очилади. Бу булоқлар оқиб-оқиб авлоддан-авлодга ўтадиган маънавий бойлик, ҳеч тугамайдиган, кетмайдиган давлат. Инсоният яралганидан буён зиёга, маърифатга интилиб яшайди. Оламнинг барча эзгуликлари китоб аталмиш мўъжизавий куч атрофида айланади.

Мен китобни секин ўқийман. Бу деганим, масалан, қўлимда Шукшиннинг китоби турган бўлса, унинг ҳикоялари билан баъзан бутун бир фасл бирга яшайман. Бирга куламан, бирга йиғлайман. Бир неча ҳафталаб ёзувчи маҳоратидан завқланиб юраман. Шунинг учун бошқа китоб ва бошқа муаллиф билан суҳбатлаша олмайман. Бу қўпол қилиб айтганда бир китоб таассуротларини "ҳазм" қилиб олишим учун ҳам вақт керак бўлади. Тез-тез "секин" китоб ўқиётганимдан норози бўлиб тураман. Бу орада соғинган шоирларимнинг соғинган шеърларини қайта-қайта ўқийман.

* * *

Кўп китоб ўқиб ундаги фикрлардан унумли фойдаланмайдиган, уларни ҳаётга татбиқ этмайдиган одамни ҳам, китоб йиғиб на ўзи ўқиб ва на бировга берадиган, йиққан китоблари билан бировларга мақтанишдан бошқа иш қўлидан келмайдиган фақатгина "Кўриб қўйинглар, менинг шунча китобим бор, мен бошқалардан илғор ва маърифатли одамман", деб юрганларни ҳам кўрдим. Бундайлар ҳамма замонларда бўлган, бундай кейин ҳам бўлиши табиий. Ҳаётий мисол сифатида болалигимга қайтиб ўзим гувоҳ бўлган бир ҳикояни келтириб ўтмоқчиман.

Қишлоғимиздан шаҳарга иш излаб чиқиб кетган Салом ака йиллар ўтиб икки нафар фарзандли бўлгач, оиласи билан яна қишлоққа қайтиб келди. Салом аканинг аёли шаҳарлик бўлгани учунми ҳеч ким билан гаплашмасди. Отасидан қолган эски уйини таъмирлаб, кўчиб келганида биз болалар уларнинг китобларини ташишиб юборганмиз. Ўшанда мен битта аёлнинг шунча кўп китоби борлигини кўриб ҳайратдан "қотиб" қолганман.

Менинг эс-ҳушим ўша шаҳардан келган аёл ва унинг китобла-

рида бўлиб қолган эди. Эрталаб мактабга кетаётганимда ҳам, келаётганимда ҳам деразасидан қарасам, у китоб ўқиб ўтирган бўлар эди. Қисқа вақт ичида бутун қишлоқ Салом аканинг фақат китоб ўқиб ўтирадиган хотини ҳақида салбий фикрлар айта бошлади. "Шаҳарда бу аёлнинг болаларига онаси қарар экан, ўзи эса бола тарбиясини ҳам билмас экан, қишлоқ шароитига умуман кўника олмабди, энг ачинарлиси эса чақалоқни боқа олмасдан ўлдириб қўйибди. Уйқусининг қаттиқлигидан, эри буғдой ўримига кетганда кечаси билан бола йиғисини ҳам эшитмабди," деган гап-сўзлар урчиб кетди. Бу каби шов-шувлар китоби кўп аёлнинг обрўсини тушириб юборди. Кунлардан бир кун аёл катта болаcини қолдириб, Салом акани ҳам ташлаб, китобларини олиб яна ўша шаҳарига қараб кетиб қолди.

Бу воқеа сабаб бўлиб, қишлоқ қизларини оналари бошқача тергайдиган бўлишди, яъни "Фақат китоб ўқиб ҳаётни ўргансанг, одам бўлмайсан, сенларга Саломнинг хотини дарс бўлсин", "Ўқиб, ким бўласан, Саломни хотинидек бўлмасанми?" ... Хуллас, китоб ўқиган қиз, бор-бора "китоб жинниси" бўлиб қолар экан, деган фикр ҳамқишлоқларимиз хаёлидан кўтарилгунча биз қишлоқ қизлари катталардан бекитиб китоб ўқиш усулини ўйлаб топганмиз.

Китобларни бекитиб сигир боқишга олиб кетардик. Адирга бормаган кунларда эса тушлик вақти, саратоннинг иссиғида боғнинг тўридаги олма дарахтининг шохига ўтириб олиб китоб ўқийдиган йўлини топиб олдим. Қайси асар эканлиги ёдимда йўқ, аммо қизиқ жойи келганда роса кулганман, кулгим орқали момом мени топиб олиб, "Қизим китоб жинниси бўлиб, қолди", деб қўрққанидан мени дарахтдан тушириб олиб, бағрига босиб, ариқ олдига олиб бориб, сув ичириб, юзларимни ювдириб, роса оҳ-воҳ қилганлар. Эҳ, шунда қанча вақт китобсиз яшашга тўғри келган. Барибир яна отамнинг меҳрибонлиги туфайли менга китоб ўқишга рухсат берилган.

* * *

Истиқлол шарофати билан миллий қадриятларимизга бўлган эътибор туфайли ўзбек китобхоналарининг сафи кўпайди. "Китобхонликнинг бугунги аҳволи қандай?" деган саволга мен "яхши" деб жавоб берган бўлар эдим. Сабаби, бугунги кун ўзбек китобхони нимани ўқиш кераклигини англаб бормоқда. Энг муҳими, ёшларимиз зарарли "китоб" ва "китобча"лардан, турли маънисиз ёзмалардан қаттиқ ҳимояланган. Бу жуда ёруғ йўлга элтувчи ҳидоятдир. Бугуннинг ўзбек китобхони китобларни ўқиб ҳақиқатга ошно бўлмоқда.

Мен шоираман. Китоблар тафаккур уммонида кезиб юрган ноёб кемалар экан, бу кемаларнинг манзиллари шак-шубҳасиз башарият қалбидир. Менинг ёзганларимни ўқиб кимлардир унда ўзини кўрса, "мени ёзибсиз, сизнинг туйғуларингиз менга ўхшаш экан, шу кунларга етказганига шукур" – деса, менинг бахтим шунда. Кимдир келиб, "Сизнинг шеърларингизни онам яхши кўрарди", деса, кимдир "Фермер акам китобингизни топиб келтир" деган, деб турса, кимдир янги туғилган чақалоғига "Шоир бўлсин" деб, менинг исмимни қўйиш учун розилик сўраб келса, шоирлигимнинг маъниси ҳам ана шунда!

ОНАМ ХАЁЛИДАГИ ИХТИРО

Қурбон ЭШМАТ



Ёшликда шўх, ғўр, қулоқсиз, салгина тўполончи, қайсар бўлганимдан онамдан кўп калтак ердим. Ақлсизликданми, эркаликданми онамни сансираб чақирардим. Оқ-қорани сал-пал айира бошлаганимдан кейин онамга бошқача меҳр қўйдим. Акаларим дўқ уришса ёки жиғимга тегишса онамга айтаман, деб улғайдим. Отам вафот этганларидан кейин мутлоқ онамга суяниб қолдим. Ҳануз раҳматли онамнинг калтаги зарбини ҳузурланиб, қўмсаб яшайман. Чунки онам одам бўлгин, деб урарди, сени яхши кўраман, деб урарди. Беғараз урарди. Авайлаб урарди, меҳр билан урарди. Қучоқлаб, йиғлаб урарди. Шунда онамнинг кўз ёшларини кир-чанг қўлларим билан артиб қўйсам, у шодлана-шодлана урарди. Онамнинг калтаклашидан енгил тортардим...

Дала ҳовлимизда ўн тупдан зиёд 150-200 ёшдаги ёнғоқларимиз бўларди. Онам эпчил аёл бўлгани учун толнинг уч-тўрт метрли шохидан тайёрланган ходани олиб, ёнғоқ дарахтига чиқарди. Бор ҳосилни хода билан уриб тушираради. Ёнғоқ шу-

нақанги тоза қоқилардики, бор донаси ҳам шохида қолмасди. Ерга дув тўкилган ёнғоқ ҳосили териб олиниб, қуритишга ёйиб қўйиларди. Кунда, кунора такрорланарди бу юмуш. Лекин қишлоғимизда ёнғоқни қоқиш билан боғлиқ бир фалокат рўй бердию тинчим бузилди.

Каттаю кичикнинг қалбидан жой олган Ёдгор полвон деган бўларди. Келбатли, кураги ерга тегмаганидан исмига полвон сўзининг қўшиб айтилиши раҳматли Ёдгор полвонга жуда ярашарди. У одам полвонларга хос босиқ, мард ва содда эди.

Соддалиги унинг Шомир деган укаси ҳарбий бўлган. Меҳнат таътилида ҳар йили акасиникига борадиган укадан Ёдгор полвон гурунг чоғида сўрайди.

– Шомиржон, кўкрагингда юздан зиёд юлдузли, юлдузсиз темирлар бор. Тошкентда сани ҳамма таниса керак-а?

Ҳарбий уканинг бир мақтангиси келиб қолади.

– Одамларни қўяверинг, ҳатто итлар ҳам танийди мени Тошкентда.

Шу билан савол-жавоб тугайди. Меҳмондорчилик эса авжига чиқади. Бўлган гап шу. Лекин Ёдгор полвонга бу мақтаниш таъсир қилади. Обрў эътиборли, эл-юрт танийдиган укаси баҳона Тошкентни кўргиси келиб қолади. Шу мақсадда "Китоб-Тошкент" поездига чиқади. Шунда "проводник"ларга укаси Шомирни кўргани кетаётганини айтади. "Проводник"лар софдил, дўлвор одамни кўк чой билан сийлашади. Келинг, келинглаб ҳурматини жойига қўйишади. Бу мулозаматларни полвон укасининг обрўсига йўяди.

Эрталаб Тошкентга етиб келган Ёдгор полвон укасига олган совға-саломларни елкасига ташлаб, поезддан тушади. Йўловчиларга эргашиб вокзалдан ташқарига чиқади. Қараса бўш такси турган экан. Юкни юкхонага жойлаштирган ҳайдовчи озроқ юргач Ёдгор полвондан сўрайди.

– Шопайзга дедиза амаки?

Ёдгор полвон ҳайдовчи томон ўгирилади.

– Шопайз-мопайизингни танимайман. Мани Шомирникига олиб бор.

Ҳайдовчи шоша-пиша тормозни босади...

Қолган икир-чикирларни айтиб ўтирмаймиз. Хуллас Ёдгор полвони тушмагур шу тарзда укасининг уйини қидиради. Аммо тополмайди. Укаси шўхлик қилганини билади. Кейин сўкина-сўкина охирги пулига билет олиб, зўрға қишлоққа етиб олади.

Ана шундай ҳокисор инсон чорбоғидаги ёнғоқни қоқа туриб йигирма, ўттиз метрли дарахт шохидан тушиб кетади. Оқибатда касалхонага етмай вафот этади. Бундан қишлоқдошларимиз ларзага тушади. Улар орасида мен ҳам бор эдим. Онам эртага ёнғоққа чиқиб, мевасини қоқаман, десалар бўлди. Қўрқувга тушардим. Бироқ онамга билдирмасдим. Индамай ўқишга кетардим.

Мактабимиз баландликда эди. Танаффус бўлиши билан мактабдан юз эллик метрлар наридаги Мурод хола, Нор ака

деган одамларнинг уйи томон чопаман. Чунки у ердан ёнғоқларимиз кўриниб туради. Чорбоғимиз томон тикиламан. Қулоғимга ходанинг дарахт шохларига урилган овози келади. Бу онам. У ёнғоқ қоқаяпти. Демак, онам дарахтдан тушиб кетмаган. Дунё топган тентакка ўхшаб синфимга қайтаман. Кейинги танаффусда ҳам шу. Баъзан ёнғоқни сарамжонлаб бўлган онам, сигирларни ўтлатаётган бўлади. Ҳаммаси жойида. Мендан бахтли бола йўқ.

Гулчеҳра Раҳматова деган синфдошим бўлардим (Жойи жаннатда бўлсин). У билан партада ёнма-ён ўтирардик. Танаффус пайтида гум бўлиб қолишим сабабини у биларди. Бир куни онамга айтиб берибди. Шунда онам бошимни бағрига босиб қулоғимга пичирлаган: "Яхши ўқисанг ёнғоқ мевасини ўзи қоқадиган калтак (таёқ) яратасан. Шунда онанг дарахтга ҳам чиқмайди, ундан тушиб ҳам кетмайди".

ВАФОДОР СУЛЛОН

Эрига сўзини ўтказолмаган Хумор ноилож рози бўлди.

– Эсон-омон бориб келинг, дадаси. Аслида шу бугун уйда қолсангиз бўларди. Негадир кўнглим хижил. Борсангиз ҳам кўп ҳаялламанг...

Аёлининг жаврашидан Жўрақул таажжубланди:

– Сан, нима, мани урушга жўнатаётибсанми? Борманг дейсан, тез қайт, дейсан.

– Айтдиму, оқшом босинқираб чиқдим. Тушимда...

– Йиғиштир туш-пушингни. Ундан кўра дўконнинг у ёқ, бу ёғини супуриб қўй. Иложи бўлса номозшомни мўлжаллаб шўрва ос. Мол олиб келадиган шопирларниям ҳисобга ол.

Жўрақул гапини тугатар-тугатмас уйнинг содиқ қўриқчиси – Суллон пайдо бўлди.

Жўрақул итига жуда меҳр қўйганди...

Уч йиллар бурун эди. Жўрақул Офтобрўя қишлоғида яшовчи паррандабоқар Валининг уйига танишлари билан меҳмонга борди. Улар миниб келган "Виллис" машинаси товуқхонанинг ёнида тўхтар-тўхтамас осмондан тушдими, ердан чиқдими – бир олапар ит машинага ташланди. Унинг важоҳати шунчалар қўрқинчли эдики, таърифлаб бўлмасди. Ит шашт билан машинага отилгани бир бўлди, тўхтаб турган "Виллис" нинг балонини тишлаб ташлагани бир бўлди. Уй эгаси ҳай-ҳайлаб кўчага чиққунча меҳмонлар шу алфозда "қамалда" қолишди.

– Узр, огоҳлантирмабман. Бу итим шунақа. Ҳатто бегона қушниям қўймайди. Мен бас, тегма деганимдан кейин эса мушукка ҳам озор бермайди. Чунки у тоғда боқиладиган отаримизни қўриқлашга ўрганган. Шу чоққача отарга ҳужум қилган нечта бўри бўлса, ҳаммасини тинчитган. Булар бўрибосарда...

Вали гапини тугатар-тугатмас Жўрақул унинг кийимидан тортиб, четга имлади.

– Жон ака, шу ит туғса, битта кучук боласини беринг!

Вали меҳмоннинг раъйини қайтармади. Ўша йилиёқ Ола-

парнинг дўмбоқ, икки оёғида суллон белгиси бор боласини ошнасига ҳадя этди. Шу зайлда Суллон Чунгурак қишлоғининг дўкон мудири Жўрақулнинг уйига келиб қолди. Итнинг зийраклиги, лапанглаб юриши хонадон аҳлининг меҳрини қозонди. Айниқса, Жўрақул унга содиқ дўст мисол ёндошди. Вақт топди дегунча атрофига парвона бўлди. Ўйнатди, эркалатди... Буни жонивор ҳам сезар, шу боис овозини эшитди, эгасини кўрди дегунча ўйноқлаб суйкалаверарди. Бу гал эса Суллон негадир ғалати эди. Илгаридек ўйноқламади, эркаланмади. Эгасининг оёқларини ҳидлаган бўлди-да, сўнг унинг йўлини тўсиб, ётиб олди. Итининг қилиғи шошиб турган Жўрақулга ёқмади.

– Тур, жойингга бор. Тур дедим!

Суллон пинагини бузмади. Кўзларини жавдиратганча ётаверди. Шунда ноилож қолган Жўрақул биринчи марта итининг устидан ҳатлаб ўтди. Бу ҳолат ўзигаям асар қилди, шекилли, Жўрақул дарвозадан чиқаркан, ортига бурилди. Ҳамон йўлакда чўзилиб ётган Суллонга қараркан, беихтиёр кўзи айвонда қолган аёлининг билдириб-билдирмай йиғлаётганига тушдию юрагини қора булут қоплагандай бўлди. Нега бундайлигидан ҳайрон эди ўзиям. Ахир, доимий қиладиган иши-ку. Тумандаги савдо базасидан мол олиб келади. Сотади. Яна боради. У дўконда ишлаётган пайт – ўн йилдан бери шу аҳвол. Лекин бугун негадир – ғалатироқми-ей. Эътибор берса, ўзининг ҳам оёғи тортмаётгандай. Аммо бормаса, бўлмайди. Эрта-индин ёмғир, қор ёғса тоғ йўллари ёпилиб қолади. Ҳамқишлоқлари – чунгуракликларга ун, ёғ керак. Қиш қаттиқ келсами... Бундан ташқари кечиккани баҳона бўлиб базадагилар ҳам ўйин қилади. Мол беришни пайсалга солади.

Хуллас, Жўрақул аёлининг зорланишини кейинги вақтларда мол-буюм деб уйида кам бўлишига, Суллоннинг қилиғини шунчаки бир ҳол, йўлга оёғи тортмаганини чарчаганига йўйди-ю, туман маркази томон шошганича жўнади.

Пича толиққан, пича ўйга толган дўкон мудири матлубот жамиятининг омборига кирганда пешин эди. Ҳужжатлар тайёр бўлгач, машинани тўлдириб қанд-қурс юклади. Кийим-бош, озиқ-овқат олди. Қош қорая-қораймас ортга қайтди...

Ўша маҳал қишлоқда ҳам ҳаёт сокин давом этарди. Эшик-ҳовлини супуриб-сидирган Хумор пода келар маҳал ўчоққа қозонни илди, тунов кун сўйилган қўй гўштидан шўрва осди.

“Дадаси молнинг тўшини ёқтиради. Унданам бир бўлак қўшай. Тағин кўнгилларига келмасин”, деб ўйлади, Жўрақулнинг аёли.

У хаёлига келганини қилгач, кўнгли анча таскин топди. Подадан қайтган сигирини соғиб, сутини кадига қуйди. Сўнг меҳмонхонага дастурхон ёзиб, хонтахта устига ул-булларни қўйди.

Ишни битиргач, бир пас ҳамсоясиникига чиқиб, кўнгил ёзмоқчи бўлди.

Шу топда қўшнининг уйидан отнинг кишнагани эшитилди. Кишига хуш ёқувчи бу овоздан Хумор юраги шув этиб кетди. Ўзини ишга овунтириб, бир бало қилиб чалғигани – оқшомда кўрган туши кўз олдига келди.

"Тепаликдан эниб келган оқ от боғда сайр қилиб юрган эр-хотиннинг ёнига келиб тўхтабди.

– Миниб сайр қиламизми? – сўрармиш Жўрақул.

– Эгар-жабдуғи бўлмагач қандай бўларкан?! Яхшиси, юринг пиёда кетамиз, – дермиш аёли.

Хумор гапи тугар-тугамас оқ от ёли билан Жўрақулни устига миндирибди. У қанча уринмасин туширмасмиш. Зум ўтмай от ҳам, Жўрақул ҳам юлдузлар ичига сингиб кетганмиш".

– Улар юлдузлар томон кетишган бўлса, эринг юқорига кўтариларми дейман, балам.

– Тўғри айтасиз, хола – қўшни кампирнинг айтганини тасдиқлади Хумор. – Сал олдинроқ у кишини ревизорликка чақиришаётган эди.

– Ана айтдим-ку санга. Эринг катта бўлади деб.

Кампирнинг далдасидан Хумор хотиржам тортди. Қош қорайгунча қўшнилар ўтган-кетгандан суҳбатлашдилар.

– Энди бора қолай, холажон, дея ўрнидан қўзғалмоқчи бўлди Хумор. — Ҳали- замон ҳамсоянгиз ҳам келиб қоладилар. Сиз ҳам уйга келинг. Бир косадан иссиқ шўрва ичамиз.

Қўшни кампир узундан-узоқ дуо ўқиганча қолди.

Қоронғулик қуюқлашган сари Хумор юраги сиқилаверди. Ташқарига чиқди, уйга кирди. Узоқдан ёруғлик кўринса, эри дўконга юк олиб келаётган машина яқинлашгандек туюлаверди. Кўнглига чироқ ёқса ёришмайдиган бўлиб турибди-ю, Суллон этагидан тортқилайди.

Негадир "ув" тортиб ғингшийди.

– Сан бир балони сезмаган бўлсанг гўргайди, Суллон. Ҳеч бундай безовта бўлмасдинг.

Ишқилиб яхшиликка бўлсин-да.

Хумор шундан кейин ўзича итни эркалади, бошини силаб-сийпади, сўнг ҳар доимгидек итнинг ялоғига дош солди. Суллон эса барибир безовта эди. У ғингший, ғингший ҳовлини у ёқ бу ёғига чопди. Кейин югуриб дарвозадан чиқди. Ит ўқдай учиб кетди шекилли, ҳатто Хумор ҳам илғай олмади. Билгани шуки ит зум ўтмай кўздан ғойиб бўлди.

* * *

Тонг кимларгадир шукуҳ, кимгадир ғусса юклаб отди ўша кун. Тун бўйи ухламаган Хумор фарёд чекиб уйғонди. Бечоранинг бағрини тимдалаб кетди эшитгани – нохуш хабар.

– Ўлай ман, юбормасам бўларди-ку!..

У сочини юлди, юзини тимдалади. Ўз ёғига ўзи қовурилди.

Ҳаёт шафқатсизлигини исботлаб бўлган эди. Яқинлари машина тўқнашуви оқибатида шаҳид кетган Жўрақулнинг жасадини келтиргани бораётиб, воқеа жойи – Шаҳрисабз – Мираки йўналишидан ўтдилар. Ўша ерда тиллари соқов, кўзлар сўқир бўлиб қолди. Автоҳалокат жойида Жўрақулнинг ити – Суллон эгасининг қони тўкилган асфальт устига бош қўйганча мунгсиз ётарди.

Фалокат ва унинг тафсилоти узоқ, яқин қишлоқларга тезда ёйилди. Салкам олтмиш чақирим жойдан келиб, эгаси қонини топиб олган вафодор ит ҳақида овоза тарқади. Биров қизиқиб, кимдир ажабланиб, Суллон ётган жойга талпинди. Шу тариқа итни кўриб кетувчилар сони кўпайди. Аммо Суллон уларга парво қилмас, ҳар замон ҳазин "ув" тортиб, қўярди. Ҳолдан тойган итнинг қон изидан қорайиб қолган бир парча ерга бош қўйиб ғингшиши унча-мунча юракни ситиб юборарди.

– Қани, болаларим, мани ўтказиб юборийла-чи.

Оппоқ соқолли қарияга йиғилганлар йўл очишди. Қария марҳум ҳақига Қуръон тиловат қилди. Кейин итни силаб-сийпади.

– Фақат тилинг йўқ сани жонивор, тилинг йўқ.

Қария туртиниб-суртиниб уйидан ўзи ясаб келтирган – тахта "уйча"га Суллонни элтиб ётқизди. Олдига овқат қўйди. Аммо Суллон уйчада турмади. Тезда изига – илгариги жойига борди. Қорайган асфальтни қайта-қайта ҳидлади. Бемажол, нурсиз кўзларини ён-веридагиларга тикди-да, қон тўкилган жойга кўксини босди.

...Кузнинг изғирини эт-этга санчиларди. Тинимсиз ёққан ёмғир қорга айланди. Сулланга ичи ачиган йўловчилар охир-оқибат уйчани итнинг устига ўрнатиб қўйдилар.

Орадан кунлар ўтди. Эгасининг шаҳид жойини макон этган Суллон озиб-тўзиб кетди. На гўшт, на нон, на сувдан тотимади. Ўтган ҳам, қайтган ҳам унга ҳамдард эди. Кўрганлар борки бир зум тўхтарди. Итнинг ҳолатини кўриб ғамга ботарди. Раҳми келарди. Баъзилар унга қўшилиб йиғларди.

Куннинг изини тун қувди. Яна тонг отди. Қишнинг қировли кунлари бошланди. Бутун борлиқ оппоқ қорга беланди. Вақти-вақти билан бўрон кўтарилар, совуқ ич-этни тирнарди. Суллон шунда ҳам хожаси шаҳид бўлган жойдан жилмади. Ётаверди.

Бир куни гап тарқалди:


– Ит кетиб қолибди.

Бу гап ҳам элга тез ёйилди. Биров у деди, биров бу. Ҳамма ўзича фол очди.

– Жониворнинг мотами ҳам шунда-да. Инсон чидолмайди бунга. Шунча кун бағрини муздек асфальтга бериб ётди. Очликдан силласи қуриган, совуқ жонига теккан ит ётармиди. Кетган-да...

Ҳақиқатни эса раҳматли Жўрақулнинг уч оға-иниси кўрди. Жигаргўшаларининг қабрини зиёрат қилгани келган ака-укалар бу ҳолдан тошдек қотиб қолишди. Нетонгки, вафодор ит – Суллон эгаси ётган қабр пойгагида ўлиб ётарди...

Эй покиза хилқат, хуш келдинг...



Асқар МАҲКАМ

* * *

Бу уйда бир пайтлар бувим яшаган,
меҳрсиз келинин дастидан ёниб.
Пойдевор тошини ўзи ташлаган,
Бизларга нон ёпган тунлар уйғониб.

Ўзи ер чопарди, ўзи экарди,
невара ташвиши, беш маҳал намоз.
Ғам ошиб кетганда нос ҳам чекарди.
Қўшнилар гоҳ яраш, гоҳи пайт араз.

Айрилиқ дардида оқарган сочи,
сарғайиб борарди кун ўтган сайин,
турмушга етарди базўр қулочи,
бу давру замонга етмасди тайин.

Мен эса шоирман -
бору йўғим шу...
Баъзан шеър тўқийман ўшанга атаб.
Шеър нима билмаган ва билмайди у,
ўйлаб ҳам кўрмаган етмиш йил яшаб...

Бу уйда бир вақтлар бувим яшаган.

* * *

Менга оғир бўлар – сен ўлсанг...
сенга нима – ўлсам-ўлмасам
Менга оғир бўлар – йўқ бўлсанг...
сенга нима – бўлсам-бўлмасам...
Менга оғир бўлар – йиғласанг
ёхуд есанг юрак-бағрингни...
Сенга нима – жинни бўлмасанг
ташлаб кетсам ҳатто шаҳрингни...
Менга оғир бўларди – зорлаб
Тополмасанг бирор остона...

Сенга нима – товоним қонаб
бошим олиб кетсам – девона...
Менга оғир бўларди бир кун
юрагингни тешса бир эр – қурт...
Сенга нима – у қурт мен учун
бутун умр ясаса тобут...
Менга оғир бўлар – бу сочлар
оёғига илашса унинг...
Сенга нима - жим-жит оғочлар
жони бўлиб қолса жисмимнинг...
Сенга нима - шоири дилхун
кетса буткул узоқ ва узоқ...
Менга эса керакмас бир зум
сендан кейин бир зум яшамоқ...

* * *

Бизни танлаганда ёрлар адашди
Илкимиз тутганда хорлар адашди.

Сўраб келсак бир кун молин берар деб
Ўзимиз зормиз-у зорлар адашди.

Кулбамизга аранг сиғар бошимиз
Даргоҳи кенг дея торлар адашди.

Даштда Ҳусайн каби ҳолимиз хароб
Бизлар миниб келган норлар адашди.

Дунёсига келиб нима ҳам қилдик
Биз телбамиз... эси борлар адашди.

* * *

Эй покиза хилқат, хуш келдинг,
вожиб бўлсин Ишқ дуолари.
Тирноғингга арзимас сенинг
бу дунёнинг бор дунёлари...
Бафинг заҳар-заққумга тўлар,
кимдир отар сўнгги тошини
ва пойингга ташлайди улар
муқаддас деб билган лошини...
Сен кетасан... Кўкда ёлғиз ой,
пастда увлар нобакор итлар...
Тумшуғи қон, панжалари лой,
потирлайди қонхўр бургутлар...
Сен кетасан танҳо ва дилхун
гирдоб узра оқ гул мисоли...

Пок танангни асрамоқ учун
лашкар тортар юлдуз қироли...
Эй покиза хилқат, хуш келдинг!
Вожиб бўлсин Ишқ дуолари!
Тирноғингга арзимас сенинг
бу дунёнинг бор дунёлари!..

СЎЗ ЖОНИ

Бугун сўзлар Айюбдек хаста
ё барчадан у ҳам тўйдими...
Менга барглар шивирлар аста:
«Энди биров шеър ўқийдими!..»
Наҳот Сўздан қолмади нишон,
гарчи улар бозорда лак-лак...
Менга гуллар шивирлар гирён:
«Бугун шеъринг кимга ҳам керак!..»
Осмон ўша...
Қадимий осмон...
Юлдузлар ҳам ёнар тўкилмай...
Одам бўлмас ҳеч ким, ҳеч қачон
буюк Қуръон сўзин ўқимай!..
Гарчи каждир чарх —
бордир осмон,
у айланар азал шу йўсин...
Одам бўлмас ҳеч ким, ҳеч қачон
Навоийнинг ўқимай сўзин!..
Ер айланиб турар ҳар қалай,
кўтарганча инсон зотини.
Одам бўлмас ҳеч ким ўқимай,
Мавлононинг Куллиётини!..
Ва Пайғамбар Раҳмат тоғида
тингламоқда илоҳий ваҳий.
Бутун олам аҳлин оғзида
«Иқро бисми Роббикал-лазии!..»
Қиёматга қадар шу хуллас
ғов бўлолмас ҳеч ким йўлида.
Сўз ўлмайди! Ўлдириб бўлмас!..
Сўз жони ҳам Оллоҳ қўлида!..

ЭЙ ИШҚ – БАЛОЙИ ЖОН!

Сен менга жазо бергил, ошкора сазо бергил,
Кўйида адо бергил, эй Ишқ – балойи жон!
Қисматки азал шулдир, ёндир, мени куйдиргил,
Дардимга даво бергил, эй Ишқ – балойи жон!
Гар йўқману пайдоман, йўқсилману дороман,
Созимга садо бергал, эй Ишк – балойи жон!

Менким адашиб сендин, айро тушайин элдин,
Минг қатла хато бергил, эй Ишқ – балойи жон!
Дунёси қилиб торлик, пойимга илиб чориқ,
Илкимга асо бергил, эй Ишқ – балойи жон!
Девоналарим басдур, афсоналарим басдур,
Бир ақли расо бергил, эй Ишқ – балойи жон!
Васлингга етолмасдан пойингда агар ўлсам,
Бир пора мато бергил, эй Ишқ – балойи жон!
Ёнсам чидамас маҳшар, куйсам чидамас машҳар,
Руҳимга сафо бергил, эй Ишқ – балойи жон!
Гар Ёр жафо истар, пайваста хато истар,
Умримга қазо бергил, эй Ишқ – балойи жон!

* * *

Кўнглим менинг истаган ёр йўқ,
Руҳим менинг истаган ёр йўқ.
Мен қатлдан кўрқмасмен ҳаргиз
Оғочлари баландроқ дор йўқ...
Ҳама гуллар оёқ остинда
Ани асрай дегувчи хор йўқ.
Муҳаббат ҳам шаҳватдир асли
Магар бунда парда йўқ, ор йўқ...
Биҳамдиллаҳ, ўлим айиргай
Қўшай дема ҳеч қўшмозор йўқ...
Тортиб бўлдик барини буткул
Биз тортмаган ғаму озор йўқ.
Сотиб олай десам бир ҳамдард
Бухорода бундай бозор йўқ...

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ДЕЙДИ

Бузилиб кетмасин бир кун саройлар
харобот ўтларга кўмилмай бурун
Чандиқ ва чуқурдан чиққан гадойлар
учраган тешикка суқмасдан қўлин
Малика либосин кийган аёллар
яланғоч кафанга чирмалмай ҳали
Мозорат латтасин чайнаб шамоллар
дарвишдек тупроқда ётган маҳали
Ҳарамдан отилиб чиққан сулувнинг
паришон сочлари оқармай сиймин
Нафсни ўлдиринг...

ИЖОД ТОНГИДАГИ ОМАД



Шермат ХЎЖА,
санъаткор.

Аниқ эсимда йўқ – 1970 йилмиди ёки 1971 йил... Ўсмир эдим. Колхозимизнинг Рабаббой Тожиев етакчилик қилаётган бригадаси аъзолари Ҳазорасп туманида биринчилардан бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажардилар. «Ҳурмат»и колхозчилар! Сизларга хуш хабарим бор – яқинда машҳур ҳофизлар келиб хизмат қиладилар. Шуларнинг орасида элдошимиз Ортиқ Отажонов ҳам бўлади» деди раисбува. Барча қарсак чалиб юборди. Мен эса қулоқларимга ишонмасдим. «Наҳотки, радиода қўшиқ айтадиган, телевизорда чиқадиган шундай зўр артист бизнинг ёнимизга келса» дердим ичимда. Симёғочларга Ортиқ Отажоновнинг тор ушлаб, табассум қилиб турган ҳолдаги сурати илингач, бу воқеликка заррача шубҳамиз қолмади.

... Куз ойлари. Дов-дарахтларнинг олтиндек «порлаган» япроқлари кўзга иссиқ босилади. Қайноқ мавсумдан кейин нафас ростланаётган паллалар... Ҳамма хурсанд. Хусусан, Ортиқ Отажон ташрифига интиқ бўлаётганлар қанча. Хулласи калом, фарахбахш кунлардан бирида у келди. Ражаббой аканинг ишораси ила қишлоқ аҳли — болакайлардан, қизалоқлардан тортиб, токи чўгирма кийган бобойларгача, бошига лачак қўндирган момоларгача майдонга йиғилишиб, қур ҳосил қилдик. Майдон ўртасига яп-янги кулранг костюм-шим кийган, оқ кўйлак ёқасига шоколад ранг галстук тақкан, сочларини силлиққина қилиб орқага тараган машҳур хонанда Ортиқ Отажонов чиққанида қарсаклар залворидан тутларнинг барглари тўкилгандек туюлди. Ҳа, бизнинг Пичоқчи дея аталмиш қишлоғимизда кўп йиллардан бери илк бора бундай шодиёна воқеликка кўчаётган эди.

Хонанда кулимсираб, таъзим қилиб қарсаклар тугашини кутиб турди. У ниҳоятда хушсуврат, адл қомат эди; каттакон кўзларида меҳр шуълалари товланиб ту-

рарди. Тошкентдай шаҳри азимда катта давраларни кўргани учунми, сира тортинмас, чор атрофга мағрурлик ила нигоҳ ташлаб қўярди.

– Ҳурматли ўртоқлар! Аввало, пахта режаларини бажарганларингиз учун сизларни чин кўнглимдан табриклайман. Хазорисни қадим-қадимдан «Минг отлиқ» деганлар. «Минг отлиқ»дан эса қуён қочиб қутулмас. Яна бунинг устига қишлоғингизнинг номи – Пичоқчи. Демак, сизларнинг лафзингиз пичоқдийн кескир. Буни кўриб турибмиз. Агар хизматларимиз кўнглингизга ўрнаса, бошимиз осмонга чиқади!

Йиғин аҳли яна қарсакка зўр берди. Мен эса хонанданинг нафақат қўшиқ айтишга, балки гапга уста эканлигини ўшанда илғаганман. Торини қўлига олар экан, даврага бир қараб, тинғирдатди. Доиракашга бош ирғади. Қулоққа, нафақат қулоққа, балки жонга хуш ёқадиган куй чалинди. Сўнг ҳофиз қўшиқ бошлади.

Дафъатан кимдир туртаётганини илғадим. «Сани бригат чоқириб турибди» деди ёнимдаги тенгқурим. Қарадим. У имо-ишора қилди. Даврага чиқдим. «Ҳов, шу боло қўшиқ айтодими?» деди уста. Сўнг торини менга узатди. Қаттиқ ҳаяжонланганимдан торни чалганимни билмай қолибман. Ўзи биринчи маротаба тор ушлашим. Улуғ санъаткор ҳаяжонимни сезди албатта. Ним табассум ила: «Рубобни чалавер. Ҳали бунга сал эрта» деб қўйди.

Комилжон устадан «Ошиқ бўлмишам»ни айтдим. Бироз ҳаяжоним босилди. Сўнг эса Ортиқ Отажоновга ўтдим:

Шўх-шўх ўйнар эдим,

Сен билан қирғоқда мен...

Қўшиқни тугатишим биланоқ уста: «Боракалло, боракалло!» деб қўйди. Даврага юзланиб: «Бу болода туғма талант бор экан. Насиб этса, ина ўзларингизданам артис чиқади. Бу боло Тошкента борсин, ўқисин, сизлар бунго «ҳайт» даб турингланр! Дим вохтим хўш бўлди» дея истакларини баён қилишга киришди.

Кўз очиб-юмгунча эртакмонанд концерт ўз ниҳоясига етди. Санъаткорлар мошинларга ўтириб, алқайгадир йўл олаётганликларини пайқаб қолдим. Худди туш кўраётгандай, тушнинг энг ширин жойида уйғониб кетгандай бўлдим. Наҳотки, ҳаммаси тез тугаса?!

«Акам сани чақирди. Ортиқ Отажонларга чой бермоқчи. Шерматбой ҳам албатта қатнашсин, деди». Улуғбекнинг овози эди бу! Бу овозни эшитиб, бирдан ўзимга келдим. Ва гўёки қушдай учиб бригадир долонига кириб бордим.

Даврада қишлоғимизнинг од-обрўли одамлари савлат тўкиб ўтирибдилар. Тўрда — Ортиқ оға. Мени кўриши биланоқ: «Ай боло! Гал ёнимо!» деди. Тортиниб, пойгакда туравердим. «Уялмо! Артис даганлари уялмослиги керак. Уялсонг — саннан артис чиқмийди», деди уста. Дадилланиб, ёнига бориб ўтирдим. Кейин кулимсираб: «Менга ўхшатиб айтар экансан. Ўзингни овозинг билан айт! Менга ўхшасанг соямда қоласан. Ҳар санъаткорнинг ўз овози бўлиши лозим» деди.

Устанинг панд-насиҳатлари мойдек ёқаётган эди. Айнан шу лавҳ-

заларда кимсан Ортиқ Отажонни гапларини эшитиб ўтирганимдан мамнун бўлаётган эдим. Уста сўзида давом этарди: «Дастага қарама. Пардаларни бармоқларингни ўзи топсин. Сан халққа қараб қўшиғингни айт. Ана шунда одамлар қўшиғингни қандай эшитаётганликларини кўриб-билиб турасан. Шуннан хулоса чиқарасан».

Тошкентга бориб ўқи, дея бир неча маротаба такрорлади. «Одамлар сани мақтайдилар, олқишлайдилар — бундан бурнинг кўтарилмасин!» деди. Аммо, кейинчалик шуни ангаб етдимки, Ортиқ оғанинг ўзи ўта мағрур одам экан. Устознинг бу мағрурлиги гоҳида кибру ҳаводек кўринарди. Эҳтимолки, мағрурлиги туғма одатдир?

Орадан уч- тўрт йилча вақт ўтгач, ўрта мактабни тамомладим. Отамнинг рухсат сўраб Тошкентга йўл олдим. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига кириб ўқидим. 1979 йилда яна бир машҳур санъаткор Қувондиқ Искандаровнинг таклифига биноан Муҳиддин Қори Ёқубов номли филармонияга ишга кирдим. Мазкур филармонияда Ортиқ уста ҳам фаолият кўрсатарди. «Қаторимизга қўшилганинг дим яхши бўлди. Ана энди санъат дунёсининг баландини, пастини кўрасан, тушунасан, Шерматвой!» деди уста кулимсираб.

Учта китобимни нашр эттирдим. Худо хоҳласа, беназир устозим Ортиқ Отажонов тўғрисида ҳам китоб ёзаман. Шубҳа йўққи, мазкур ҳикоям ўша китобнинг илк қисмидан ўрин олади.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: 1979 йилнинг ёз ойидан токи 2019 йилнинг май ойигача чўзилган қирқ йиллик воқеаларини битта ҳикояга сиғдириб бўлар эканми? Воқеаларни саралаб, танлаб олганимда ҳам ёднома чўзилиб кетаверади. Китоб яратиш каминага, Ортиқ Отажоновнинг шогирдига, садоқатли мухлисига ҳам қарз, ҳам фарз.

Фанони тарк этишидан ўн кунча аввал кўришган эдик. Уста қалин киприкларини пирпиратиб: «Юракни тузатиб олсайдик, юракни. Бошқа дардим йўқ. Ҳали сан билан қиладиган ишларимиз кўп. Санъатга қайтиб тўғри қилдинг лекин. Ай-й, санъатсиз ҳаёт ҳам ҳаётми? Мол-дунё, шон-шуҳрат, чапаклар – ҳаммаси ўткинчи. Шу... қўшиқ айтиб турганингда осмонда учиб бораётган қушдийн бўласан. Шуннан бошқаси – ёлғон. Қўшиқ айтган вақтингда яшаётганингни аниқ ҳис қиласан» деган.

Жўшиб кетиб «Сояда қолган йиллар»ни ўқидингизми ахир, дея сўрадим. «Ўқидим. Яхши, яхши» деди ва қисқа таърифига илова қилди: «Шундийн нарсалар ҳам керак. Шеър ёз, қисса ёз, аммо-лекин сан билан манинг чекимга қўшиқ айтиш тушкан. Сан билан ман қўшиқнинг ичида яшаймиз – бошқа ерда эмас».

Хайр-хўшлашиб уйга қайтдим.

Во дариғки, бу охирги дийдор экан...

Summary

The latest issue of Bobur and Dunyo magazine in 2021 also contains interesting articles. First of all, there is an article about the activities of the International Public Foundation named after Babur during the year.

Author Hakim Sattori's article «Navoi andijoniydurur» is about an issue that is currently being debated by scholars. In this case, the information about the birthplace of Mir Alisher Navoi is confirmed by historical sources.

The scientific researches of the authors Tolqin Saydaliev, Burobiya Rajabova, Israil Sulaymanov, Sarvar Saidov and others do not leave the reader indifferent. In addition, the article by Sayyora Raimova, a lecturer at Termez State University, entitled «Back to the Great Rivers» gives a full picture of the traditions of classical literature and the current literary process.

In addition, the stories of the famous writer Kurban Eshmat and the poems of the poet Askar Mahkam will undoubtedly please the readers.

МУАССИС
Бобур номидаги халқаро жамоат фонди, «Агробанк» акциядорлик тижорат банки, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши таъсисчилигидаги «Zaytun bog`lari» МЧЖ.

Таҳрир ҳайъати

Зокиржон МАШРАБОВ,
Бобур номидаги халқаро жамоат фонди раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, геология-минералогия фанлари номзоди.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Эйжи МАНО,
профессор (Япония).

Иброҳимжон АСҚАРОВ,
Ўзбекистон Табобат Академияси раиси, кимё фанлари доктори, профессор.

Сирожиддин САЙИИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири.

Боқижон МАТБОБОЕВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

Қамчибек КЕНЖА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи

Сйед Нақи АББАС,
Рампур-Ризо кутубхонаси Вице-Президенти, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди Ҳиндистон бўлими раҳбари, шоир (Ҳиндистон).

Мирза КЕНЖАБЕК,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, шоир, таржимон.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

Буробия РАЖАБОВА,
филология фанлари номзоди, доцент.

Омонулла БЎРИЕВ,
тарих фанлари доктори.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
журналист

Бош муҳаррир ўринбосари: **Ситора ТОЖИДДИНОВА**

Навбатчи муҳаррир: **Яшнар МЎМИНОВА**

Саҳифаловчи-диз@йнер: **Ғафуржон МАДАЛОВ**

Мусаҳҳиҳ: **Муяссар ИБРОҲИМОВА**

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар қайтарилмайди. Матилардаги маълумотларнинг тўғрилигига муаллифлар масъул. Таҳририят барча ижодий ишларни белгиланган тартибда таҳрир этишга ҳақлидир. Журналдан кўчириб босилганда манба номи кўрсатилиши шарт.
e-mail: boburvadunyo@mail.ru

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 26 мартда 0954-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган. Журнал йилига 4 марта, ҳар 3 ойда бир марта чоп этилади.

Босмахонага топширилди 2021 йил 27 декабрь соат 10:00 да.
Босишга рухсат этилди: 2021 йил 27 декабрь соат 16:00 да.
Бичими 60x84/8. Офсет усулида, 80 грамм офсет қоғозида босилди.
Шартли босма тобоғи 9.
350 нусхада чоп этилди. Журнал таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Журнал «Standart Poligraph Books» МЧЖ босмахонасида нашр этилди.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 69-уй.
Телефонлар: (0-371) 241-18-67, факс: 241-09-21.
Нашр индекси: 2543

Босмахона манзили:
Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 12-Б уй.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Қиш бўлдию бўлди барча тому тош қор,
Жамияти бор кишига бордур хуш қор...

Заҳириддин Муҳаммад Бобур



Бобир Ҳиротда Султон Ҳусайн хонадонда (в. 25бб)

«Бобурнома» расмлари (Тошкент, «Фан» нашриёти, 1970 й.) китоб-альбомидан олинди.